

84(543)

Ж

Ашурали Жұраев



CH0000034058

Конверт  
одам

Ашурали Жураев



# Конверт одам

Қисса, ҳикоялар ва эссе

Nizomiy nomli  
T D F U  
Kutubxonasi

4-8365/2

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2015

УЎК: 821.512.133

КБК 84(5Ў)6

Ж-79

Таникли ижодкор Ашурали Жўрасвнинг мазкур тўпламидан ўрин олган «Конверт-одам» фельстон-киссасида собиқ шўро замонида бўлиб ўтган ғаройиб воқсалар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғалати хангомалар тилга олинади.

Унинг ҳикояларида эса замондошларимизнинг турфа хил характерлари ёрқин бўёқларда лўнда ва ихчам тасвирлаб берилган.

ISBN 978-9943-28-346-6

© А. Жўраев, 2015

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2015



## КОНВЕРТ-ОДАМ

### Фельетон-қисса

*«Кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлиmidир».*

*«Махзан ал-улум»*

*«Ўғри урган киши «дод, ўғрини ушла!» дейди, пора берган киши «дод, порахўрни ушла!» демайди...»*

Абдулла ҚАҲҲОР

## БИЛДИРГИ

Ҳурматли ўқувчи!

Ушбу билдирги орқали шуни маълум қиламанки, конверт билан боғлиқ бу этни жунжиктирадиган, ғаройиб воқеалар, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ғалати хангомалар асосан собиқ шўро замонида бўлиб ўтганлигини асарни ўқиғач билиб оласиз.

Конвертбозлик шўро тузумининг асло тузалмас — энг ёмон иллатларидан бири эди. Конвертбозлик жамиятнинг тараққиётидан, иқтисодий ривожланишдан кўра, инкирозга учрашида асосий куч бўлган, десак янглишмаймиз.

Қатағон бўйича халқлар отаси Сталин фирка ходимларига маош ва мукофот пулини конвертда беришни тавсия қилган. Яна бир тузалмас иллатни бошлаб берган бу расво кўрсатма дохийнинг ўлиmidан сўнг ҳам қизғин давом этган. Шундай қилиб, конвертбозлик касаллиги юқоридан қуйига тушиб, жамиятни ажриқ томирларидай эгаллаб олган ва тузалмас иллатга айланган.

Конвертга ўрганган қўллар, чўнтаклар уни ҳамиша қўмсаб яшаган. Ўрганмаган чўнтаклар уни қўлга киритишга интиланлар. Конвертга ҳавас ҳам, кизиқиш ҳам баланд бўлган.

Ўша замонда конверт қудратли эди, кучи ниҳоятда зўр эди. Унга тенг келадиган бирор-бир куч топилмасди. Катта-ки-

чик мансаблар, баланд амаллар конвертнинг салмоғига, қайси қудратли чўнтакка тушганига қараб тақсимланарди.

Конверт фақат одамлар ва амалдорларни эмас, балки соҳаларни, тизимларни бири-бирига кўзга кўринмас мустаҳкам занжирлар билан боғлаб турарди. Ундан бевосита манфаатдор кучлар бу занжирларнинг узилишини асло хоҳламасдилар. Масалан, конвертнинг сеҳрли кучи билан истаган олий ўқув юртига кириш ёки ўқимасдан ҳам бемалол диплом олиш одатий ҳол эди.

Конверт жиноят қилиб, ўша жиноятларни яна ўзи ёрдам қилиб ёпиб юборарди. Конверт бажарилмаган режаларни ортиғи билан адо этарди.

Конвертлар «илғорлар»ни ўзи яратиб, ўзи мукофот берарди. Хуллас, одамнинг кадр-киммати, шаъни, ҳақ-ҳукуки кўпроқ унинг ёнидаги конвертнинг салмоғи ва миқдорига қараб белгиланарди.

Афсус, надоматлар бўлсинки, собик шўродан қолган энг хавфли иллат – конвертбозлик касаллигидан ҳали-ҳануз куту-

либ кетмаган айрим кимсалар орамизда учраб туради. Бундай конвертхўрлардан ҳам нафратланамиз, ҳам жирканамиз. Бундай иллатларнинг ҳамон борлиги жамият учун ниҳоятда хавфли.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Қаримов айтганидек: «Шуни унутмаслик керакки, таъмагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-хаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олди олинмаса, бу мараз бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин».

Биз, каламга олган мавзу — конвертбозлик илллати ҳам ана шундай мараз ва юқумли касалликлардан бири. Бу иллатдан қанча тез қутулсак, унга биргалашиб барҳам берсак, аввало виждонимиз тоза, иймонимиз пок ва ҳаромдан ҳазар қилган бўламиз. Бу билан жамиятимизнинг ҳалоллашиб, тозариб боришига шубҳа йўқ...

Ушбу ёзилганларни ўқиб, ўзингиз бир хулосага келасиз, деган умиддамиз, азиз ўқувчи!

Козим конверт бугун кутилмаганда, «ижоди» гуркираб турган бир пайтда бир умр меҳр-муҳаббат қўйиб келган жонажон конвертга қамалиб қолди. Худди лифтда тасодифан қамалган йўловчидай. Конвертни зўр бериб, бор кучи билан парчалай деса, қўлларида кишан... Козим шўрлик қачон, қандай қилиб, қай ҳолатда конвертнинг шафқатсиз қопқонига тушиб қолганини билмайди? Билолмай гаранг ва лол...

Козим конверт куни кеча озод ва эркин қуш каби қанот қоқиб, мазза қилиб тоза ҳаволар бағрида учиб юарди. Уни тўхтатадиган, йўлини тўсадиган, таҳдид соладиган бирор-бир куч топилмасди! Унинг қўллари узатган жойига етарди. Имкониятларининг чек-чегараси йўқ эди. Унинг чўнтаклари даста-даста, ғиж-ғиж конверт билан тўла эди. У конвертлар қанотида олис-олисларга эркин парвоз қиларди...

\* \* \*

Конверт тубсиз қудуқ эди. Лекин қудуқдан ҳам чуқур эди. Чуқурликда гўё лаҳадни эслатарди...

\* \* \*

У ўқишни тугатиб, бир ишнинг этагини тутмагунча конверт нималигини, унда қандай сир-синоат борлигини ва қандай куч-қудратга кодирлигини ва конвертда минг ишва-ю, жилва билан жодугар кашмири яшашини ҳали билмасди.

Бир сафар бобоси билан ораларида шундай ғаройиб суҳбат бўлиб ўтгани ҳамон ёдида.

– Болам, билсанг, конверт эшик очади, – деди бобоси.

– Конвертнинг қўллари ё оёқлари бўлмаса, қандай қилиб эшик очади, бобожон? – хайратга тушди набира.

– Болам, конвертнинг оёқ-қўллари бўлмасаям, унинг ичида деви бор, – деди бобоси сирли қилиб.

– Эртақлардаги девми, бобожон? – яна хайратланди набира.

– Афсуски, эртакларингни кунпаякун килиб, ҳамма нарсани кулга айлантира-  
диган кудратли дев. Бу дев билан асло  
ҳазиллашиб бўлмайди.

– Бу қандай дев?

– Пул-дев болам, пул-дев. Ундан Худо-  
нинг ўзи асрасин. Ҳозирча унга тенг кела-  
диган куч йўқ. У зўрларнинг зўри. Кучли-  
ларнинг ниҳоятда кучлиси...

– Сиз айтган пул-дев танкдан ҳам  
зўрми?!

– Зўр! Хоҳласа, танкни юргизади,  
хоҳласа, тўхтатади, хоҳласа, бир уриб  
пачаклайди. Хоҳласа, учиб кетаётган са-  
молётни ерга кўндиради.

У бола хаёли билан ўшанда пул-девни  
тасаввур қилолган эмас. Пулнинг девга  
нима алоқаси борлигини яхши тушунма-  
ган эди...

Козим ўрта мактабда аъло баҳоларда  
ўқиди. Унга кўпчилик ҳавас қиларди. Ай-  
ниқса, математика фанидан билими анча  
зўр эди. Бир сафар мактабга келган ко-  
миссия аъзоларидан бирининг хатоси-

ни топиб, хаммани хайратга солганди. Ўшанда Козим мактабнинг қолаверса, бутун Бўрикалла қишлоғининг ҳақиқий қаҳрамонига айлангани рост гап. Ҳатто қариялар «агар бу бола шундай ўқиса, келажакда ундан ҳатто Гагарин чиқиши мумкинлигини» башорат қилишганди.

Мактабни тугатиб, катта шаҳарга ўқишга кетиб, ўша йил Козим талаба бўлди. Қишлоқдошлари: «Козимдай яхши ўқи!», «Козимдай «аълочи» бўл!», «Козимдай илоё ўқишга кир!» – деб унга хавас қила бошладилар. Яхши ўқигани ва киришимли йигит бўлгани учун университетда олиб қолишди.

Муҳаббат бобида ҳам омади юришди. Илдизлари анча мустаҳкам бир амалдорнинг ўзидан уч ёш катта қизига уйланди. Отасини анча-мунча қарзга ботирганини ҳисобга олмаганда тўй яхши ўтди. Лекин тўёна тўла конвертларни қайнотаси олди. Отаси беш йил деганда тўй қарзларини узди. Лекин бу орада Козимбойнинг омади чопиб, амал пиллапояларидан юкорилаб

бораверди. Охири у «Козим катта» деган юксак ном орттирди. Шунда унинг номи кишлоқдошлари орасида машхур бўлиб, дostonга айланди. Улар биздан чиққан «катта одам» деб роса фахрландилар. Бу «юлдузли онлар» узокка чўзилмади.

Ёмон гапнинг каноти бор, деганларидек, одамлар кулоғига бир совук ва шум хабар етиб келди. Энди у эл орасида Козим конверт деган ғалати ном орттирган эди...

Ўша замонларда олий ўқув юртларига киришда асосий воситачилик конверт оркали амалга оширилар эди. У пайтда конверт катта куч эди. Конверт ўқишга киритиб, конверт диплом олиб берарди. Козимбой бу умумхалқ «ҳашари»да кайнотасига яқиндан ёрдам бериб турарди. Лекин хизмат ҳақини фақат конвертда оларди.

\* \* \*

Конверт тубсиз қудук эди. Қудукдан ҳам чуқур эди. Чуқурликда гўё лаҳадни эслатарди...

Ўшанда Козимнинг йирик корхонага рахбар этиб тайинланганига бор-йўғи уч кун бўлганди. Ўша кунлар ҳамон ёдида. Дастлабки кунлар у ишхона ва ишчи-хизматчилар билан танишишдан, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини, дарду ташвишларини эшитишдан бўшагани йўқ. Орада катта-кичик мажлисларга ҳам бориб келяпти. Уйда апил-тапил овқатланиб, ётоғига шошади. Олдингидай ялпайиб телевизор кўриш, бола-чака билан яйраб суҳбатлашиш ҳам йўқ. Эрталабки ошларни ҳам канда қилди. Зарур ва керакли одамнинг оши бўлмаса, бормасди.

Фикри-ёди ишда. Ишни яхши бошлаб, яхши натижаларга эришишни асосий мақсад қилиб олган. Энг муҳими, қўли остидаги одамлар билан тил топишиб кетса бўлди. Жамоа ёмонга ўхшамайди. Худо хоҳласа, ишлаб кетади...

Ўша куни ишга эртарок келди. Котиба киз ҳам эндигина келиб, ўзини ойнага солиб турган экан. У котибанинг сало-

мига тузукрок алик олмай, хонасига кириб кетди. Бундай ўта замонавий қизнинг қабулхонасига келган кишиларни кўзини ўйнатиб, қўғирчокдай ястаниб ўтириши дуруст эмас. Озроқ муддат ишласа, кейин одмироғига алмаштирар.

У хаёлидан шу фикрларни ўтказиб, курсига чўкди. Чўкди-ю, кеча окшом юқоридан келган хужжатларга кўз югуртира бошлади. Бу орада котиба чойнакда чой кўтариб кирди. У котибага карамасдан «рахмат» деди-ю, ишини давом эттираверди.

Орадан бир-икки соат чамаси вақт ўтди. Ўринбосарини қабул қилди. Телефонларга жавоб берди. Ниманидир излаб столи тортмасини тортди. Тортди-ю, хайратдан қотди. Тортмада узунчоқ конверт турарди. Лекин у конвертни олиб, очиб кўришга ботинолмади. Шартта тортмани ёпди. Ёпди-ю, нимадандир сесканиб, юрагига ваҳима тушди. Атайлаб қилгандай шамол дераза пардасини қимирлатган эди, яна юрагига ғулғула тушиб, атрофига аланглаб қараб қўйди. Ўзини босиб олиб,

ишини давом эттирди. Қани энди ишида унум бўлса, хаёли тортмадаги конвертда эди. Бир хаёли уни шартта олиб очмокчи бўлди. Лекин журъати етмади. Кўрқди.

«Конвертда нима бор?», «Ким бундай қилиши мумкин? Ва нега, нима учун?» «Кимдир уни сотиб олмокчимми?» Хаёлидан ўтаётган саволларга жавоб изларди. Бир хаёли конвертни секин чўнтагига солиб, ҳожатхонага кириб очмокчи бўлди. Очиб кўради-ю, ташлаб юборади. Тамом, вассалом. Йўқ, яхшиси кўлини тегизмаслик керак. Нима қилади из қолдириб?.. Ахир у конвертни ким нима ниятда тортмасига ташлаб кетганини билмайди-ку! Яқинда конверт билан кўлга тушган қайсидир вазир ўринбосарини эслади. У қанчалар тонмасин, конвертдан бармоқ излари чиқибди. Уни ишхонасида кўлларига кишан солиб олиб кетишибди.

Козимнинг ҳаловати йўқолди. Гўё хонасида портлайдиган нимадир бор-у, ҳадемай портлаб кетадигандай ваҳима исканжасида қолди.

Тушлик татимади. Хаёли ҳамон ғаладондаги кўкиш ранг конвертда эди. «Сўми, долларми, евроми... агар бўлса қанча?»

У куннинг қолган ярми қандай ўтганини билмади. Ҳузурига кириб чиққанларни қандай қабул қилганини яхши эслолмайди.

Иш вақти тугагач, кетиш олдидан шартта ғаладонни тортди-ю, конвертни олиб, тезгина портфелига солди. Машинага ўтиргач, кўнгли бироз таскин топгандек бўлди, ҳадиги босилди.

Хотинининг «яхши келдингизми», деган сўзларига ҳам эътибор қилмай, ётоғига шошилди. Апил-тапил кийимларини алмаштириб телевизор рўпарасига чўкди. Лекин хаёли портфелидаги конвертда эди: «Конвертда нима бор? Нима бўлиши мумкин?» Кутилмаганда хотинига юзланиб:

– Овқатинг тайёр бўлса, олиб кел, – деди.

Хотини пилдираб ошхонага кетди. Бу орада ҳовлида ўйнаб юрган фарзандлари ҳам келишди.

қотди. Сўнг ҳарбийда хизмат қилаётган амакисидан конвертда хат келганини эслади. Эслади-ю, почтага югурди. У биринчи бор қўлига ўшанда конверт ушлади. Унинг чиройли маркасига узоқ тикилиб қолди. Қўлидаги хатни авайлаб конвертга жойлади. Гўё хатда ёзилганларини конверт билиб қоладигандай хижолат бўлди. Лекин конвертни меҳр билан китоб орасига қўйиб қизга узатди... То китоб ортга қайтгунича конверт тушларига кириб чикди. Умид билан кўзлари тўрт бўлиб, интизор бўлиб кутди – конвертни. Соғинч билан юраклари ўртаниб-ўртаниб кутди – конвертни.

Конверт ўшанда ишқ эди, ишқдан фол очадиган башоратчи, фолбин эди.

Конверт ўшанда энг соф, энг покиза туйғулари мужассам бўлган гўзал хилқат эди.

Конверт ўшанда юрагини, юраги эмас бутун тани-жонини беркитиб қўйган муҳаббат қудуғи эди... Лекин ўшанда конверт уни бошлаб алдади. Конвертдаги ишқий сатрлар сароб бўлиб чикди. У энди

конвертга ишонмай қўйди. Унинг нозик, навнихол конвертини куч-қудратга тўла семиз конверт аллақачон ўзиники қилиб олган эди... Ҳаммаси бозордагидай сотилиб кетди...

Конверт билан боғлиқ нарсa борки, сотилади, сотиб олинади. Ва сотиб юборилади. Конвертда меҳру шафқат йўқ, яхшилик йўқ.

Бошидан ўтганлари сабоқ бўлмаган экан...

Ёши улғайиб, яна конвертга меҳр қўйиб ўтирибди-я, галварс. Конвертга меҳр — қоғозгулга қўйилган меҳрдай гап.

Унинг бу гал конвертга тушган ишқи бўлакча эди. Бу ишқ юрагида эмас, жиғилдонида илдиз отган эди. Конверт у учун битмас-туганмас бойлик манбаи эди, гўё қазиб олгани билан асло тугамайдиган хазина эди. Конвертда сеҳр бор эди. Унинг ичида сеҳргар яшарди. Сеҳру жоду амал қилганда ҳатто иймон суст кетарди. Нафсини жиловлай олмасди. Оқибатда конвертга кул бўлди, яъни Конверткулга айланди.

Конверт аслида касофат эди. Касофат бўлмаганда у шўрликнинг бошига не-не кулфатларни солармиди?

Конвертга ошно бўлган, унинг сеҳрига берилган одам, унга ва айникса, конвертдаги жодуга меҳр қўйган одам, албатта, туби йўқ нафс қудуғига тушиб кетиши аниқ. Тўғриси чўкиб кетади. Алвидо!..

Конверт ичида сулув кўзларини сузиб кашмири яшайди, жодугар истиқомат қилади. Конвертда шайтон ин қуриб олган. Улар бир бўлиб турфа нозу карашмалар билан конверт ичида яйраб, қош қокиб имлагани-имлаган...

Қудук тубида конвертнинг азиз болалари – пуллар, бойликлар, қимматбаҳо буюмлар қалашиб ётарди. Уларни минг азобда зўриқиб-зўриқиб, қўрқиб-қўрқиб, қийналиб-қийналиб туққан эди, шўрлик конверт. Лекин конвертнинг болалари бевафо эди.

Аслида конверт учун ҳар гал пул туғишнинг ўзи бўлмасди. У қўлдан қўлга, чўнтакдан чўнтакка ўтаётганида доим

ҳадиксираб, кўрқиб, титраб-титраб турарди. Яъни у нопок қўлдан қўлга ўтаётганида тўғри ва ҳалол қўлларга тушиб қолишдан ниҳоятда кўрқарди. Чўнтакка кириб олгач, биров нафас ростларди. Чўнтак анча ишончли, беҳавотир манзил. Чўнтак унинг қалқони эди. Чўнтакдаги конверт отасидан калтак еб, сўнг онаси ажратиб олган болага ўхшаб нафас ростлайди.

Бир хил чўнтаклар силлиқ, бир хиллари дағал, бир хиллари кенг ва бир хиллари тор эди. Тор чўнтакларда конвертнинг нафаси қайтиб, бўғилиб кетарди. Кенг чўнтакларда яйрарди, яйраб-яйраб нафас оларди. Нафас оларди-ю, лекин нафсини тиёлмасди. Конвертлар аслида нафсининг қурбонлари эди. Улар ҳаром билан ҳалолни билмас ва фарқига бормасди...

\* \* \*

Козим конвертнинг хидини туғурукхонадан чиқаётганида сезган бўлса ажаб эмас. Чунки уни конвертда йўргаклаб чиқишган эди. Шу-шу у конверт билан

кадрдон ошно бўлиб қолди. У боғчага бораётганида ҳам конверт унга ҳамроҳ бўлганини билмайди. Боғча мудираси бувисининг таниши эди. Қанчалар яқин таниш, кадрдон бўлмасин мудирага бувисидан кўра, бувиси берган пўрсилдок конверт кадрли эди. Чунки мудира боғчага болаларни конвертсиз қабул қилмасди. Конвертсиз келган болалар турли баҳоналар билан боғча остонасидан ичкарига бир қадам ҳам қўёлмасди. Остонада уларни конверт кутиб турарди.

Конверт ғиштдай тўртбурчак, ғиштдай оғир эди...

Умрингдан барака топгур, мактаб остонасига ҳам конверт билан бирга қадам қўйди. У ўқишга борган мактаб намунали эди. Лекин мактаб обрўси қанчалар юксак ва намунали бўлмасин, унда конвертсиз ўқишнинг ҳеч бир иложи ва имкони йўқ эди. Ўшанда конверт уни мактабга олиб борган отасининг чўнтагида эканлигини у билмасди.

Конверт кўринмас залворли қўллари билан уни синф партасига етаклаб бор-

ди. Мактабни тугатгунча ота-онаси билан ўқитувчилар ўртаси конверт ришталари анча мустаҳкам боғланди. Байрамлар, тугилган кунларда конвертлар устозларни қутлаб, мамнун қилиб, ҳолларидан хабар олиб турди.

У ўқиган институтда конвертбозлик мусобақаси авжида экан. У на ўқиб ўқиди, на тузукрок билим олди. У учун конверт балогардон бўлди. Ўқишни тугатгунча унинг қўллари чўнтагида эди.

Бир томонда – ўқиётган конвертлар узун-қисқа, семиз-орик бўлиб ўқув хоналарида, маъруза залларида кўзларини лўқ қилиб, бақрайиб ўтирарди. Иккинчи томонда – ўқитадиган конвертлар эса ниҳоятда юҳо, аждарҳодай оч эди. Уларнинг кўзлари ҳам, ўзлари ҳам ютаман, дерди. Конвертнинг кандайлиги улар учун аҳамиятсиз эди. Конверт бўлса, бас...

Козим учинчи курсга ўтганида институт ректори алмашди. Янги ректор ўта ҳалол, тўғри сўз, катъий раҳбар эмиш, деган гап-сўзлар таркади. Энг муҳими у

конвертдан ҳазар қилармиш, конверт олиб кирганларни шафқатсиз жазолармиш, деган гаплардан талаба-ю ўқитувчилар анча хушёр тортишди. У олдинги ректор каби конверт дардига мубтало бўлмаган эмиш.

Орадан ҳеч вақт ўтмай маълум бўлдики, конвертни ректор жанобларининг рафикалари Бинафшахон опамиз олар экан. Ана энди почтальонга ўхшаб ректорнинг дарвозасини қоқадиганлар сони кўпайди, сафи кенгайди. Конверт конвейерга айланди. Навбатда туришни хоҳламаганлар, кутишга тоқати йўқлар таниш-билишларини ишга солдилар. Биров эшикдан, биров тешикдан, яна биров эса девор ошиб ҳаллосларди. Ўртада даллоллар ҳам бир нималик бўлиб қолдилар.

Бу ноёб тадбиркорлик узоқ давом этмади. «Емоқнинг қусмоғи бор», деганларидек, «ҳалол» ректор ҳам, у кишининг ўта тадбиркор рафикалари ҳам конвертни чайнамай ютаверганидан пақ этиб ёрилиб кетди. Уларнинг уйларида қоп-қоп конверт чикди. Кўрпа-ёстиғидан тортиб, ки-

йим-кечагигача конверт экан. Ертўладаги конвертларни аллақачон сичқонлар кемириб кетибди. Сичқонларни эса гувоҳ сифатида судга чақиришнинг иложи бўлмабди. Агар судга тортилишини билганларида сичқонлар бу номаъкул ишни асло қилмаган бўлишармиди?..

Орадан ҳеч вақт ўтмай, газетада босилган «Конвертхўрлар» номли фельетонда баён этилишича, бир вақтлар органда ишлаб, урилиб кетган ректорнинг собиқ коммунист отаси ҳам ашаддий конвертхўр бўлган экан. Конвертларни ямламай ютавергани учун мансабдан кетиб, эл ўртасида «Конверт милиса» деган ном олган экан. «Ёмон иллат суяк суради», – деб шунга айтсалар керак-да!..

Фельетон шундай жумлалар билан якунланган эди:

«Бинафшахон опамиз нукул: «конвертларим, конвертжонларим» деб уввос соларди. Нукул ўзини ертўлага урарди. «Кўйиб юборинглар, конвертларимни бир кўриб чиқай, уларнинг дийдорига бир

тўйай», – деб ёлворарди. Лекин бунинг иложи йўқ эди, чунки, конвертлари каби унинг ўзи ҳам ертўлага равона бўлган эди.

Эр-хотиннинг пешонасига «конвертхўрлар» деган тамға урилганди. Энди бу оғир тамғани на кўчириб, на ўчириб бўлади...»

\* \* \*

Талабалик йилларида бўлиб ўтган яна бир конверт билан боғлиқ ғаройиб хангома Козимнинг эсидан чиқмайди.

Ўшанда у иккинчи курсда ўқир эди. Бир куни ўқув хонасига қотмагина, кулоклари рапидадай шалпанг декан ўринбосари одатдагидай пилдираб кириб келди. Унинг орқасидан узун бўйли, қадди-қомати келишган, сочлари орқага силлиқ таралган, савлатидан каттароқ амалдорни эслатадиган бир одам ҳам секин юриб келди. Ҳамма тинчиб, жой-жойига ўтиргач, декан ўринбосари сўз бошлади:

– Сизларга бугундан бошлаб фалсафа фанидан ҳурматли домламиниз, доцент Акмал Ҳодикулов дарс берадилар, – деб ёнидаги кишини таништирди.

Домла «худди шундай» дегандай бош кимирлатиб қўйди. Кўпчилик талабалар орзикиб кутган фалсафа фанидан «дарс»лар бошланди. Бошланди-ю, бирикки дарсдан сўнг ҳамманинг хафсаласи пир бўлди. Доцент Ходикулов дарсни ҳар гал гуруҳ журналини эмин-эркин олиб, эринмасдан варақлаб, чўзиб йўклама қилишдан бошлайди. Йўклама билан дарснинг ярми ўтиб кетади. Қолган ярми эса доцентнинг талабалик ва бошқа даврлардаги олди-қочди саргузаштлари ва гуруҳда кўзга «ташланадиган» қизларга илмоқли гаплар отиши билан яқунланади. Дарс: «китобдан фалон мавзунини ўқиб келинглар, кейинги дарсда жиддий сўрайман, лекин имтиҳонда чаток бўлади», – деган доимий дағдағаси билан тугайди. Ора-сира фалсафада қандай оқимлар борлиги ҳақида қиска-қиска маърузалар бўлди. Лекин бирор-бир дарс тўла-тўқис ўтилмади. Доцент бир сўзли экан. Ҳақиқатан имтиҳонда кўпчиликка чаток бўлди.

Доценти тушмагурнинг дарди анча оғир ва бедаво экан. У ҳам айрим ҳамкасблари каби ашаддий конвертхўр чиқиб қолди. Конвертни тез-тез ушламаса қўллари калтирар, уйқуси қочар, кўзлари ўлган молникидай ола-кула бўлиб кетар экан. Баъзан тутқаноғи тутиб қолса, чўнтагига конверт солишлари билан дарҳол ўз ҳолига қайтаркан. Сўнг конвертни чўнтагидан олиб, юз-кўзларига суртаркан.

Гуруҳ бошлиғи имтиҳон куни «беш» оладиганларнинг конверти алоҳида, «тўрт» оладиганларники алоҳида эканлигини таъкидлаб, «уч»га розиларнинг ҳам конверти борлигини эълон қилгач, кўпчилик чўнтагини ковлаб қолди.

– Конвертсиз имтиҳон топширадиганлар нима қилади? – ўзига, билимига ишонганлардан садо чиқди.

– Домланинг айтишича, таниш-билишларни ишга солиш, ўзим топшираман, дейиш билан конвертни четлаб ўтиш асло яхшиликка олиб келмайди. Билим мезони конвертнинг салмоғига қараб белгиланар-

кан. Имтиҳонда ўзбошимчалик кетмайдиган, — деди гуруҳ бошлиғи.

Шундай қилиб денг, доцент жаноблари энг шимариб имтиҳон олишга, э, кечирасиз, конверт йиғишга иштаҳа билан киришиб кетди. Талабалар у кишига конвертхўр Ҳодипулов, деб ном қўйишди.

Аслида унинг одам сифатида нияти бузук бўлган. Бузук бўлмаганда, ўз фанини заррача севганида машҳур файласуф Аристотелнинг ушбу сўзларини албатта ўқиган бўларди: «Бузук киши ёмон ҳайвондан ҳам минг баробар кўп ёвузликларни қилиш қобилиятига эга».

Конвертларни эплотмаган талабалар олти ойлик стипендиядан маҳрум бўлдилар. Конвертсиз жавоб берганларга эса баҳо қўйилмади. Фақат тўрт-бешта «танкаси» зўрларгина конвертсиз имтиҳондан амаллаб ўтдилар...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай доцент Ҳодипулов сирткилардан конверт йиғатганида қўлга тушибди, деган овоза тарқалди. Айтишларича, уни жинойт усти-

да ушлаган ҳуқуқ-тартибот ходимларига ёлвориб: «Озгина сабр қилинглар, беш-олтита конверт қолди. Шуларни ҳам йиғиб олай, илтимос», – дебди виждонсизларча. Сўнг унинг чўнтақларидан, портфелидан ашёвий далил сифатида олинган катта-кичик конвертлар устига ўзини ташлаб, ҳўнграб йиғлабди...

Улар ўқишни тугатадиган йили эшитишдики, жазони ўтаётган собиқ доцент Ҳодиқулов, кечирасиз Ҳодипулов ёнидагилардан нуқул «конвертим қани, менинг конвертимни топиб беринг, конверт узатинг», деб ёлворадиган телбасифат бўлиб қолганмиш...

Доцентни ҳақиқатан конверт касалига йўлиққани рост. Унинг тоғаси шўро комфирқасининг амалдорларидан эди. Тоға конвертнинг кучи билан уни озодликка чиқарди. Фойдаси бўлмади. У телбасифат бўлиб, ҳақиқий конверт жиннисига айланган эди.

Яна бир хангома дўсти Даврон билан боғлиқ бўлиб, бу конвертнома ҳам ҳамон унинг эсида.

У юқори бал билан академияга ўқишга киролмади. Лекин ундан анчагина паст бал олган тингловчи ўқишга қабул қилинди. Унинг боши қотди: нима қилиш керак? Сўраб-суриштириб билдики, ректор олармиш: лекин унга сўмнинг ё долларнинг фарқи йўқ эмиш.

Давронбек йиғиб-териб қўйганини ҳисоб-китоб қилди. Етмаганига қариндошуруғ, ака-укадан сўраб, бешта тўплади.

Таваккал қилиб, конвертга ўша беш минг «кўки»ни солиб, ректор қабулига дадил кирди.

Ректорнинг майда-чуйдага тоқати йўқ эди. Гапни тафсилотларсиз дангал гапиришни ёқтирарди. Шу дангаллиги боис уни кўпчилик ҳурмат қиларди. У ўртага одам қўйишни ё бирор катта идорадан қўнғироқ қилдиришни ёмон кўрарди. У ўзи нарҳини дангал айтиб, дангал оларди. Олишда унинг иштаҳаси наҳанг эди.

Даврон нима мақсадда келганини рўй-рост гапирди. Ички чўнтагидан конвертни олиб, ён чўнтагига солди. Бу билан курук келмаганига ишора қилди.

Ректор жилмайди, гапирмасдан, бурни устида турган кўзойнагини ҳийла тушириб, кейин қошини учириб «қанча» деб сўради. У бешта бармоғини кўрсатди. Ректор шартта икки бармоғи орасидан бошмалдогини чиқариб, «мана», деди ва зудлик билан ўнта бармоғини кўрсатди.

Давроннинг ҳафсаласи пир бўлди. Ялинишга ҳожат қолмади. Умидсизланиб, зўрға ўрнидан турди. Ректор унинг ранги ўчиб, ўрнидан оғир турганини кўриб, стол тортмасини секин тортиб, «ташла» деган ишора қилди.

Давронга жон кириб, чўнтакдаги конвертни шартта ректорнинг тортмасига ташлади.

– Эртага ўқишга кел, братань, – деди ректор.

Ўқишни битириб, диплом олгунича унга конверт мададкор бўлиб турди. Рек-

тор уни кўрганида «ҳа, юрибсанми, ...  
риб», деб ҳазиллашарди.

\* \* \*

Бу кўрганлари, эшитганлари ҳали  
ҳолва экан. Козим институтни тугатиб,  
бир муддат ишсиз юрди. Ўз соҳаси бўйича  
иш топиш осон кечмади. Ҳамма замонда-  
ям яхши ёки ёғлиқроқ иш топиш анқонинг  
уруғи бўлган. Унинг қийналиб юргани-  
ни кўриб, бобоси ёнига ўтқазиб, чойдан  
хўплаб-хўплаб бошидан ўтган бир воқеани  
сўзлаб берди:

– Мен ўшанда йирик пахта заводининг  
ёш ва ғайратли директори этиб тайинлан-  
гандим. Бу лавозимга бир устозимнинг  
тавсияси ва елиб-югуриши билан эриш-  
гандим. У даврларда пахта заводининг  
директори билан ҳамма ҳисоблашарди,  
ҳамма унга йўл берарди. Директорнинг  
қўли ҳам, имконияти ҳам баланд эди, уш-  
лаган жойини кесарди.

Пахта завод тонна-тонна пахтани қоғоз-  
ларда қабул қилиб оларди. Тонна-тонна  
йўқ пахтани қоғозларда қайд қиларди.

Тонна-тонна пахта эса конвертларга сиғиб кетарди. Бу олғир конвертлар режаларни ошириб бажарарди. Даста-даста конвертлар портфелларга жойланиб хўжаликдан туманга, тумандан вилоятга, вилоятдан пойтахтга, пойтахтдан Катта пойтахт сари қанот қоқарди. Конверт шундай қудратли кучга эга эдики, у хоҳласа самолётларни учуриб, поездларни юргизарди, хоҳласа тўхтатарди. Гдлян ҳам, Иванов ҳам Ўзбекистонга конверт ишқи туфайли келганлар... Сен бола, конвертнинг қандай қудратли кучга эга эканлигини қаердан ҳам билардинг?..

Тўғриси, ўзим ҳам буни олдин билмаганман, англаб етмаганман. Конвертга ишим тушмаган. Конвертнинг ниҳоятда катта куч эканлигини ҳам билмаганман. Бир воқеа сабаб бўлди-ю, конверт билан жуда иноқлашиб кетдик, у билан умрбод дўсту қадрдон бўлдик.

Бобо бироз тин олди. Чой қуймоқчи бўлиб чойнакка қўл чўзган эди, Козим чаққонлик билан чойнакни олиб, бобосига

чой куйиб узатди. Сўнг нима бўлди, дегандек бобосига тикилди.

Бобо чойдан ҳўплаб-ҳўплаб ҳикоясини давом эттирди:

— Биз қисқа муддат бирга ишлаган райком котиби юқорига кўтарилиб кетди. Унинг ўрнига келган янги раҳбар биринчи йиғилишдаёқ пахта заводини нишонга олиб, тош отди. Ёмон отди баччагар. Этга ботадиган қилиб отди. Суякларим зиркираб кетди. Бу менга каттик тегди. Орадан ҳеч вақт ўтмай пахта терими бошланди. Раҳбар худди ўчакишгандай йиғилишларда нуқул пахта заводини яна нишонга ола бошладди. Унинг қабулига кириш учун қилган барча ҳаракатларим бефойда кетди. Холи гаплашишнинг иложи бўлмади. Кайфиятим тушиб, ишга бўлган иштиёқим сўниб борарди. Иш шу даражага бориб етдики, раҳбар менинг масаламни навбатдаги бюрога қўйди. Бюро дегани ё ҳаёт, ё мамот эди. Бюро одамнинг тақдирини узил-кесил ҳал қиларди. Бюро дорнинг остига бориш билан баробар эди, болам.

Менинг тушкун кайфиятда юрганим-ни сезган маҳалла оқсоқоли – узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган Муҳиддин ака деган киши бир куни йўлимни тўсди.

– Ҳа, ука, мунча хомушсиз? Шаштингиз паст. Нима мазангиз йўқми ёки ишда бирор кўнгилсизлик бўлди? – деб сўраб қолди.

Бўлган воқеани гапириб бердим. У сўзимни бўлмай, жимгина эшитди. Хайрлашаётганда секин шипшиди:

– Ука, энди бир таваккал қиласиз. Бу катталарнинг олмайдигани йўқ. Эрталаб тўғри райком котибининг уйига борасиз. Вақтли боринг, чиқиб кетиб қолмасин. Атаганингизни конвертга солинг-да, шартта узатиб, юзма-юз гаплашиб олинг, ҳеч ким билмасин...

Жон ширин, мансаб ундан ширин, нима бўлса бўлар, деб иккита конверт тайёрладим. Бюро бўладиган куни эрта тонгда раҳбарнинг уйига «Ё, жамшид» деб, таваккал қилиб бордим. Дарвозага кулок тутдим, ҳаммаёқ жим-жит. Нар-

бери юрган киши бўлиб, яна дарвозага яқинлашдим. Ичкаридан оёқ товуши эшитилди. Кўш конвертнинг кучи билан дарвозани аста чертиб, секин йўталдим. Бир пасдан сўнг дарвоза очилди. Не кўз билан кўрайки, дарвозани райком бобонинг ўзи очди. Дарҳол салом бердим. Лекин раҳбар саломга алик олмасдан сўради:

– Эрталабдан нима қилиб юрибсиз. Тинчликми?

– Сизни бир кўриб кетай, девдим, – дедим сал нафасимни ростлаб.

Раҳбарнинг салобати босдими, бироз довдирадим. Кейин юрагимга ғулғула тушди. Мабодо конвертларни узатсам, кейин жаҳли чиқиб мелиса чақирса-ю, мени пора таклиф қилди, деб бериб юборса нима бўлади, деган фикр миямда чарх ура бошлади.

– Ичкарига киринг, – деди раҳбар ўртадаги жимликни бузиб, мулойимлик билан.

Ўзимни босиб олиб, ичкарига дадил кирдим. Унинг илтифотидан ичимдаги ғулғула барҳам топди. Каттагина

ховлининг бурчагида ўрнатилган ёғоч чорпояда котибнинг хотини эрталабки нонушта тайёрлаётган экан. Раҳбар мени чойга таклиф қилиб, юқорига ўтказди. Бу орада унинг аёли лапанглаб чой олиб келди. Қарасам, янгамиз виқор билан келиб, яна виқор билан кетяпти. Кўзлари ўғри мушукнинг кўзларидай жовдирайди. Бир маҳал қарасам, янгамиз халатини алмаштириб, икки косада ширчай олиб келди. У киши косани олдимга қўяр-қўймас, шартта чўнтагимдан чиқариб, қўш конвертни стол четига қўйдим. Раҳбарнинг кўзлари яшнади. «Нима бу?» деб сўрашга ҳам улгурмай, янгамиз конвертларни шартта олиб, гулдор халатининг чўнтакларига урди. Урди-ю, яна ошхона томонга йўрғалади. Унинг пилдираб кетишидан ниҳоятда хурсандлигини билиш қийин эмасди. Гўё гулдор халат ичида йўғон аждархо ўйнаб бо-раётганга ўхшарди.

Раҳбар ўзича мени номигагина қойи-ган бўлди: «Бекор қилибсиз, ука». Ишим силлиққина битганидан бениҳоя хурсанд

бўлдим. Елкамдан гўё тоғ кулаб тушгандай  
енгил нафас олдим. Нонушта учун раҳмат  
айтиб, рухсат сўрадим. Раҳбар фотиҳа ҳам  
ўқимай ўрнидан турди. Йўл-йўлакай менга  
бугун бюро бўлишини, бюрода индамай,  
тош ютгандай жим ўтиришимни каттик  
тайинлади. У кўрсаткич бармоғини ҳавода  
ўйнатиб: «Фақат жим ўтиринг, ука!» деди.

Раҳбар билан хайрлашиб, кўчага чиқиб  
яйраб-яйраб нафас олдим. Юраяпманми,  
учиб кетяпманми, ўзим ҳам билмайман.  
Бир кўча нарида турган машинага етиб  
олиб, тўғри Муҳиддин оксоқолнинг уйи-  
га бордим. Воқеани эшитиб Муҳиддин  
ака ҳам тўғри маслаҳат берганига хурсанд  
бўлди. Мен бюродан сўнг учрашишимиз-  
ни айтиб, у киши билан хайрлашдим.

Бюро бошланишидан ярим соат олдин  
райкомга бордим. Масалам бюрога қўйил-  
ганини эшитган, билган раҳбарларнинг  
кўпчилиги мен билан сўрашмай ўзларини  
четга ола бошладилар. Ҳатто айримлари  
саломимга ҳам алик олишмади. Мени яна  
ваҳима босди. Лекин қўш конверт эсимга  
тушиб, шубҳамни тарқатиб юборди.

Бюрода мени биринчи котиб роса уришди, боплаб пўстагимни қокди. Охири: «Ишдан бўшатилсин» деди қатъий қилиб. Гўё биров устимдан бир челак муздай сув қуйиб юборгандай бўлди. Эрталаб қувонганимга пушаймонлар едим. Сўз иккинчи котибга берилди. У ҳам мени роса боплаб бўлгач: «қаттиқ ҳайфсан берилсин», – деди. Мен яна сал нафас ростладим. Кейин сўз ташкилий бўлим мудирига берилди. У ҳам менинг хато-камчиликларимни айтиб, гапининг охирида ҳали ёшлигимни, тажрибасизлигимни инобатга олиб «ҳайфсан берилсин», деди. Бюро сўнгида унинг таклифи овозга қўйилиб, менга бор-йўғи ҳайфсан берилди. Мени ўшанда боло-қазолардан қўшконверт асраб қолган эди. Сўнг ўша раҳбар билан анча вақт бирга ишладик. Янгамиз қурғур ашаддий конвертсевар чиқиб қолди. Эҳ-ҳе ўртамизда анча-мунча конвертлар қурбон бўлиб кетди. Мен олиб боравераман, янгамиз эринмай ютаверади. Эҳ, иштаҳангизга қойил, янгажон!..

Бу орада сабил қолгур «пахта иши» бошланди. Қама-қама авж олди. Ким кимга канча конверт бергани аён бўла бошлади. Сирлар очилиб, конвертлар пахта режаларини бажаргани ошкор бўлди. Раҳбаримиз биринчи терговдаёқ юраги дош беролмай инфаркт бўлди. У олган конвертлар сирлигича қиёматга қолди.

\* \* \*

Конверт тубсиз кудук эди. Лекин кудукдан ҳам чуқур эди. Чуқурликда гўё лаҳадни эслатарди...

\* \* \*

Конверт билан ўйнашиш — олов билан ўйнашмоқдир. Конверт хокандоздаги чўғга ўхшайди. Бехосдан ушлаб олсанг, тамом, ўша жойни куйдириши аниқ.

Конвертга меҳр кўйиш, унга мубтало бўлиш одамни минг балога гирифтор қилади. Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган кулфатларга дучор этади. Ҳаддан зиёд конвертхўрлик суякдек томоққа тикилади. Мана, Козим конвертга кўйган қайноқ

мехр-мухаббати туфайли унга камалиб ўтирибди.

Шу пайтда раҳматли қайнотасига қилган бир ҳазили эсига тушди.

Қайнотаси нафақага чиққанидан сўнг қишлоққа кетиб, бир айвон қўй қилган эди. Қишлоққа борганида қайнотасининг қўйларини кўриб ҳаваси келди. Буни сезган қайнота гап қотди:

– Қўйлар зўра, куёвжон? Шу семизидан биттасини сизларга бериб юборай, дейман-у, афсуски, поездга қўйни қўймайдилар.

– Нега қўймайди? Қўяди! Беш-олтита қўйни поезддами, самолётдами бемалол олиб кетса бўлади, – деди ўшанда у ишонч билан.

– Қандай қилиб олиб кетасиз, куёвжон? – хайрон бўлди содда қайнота.

– Шу ҳам муаммоми? Конвертга соламанда шартта олиб кетавераман. Конвертга бир отар қўй сиғади-ку!..

Энди уни бу шармандаликдан қутқарадиган машҳур қайнотаси йўқ. Қайно-

тасининг доврўғи баланд ошналари Шамси Тўраевич ҳам, Назар Яхшибоев ҳам оламдан ўтиб кетдилар. Бир кўнғирок билан конверт кишанидан озод бўларди. Агар озод бўлса, қайтиб қўлига конверт олмаслик учун қайта-қайта қасам ичарди...

У жодугар конверт туфайли қачон, қандай қилиб темир панжаралар орасига тушиб қолганини билолмай гаранг. Аслида билади, билади-ю билмасликка олади, ўзини гўлликка солади, ўзини гўё телба қилиб кўрсатишга уринади. «Мен конвертни умуман кўрмаганман, олиб кел, деб бировга мутлақо айтмаганман. Қандай қилиб чўнтагимга кириб қолганидан мутлақо бе-хабарман», – деб ишонтирмоқчи бўлади терговчини.

Терговчи ҳам қувгина экан. Козим конвертнинг ялиниб-ёлворишларига мутлақо парво қилгани йўқ. Саволни андак узоқдан бошлайди:

– Бу фаолиятингизни қачон бошлагансиз?

Эх-ҳе, бу ноёб фаолиятнинг бошланиши эсидами? Илк бор конвертни кимдан,

қачон, қанча олганини биладими? Хойнаҳой, талабалик йилларида бошлагани аниқ. Тоғасининг бир ҳарбий таниши бор эди. Ўша одам ҳарбий комиссар эди. Қатор туманларда военком бўлиб ишлагани боис, таниш-билиши кўп эди. Тоғаси билан ҳам уларнинг туманида военком бўлиб ишлаган йиллари танишган. Тоғаси у билан конверт-ошна эди.

Гапнинг лўндаси акасини ҳам, уни ҳам ўқишга семизгина конверт орқали айнан военком амаки киритиб қўйгани аниқ. У цирк жонглёрларига ўхшаб конвертларни ўйнатарди. У қўлдан бу қўлга, бу қўлдан у қўлга ўтаётган конвертлардан унинг ҳам чўнтақларига бот-бот тушиб турарди. Унинг ҳам конвертларга эга бўлиш иштиёки баланд эди.

Ориқ-семиз, катта-кичик конвертлар унинг ҳаёти эди. Унинг ошна-оғайниси, юриш-туриши, даври даврони конверт билан чамбарчас боғланиб, конвертдан иборат бўлиб колган эди.

Шу боис военкомнинг қизгин конвертчилик фаолияти нозик идораларга ҳам етиб борган эди. Бир куни шўро КГБси ходими уни кўлга тушириш учун тадбир ўтказади.

Тайёрланган кимса ҳарбий комиссарнинг ҳузурига кириб, «ўлжа»ни бериб чиқиши керак эди. У чиқиши билан ходим кириб, уни кўлга олиши лозим эди.

Ёнида ғиштдай конвертни олиб кирган «қулок» салом-аликдан сўнг, бир илтимос билан келганлигини ва илтимос қурук бўлмаслигини айтиб, унга «тайёр» конвертни узатади. Военком тап тортмай конвертни столи ғаладонига солади. Ва дарҳол чой қуйиб, кирган одамга узатади. У одам чойни олмай, зудлик билан чиқишга шошилади. Бу орада военком конвертни шартта олиб, очик деразадан ташқарига улоктиради. Улоктиради-ю, жойига ўтиради. Ўтириши билан хонасига уч киши кириб келади. Улардан бири КГБ ходими эканлигини айтиб, хужжатини кўрсатиб, ҳозирок тинтув ўтказмоқчи бўлиб, военкомни пора олганликда айблайди.

– Марҳамат, лекин менга тухмат қил-  
япсиз. Агар айтган нарсангиз топилмаса,  
ўзингизга ёмон бўлади, – дейди ўзини  
йўқотмай военком.

Хуллас, унинг хонаси обдан тинтув  
қилинади. Лекин ҳеч нарса топилмай-  
ди. Шунда военком прокурорни чакириб,  
унга бўлган воқеани айтиб, ариза ёзади.  
Ўша куни кечиктирмасдан Москвага теле-  
грамма беради... Охир-оқибат КГБ ходи-  
ми ножўя хатти-ҳаракатлари учун, шўро  
ҳарбий комиссарининг обрўсига путур ет-  
казганлиги учун ишдан четлаштирилди.

Ваҳоланки, военкомнинг конвертни  
олганлиги ҳақиқат эди. Олиб деразадан  
улоқтиргани ҳам бор гап эди. Фақат ҳов-  
лига «тап» этиб тушган конвертни шофёр  
олиб кетганини ҳеч ким билмади. Ҳовли  
торгина бўлиб, беда экилган эди. Кафтдек-  
кина ҳовлида тўрт-бешта ҳар хил мевасиз  
дарахтлар ўсарди, холос.

У шубҳаланган одамидан олган конвер-  
тни зудлик билан ҳовлига отарди. Ҳовлига  
тушган конвертни шофёр зудлик билан

олиб, хўжайиннинг уйига шошарди. Ва конвертни шошилишча келинойисига берарди. Келинойиси уни тандир ёки ўчоқдаги кулга шартта кўмиб қўярди. Военкомнинг уйини бир неча бор тинтув қилишган, лекин ҳеч нарса топишолмаган...

Военком пенсияга чиқиб, бир корхонага кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишга кирди. Яна конверт, яна олди-берди...

Бир куни унинг кичик ўғли дам олишдан қайтишда автоҳалокатга учради. Хайрият набираси тирик қолди. Фарзандидан айрилиш унга жуда оғир бўлди. Кимнидир норози қилиб, кимнидир қон йиғлатиб, яна биттасининг сўнгги насибасини тортиб олиб, конвертхўрлик қилган бу кимсанинг қилмиши фарзандига урганини кўпчилик гапирди.

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» – фаолиятини яна давом эттирди.

Конверт еявериб ва олавериб ўзи ҳам чарчади, қўллари ҳам каварди. Бу орада фарзанд доғига чидай олмаган хотини ҳам оламдан ўтди.

Ишдан батамом бўшагач, куни пенсияга қолган собиқ военком бир куни почтальонга тайинлади:

– Менга бундан кейин пенсиямни конвертга солиб келинг! Нафақани конвертда оламан...

Набиралари туғилган кунида уни табрикламоқчи бўлса, «табрик сўзларини ёзиб, конвертга солиб, олиб келинглар», деб тайинлайдиган одат чиқарди. Бир гал уялмай-нетмай набираларига «конвертга озгина бўлса ҳам пул солиб беринглар», деди.

Конверт касаллиги уни биров савдойи қилиб қўйди. Бир ошнасининг маслаҳати билан масжидга чиқди. Намозни чалачулпа ўрганиб, масжидга қатнай бошлади. Баъзан намоздан сўнг тавба қилиб йиғлайдиган бўлди. Йиғлоқилик одатга айланди. Уйда ҳам баъзан ҳеч кимга сездирмай йиғлаб-йиғлаб оларди.

Йиғлаб-йиғлаб унинг кўзлари сўқир бўлиб қолди. Оллоҳ уни қилмишларига яраша жазолаган эди.

У умрбод ишониб келган кучли, қудратли, сирли, сеҳрли конверт ҳам унинг кўзларини оча олмасди. Даста-даста конвертлар шифо бўла олмади...

Айтишларича, у бир сиқим бўш конвертни чангаллаганча бу дунёни тарк этибди...

\* \* \*

Козим ҳамон конвертда қамалиб ётаркан, дастлаб ишга борган кунларида столи тортмасидан чиққан конвертни кечикиб ўқиганини эслади. Ўша хатда шундай деб ёзилган эди:

«Азиз биродар! Сиз каминадан сўнг, ушбу корхонанинг раҳбари бўлганингиз билан табриклайман. Ҳар қалай катта лавозим. Бундай ўрин ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Камина салкам ўн йил ушбу креслода ўтирдим. Жамоа билан ёмон ишламадим. Имконим ва тажрибам етгунича корхонани ривожлантиришга ҳаракат қилдим. Шу корхона тараққиёти учун ҳаловатимдан воз кечдим. Тегишли вазирликлар ва идо-

ралар раҳбарлари билан тез тил топишдим. Улар билан келишмасанг, ишинг асло юришмайди. Отам раҳматли айтардилар: «Ўғлим, раис билан ишинг бўлмасин, бригадирга ҳам индама, лекин табелчи билан соз бўлгин», – дерди. Ишни бевосита раҳбарларнинг ёрдамчилари билан амалга оширардим. Ёрдамчида гап кўп...

Энди сизга сирни очай: улар билан ўрта-миздаги асосий воситачи – конверт эди. Мен уларга фақат конверт жўнатардим. Улар ҳам конверт жўнатишарди. Фақат байрамларда. Конвертларда кўзларни ўйнатадиган жим-жимадор имзолар қўйилган табрик хатлари бўларди. Бизга шундай чиройли конвертларни лозим кўрганлари учун улардан миннатдор бўлардик. Биз эса, табрик «битилган» семиз конвертларни шахсан ўзларига олиб кириб берардик. Конвертдаги сирдан икки киши воқиф бўларди.

Конверт – ишончли восита. Ҳозирча одамлар бир-бирларига мададкор бўлиш ва қўллаб-қуватлашнинг бошқача усулини ўйлаб топганларича йўқ.

Конверт дўстдан ҳам, кариндошдан ҳам яқин. Баъзан энг яқин дўстинг, туғишган қон бир кариндошинг амалга оширолмаган ишни конверт сўзсиз бажаради.

Конвертда сеҳр бор, куч-қудрат бор. Лекин бу сеҳрга берилиб кетмаслик, бу куч-қудратга унчалик ишонмаслик керак. Конвертнинг сеҳри, куч-қудрати ўтмайдиган вақтлар ҳам бўлади. Ана шу лаҳзаларни эсдан чиқармаслик керак.

Конвертбозлик бошқа... бозликларга замин яратади. Ва уларнинг илдиз отишларига йўл очади. Конвертбозликда меъёрни билиш керак.

Камина ҳам бошида конверт муомаласини инсоф билан амалга ошираётган эдим. Ё конверт сеҳри ё конверт меҳридан ийиб кетиб, конвертбозлар кўчасига қандай кириб кетганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Кўзимга конвертлардан кўра, уларнинг ичидагилар оловдай кўринди, ақлимни ўғирлади. Фикри-ёдим конверт бўлиб қолди. Уни тушларимда кўриб, ўнгимда у билан нафас олардим. Бу ка-

салга шу қадар берилдимки, ким қандай конверт олиб келса, юзига ҳам, ўзига ҳам қарамасдим...

Охир-оқибат тегишли идора ходимлари менга қарашди. Улар яхшилаб тикилиб қарашган эди, кўзларим чарақлаб очилди. Лекин жуда кеч очилди.

Сизга айтар гапим шуки, аввало конвертбозликка йўл қўйманг. Иложи бўлса, шу номаъкул ишни қилманг. Конвертларда вафо йўқ, садоқат йўқ. Конвертлар соткин, улар алдайди. Улар сароб. Унга ишониб, маҳлиё бўлиб, ўзингизни, ҳаётингиз ва келажагингизни конвертга қурбон қилманг. Конверт наҳанг, конверт юҳо, конвертда шайтон бор...

Конверт ўз домига тортдими, тамом, ундан қутулмок мушкул. Конверт не-не катта-кичик амалу-амалдорларни, ҳайбатли креслоларни ямламай ютиб юборди. Улар беному нишон кетдилар.

Конверт аждаҳо мисол ютди уларни. Эҳтиёт бўлинг; конвертга ишониб, конвертга ем бўлманг. Сизни яратган эгам

конверт балосидан асрасин. Чунки, ўт, сув, тухмат балолари бўлганидек, конверт балосидан эҳтиёт бўлинг! Унутмангки, конверт – тубсиз кудук. Лекин кудукдан ҳам чукур эди. Чукурликда гўё лаҳадни эслатади...»

\* \* \*

У конвертда юраги сиқилиб, қийналиб ётар экан, хаёлида турли воқеалар чарх ура бошлади. Отасидан эшитган шундай ривоят ҳам эсига тушди.

Бир одамнинг уч нафар ўғли бор экан. Лекин ўғиллари бемехр бўлиб ўсибди. Отаси қариганда боқиш ёки ёрдам қилиш ўрнига, нукул азоб бериб, топган-тутганини олиб кетишар экан. Баъзан оч қолдириб, егуликларини ҳам тортиб олишаркан.

Бу азоб-уқубатларга чидай олмаган ота бир ҳийла ўйлаб, аввал катта ўғлини чақириб шундай дебди:

– Болам, ҳовлимизда бир кути кўмилган. Кутида конверт бор. Конвертда йиғиб, тўплаб қўйган бойликларим қаерда сақланаётгани ҳақида хат ёзиб қўйибман.

Лекин буни укаларинг билмасин, қазойим олдидан буни фақат сенга айтаман. Шарт шуки, мени дафн этиб келгандан сўнг қутини очиб хатни ўқийсан, – деб ўғлига қасам ичирибди.

Ўғли анча ўзгарибди. Отасига меҳр билан қарай бошлабди. Уни боқиб, парваришлагга тушибди.

Ота фурсат топиб, ушбу гапларни аввал иккинчи, кейин кенжа ўғлига ҳам айтиб, уларга ҳам қасам ичирибди.

Ўғиллари отага меҳри ошиб, ҳар куни аҳволидан хабар оладиган бўлишибди.

Ота аҳволи оғирлашгач, бир-бирларига сездирмай болаларига қути кўмилган жойни ишора қилиб, дунёдан ўтибди.

Ўғиллари отасини кўмиб келгач, талашиб-тортишиб қутини очишибди. Қутида сарғайиб кетган конверт бор экан. Уни очиб, ўқишса унда шундай сўзлар ёзилган экан: «Жондан азиз болаларим! Сизлар бирин-кетин дунёга келганларингда раҳматли онанг билан бениҳоя қувонганмиз. Лекин сизларни ўзимиз истагандек тар-

бия қилиб, меҳр беролмадик. Онларинг раҳматли сизларнинг дастингиздан дарда-  
алам билан оламдан ўтди. Мени кечирин-  
глар, болаларим. Ўз фарзандларини тўғри  
тарбия қила олмаган ва уларга меҳр берол-  
маган ота Оллоҳнинг жазосига учрасин!..  
Бундан ўзларинг хулоса чиқаринглар. Ва  
шўрлик оталарингни айбламанглар. Унинг  
ҳаққига дуо қилинглар...»

\* \* \*

Конверт тубсиз қудук эди. Лекин қу-  
дукдан ҳам чуқур эди. Чуқурликда гўё  
лаҳадни эслатарди. Энди Козим конверт-  
нинг бу даҳшат қудуғидан чиқиши гу-  
монлигини англаб, кўрққанидан юраги  
тўхтаб қолди. Бир умр конвертга қўйган  
меҳр-муҳаббати шу билан барҳам топди.  
Аждарҳодек юҳо нафси бир лаҳзада ўз-  
ўзидан тинди. Очкўзлик охири уни адо  
қилди. Қўша-қўша конвертлар унинг жо-  
нига оро киролмади, мададкор бўлолмади,  
ўлимдан асраб қололмади. Судгача юраги  
дош беролмади. Жони япроқдай узилди...

Уни раҳматли отасининг ёнига қўйиш-моқчи бўлишди. Лекин қабристондан унга бир парча ер топилмади. Таниш-билиш туфайли ҳам иш битмади. Ўғли қабристонлар бошқармаси бошлиғи ҳузурига кириб, унга астагина конверт кистирган эди, масала силлиққина ҳал бўлди-қолди. Жанозани ўқиган домлага ҳам конверт кистирди.

Сўнгги йўлда ҳам унга конверт ҳамроҳ бўлди. Одамлар тобутда гўё бир уюм бўш конвертни кўтариб кетаётгандек эди. Тобут конвертдай енгил ва куруқ эди...

\* \* \*

Козим конвертнинг жанозасида узоқ-яқиндан келган катта-кичик конвертпурушлар, машҳур конвертхўрлар ва ҳаваскор конвертчилар ҳам иштирок этдилар.

Орадан уч кун ўтиб, келиб-кетувчилар қадами узилгандан сўнг Козим конвертнинг хонасини кўздан кечириш жараёнида турли хил, турли кўринишдаги конвертлар топилди. Айримларида белгилар, айримларида исмларнинг бош ҳарфлари ёзилган эди. Баъзи конвертлар семиз, баъзилари

пиёз пўчоғидек эди. Баъзилари эса гордай хувиллаб ётарди. Айрим конвертлар куз япроқларидай сарғайиб кетган эди...

Кутилмаганда унинг столи ғаладонидан бир дафтар топилди. Лекин уни кундалик ёки ён дафтар, деб бўлмасди. Дафтарда конвертларга сиғмайдиган шундай иборалар ёзилган эдики, уларни Козим конверт тажрибаларидан келиб чиқиб ёзганми ёки бошқа бировми – билишолмади. Эҳтимол, Козим конверт кимларнингдир айтганларини дафтарига кўчириб олгандир. Эҳтимол ўзи кўрган, бошидан кечирган конверт хангомаларидан шундай ҳаётий хулосаларга келгандир. Яна ким билади?..

Ушбу ибораларни эътиборингизга ҳа-вола этишни лозим топдик, азиз ўқувчи!

## КОНВЕРТГА СИҒМАГАН ИБОРАЛАР

Конверт сеҳрига берилган, одамлар охир-оқибат виждонларини конвертга ал-машиб, одамгарчиликдан чиқадилар, ха-роб бўладилар.

\* \* \*

– Дўстим, биламан, дардинг оғир, сенга шифокор ичиш ва чекишни мутлақо тақиқлаган эди-ку, шундайми?

– Шундай. Лекин чўнтагига конверт солган эдим, рухсат берди...

\* \* \*

Конверт салом – ҳар ойда бир марта, байрамлар ва туғилган кунида бошликқа бериладиган ҳадя.

\* \* \*

– Нега одамлар бир-бирларига совғасалом улашишда, олди-берди қилишда сени танлашади, – деб сўрашибди конвертдан.

– Чунки менинг на кўзим, на тилим бор, – дебди конверт.

\* \* \*

Бозорқўм тўй қилган эди, тўёнали конвертлар пакетларда келди.

\* \* \*

Конверт касали – парранда ғриппидан ҳам хавфли.

\* \* \*

Университетда узоқ йиллар ишлаган таниқли профессорнинг лақаби «конверт домла» эди.

\* \* \*

Бир ижодкор конвертни ўзбек тилига ўгириб, хатжилд, деб ёзибди. Аслида пулжилд, деса тўғри бўларди.

\* \* \*

Конвертда шундай куч яширинки: у тузади, бузади, яратади ёки йўқотади, пайт пойлаб шафқатсиз қулатади.

\* \* \*

У қўлидаги конвертни силаб кўриб:

– Пиёз пўчоқ-ку, бу билан иш битмайди, – деди.

– Бори шу-да, ака! – ёлворди у.

– Унда озгина сомон кўшинг, лойсувок бўлади.

\* \* \*

Ғаладон – конвертнинг тўни..

\* \* \*

– Нега мени ушлаганда қалтирайсизлар, – деб сўради конверт қўллардан.

– Кишандан кўрқиб, – деди қўллар.

\* \* \*

– Нега бойваччалар хануз конвертга ҳайкал қўйишмайди?

– Сирлари фош бўлишдан кўркадилар.

\* \* \*

– Нега бунча кериласан! Керилма! – дебди конверт ҳайбатли креслога, – чунки сени мен ушлаб турибман.

\* \* \*

Эҳтиёт бўлинг: конвертлар орасида тез-тез болалайдиганлари, хатто эгиз туғадиганлари ҳам учрайди.

\* \* \*

Конвертдан нари юриш бало-қазодан узоқ юриш билан баробар.

\* \* \*

Конвертнинг салмоғига қараб; айримлар миннатдор бўладилар, айримлар ранжийдилар.

\* \* \*

Конверт туфайли боғланган меҳр ришталарига ишонманг, улар омонат. Конвертларда – вафо бўлмайди.

\* \* \*

Бир машҳур игвогар-ёзғувчи нукул уч хил хат ёзарди. Биринчиси – хайфсан берадиган, иккинчиси – ишдан оладиган ва учинчиси – бир зумда инфаркт қиладиган. Шўрлик конверт бу ёзувларни елкалаб юкори идораларга йўргалайди.

\* \* \*

Икки ҳўкиз бозорда сотилиб, бир конвертга жойланди. Сўнг бошқа бир ҳўкизнинг контракт пули тўланди.

\* \* \*

Бир конверт кўрган чўнтаклар уни кўмсайдиган, бир бор конверт ушлаган кўллар тез-тез кичийдиган касалга йўлиқади.

\* \* \*

Танқидчи ёстикдай қўлёзмага кўшиб берилган конвертни кўриб, бўш асарни кўкларга кўтариб мактаб юборди.

\* \* \*

– Бу конверт олишда қамалиб кетасиз-у!  
Нима қиласиз, бу жинойтга ўглингизни  
ҳам бошлаб? У ҳам сизга ўхшаб жавобгар  
бўлади-ку! – деди терговчи.

– Қўяверинг, мен қамалсам конвертбоз-  
ликни ўғлим давом эттиради. У қамалса  
набирам бор.

– Ё тавба! Набирангизни ҳам қамалиб  
кетишини истайсизми?

– Қўяверинг, ука, унга мен озодликка  
чиқаман-ку!..

\* \* \*

Машхур конвертхўр амалдор бўлгувчи  
эди. У конвертни дастлаб биттадан, сўнг  
жуфт қилиб, охири қопи билан ютадиган  
одат чиқарди.

\* \* \*

– Бу конвертлар аслида менга эмас, мана  
бу учун берилади, – деди Бош директор  
гурур билан ўтирган креслосини кўрсатиб.

\* \* \*

Санъаткор ҳам конверти семизникига  
тўйга боради.

\* \* \*

У отасининг илтимосини бажармади.  
Чунки отаси конверт узатмаган эди-да!

\* \* \*

Конверт тубсиз қудук эди. Лекин қудукдан ҳам чуқур эди. Чуқурликда гўё лаҳадни эслатарди...

Р. С: Ушбу ҳангомаларнинг сўнгги сатрлари қоғозга тушаётган кезларда шундай хушхабар маҳаллага тарқалди. Қозим конвертнинг маъракасида унинг набираси уйдаги, ертўладаги, омборхонадаги ва кўрпа-ю, кўрпачалар қатидаги конвертларни йиғиб-териб ҳовлига чиқариб ташлаб, бир жойга тоғдай тўплаб, ёкиб юборибди. Хирмон бўлиб кетган конвертлар бир зумда ёниб кулга айланибди-ю, лекин узок тутабди...



## ШОШИЛАЁТГАН ОДАМ

### *Монолог*

*Азиз инсон, сенга нима керак?*

*Қайларга шошасан, қайда манзилинг?*

Асқад МУХТОР

Ҳар қадамда шошаётган, шошилаётган одамларга дуч келамиз. Рўбарўингиздан нукул қаёққадир шошаётган ё шошилишга шай турган одам чиқиб қолаверади, қолаверади... У шошиб ёнингиздан ўтаверади, ўтаверади... Сиз эса хайрон бўлиб тураверасиз, тураверасиз. Ва беихтиёр унга эргашганингизни билмай қоласиз. Сиз ҳам ўз-ўзидан шошаётган одамга айланасиз...

Қай томонга қараманг, шошаётган одамни кўрасиз. У турфа хаёллар гирдобига ғарқ бўлиб, атрофингда югуради; ё танийсиз, ё танимай қоласиз. Чунки, йўлингни шартта кесиб, баъзан кутилмаганда тўсиб, баъзан эса туртиб кетаётган

одам ҳақиқатдан ҳам қайгадир шамолдай елаётган бўлади.

Дарвоқе, эй, одам боласи, бунчалар қаёққа шошасан? Нега шошасан? Нима учун? Менинг шошилиб бераётган саволларим ҳавода варракдай осилиб қолади. Ҳавода. Улар ҳақиқатан ҳам ердаги одамга етиб бормайди.

Шошаётган одам бу саволларни мутлақо эшитмайди. Эшитса ҳам жавоб бергиси келмайди. Чунки улардан бири шошяпти, яна бири шошиляпти, бири шошмоқда, бошқаси шошаётир, шошиб-шошқалоқлик қилиб номаълумлик сари кетаётир. Агар билсанг, Гёте ёзганидек: «Шошқалоқлик — барча адашишларнинг онаси» экан...

Сен ҳам одатдагидай ҳар эрта тонг шошиб уйғонасан. Кўзларингни очасан-у, ток ургандай шошилиб ўрнингдан турасан. Ёнингда ётган ёрингга қайрилиб ё ёлчи-тиб қарамайсан. У ҳам сен каби шошилиб уйғонади. Уйғонади-ю, ваннага шошади. Азбаройи шошилганидан юз-қўлига тузукроқ сув ҳам тегмайди. Тишларини

ювишга ҳам улгурмайди. Сен каби у ҳам ишга шошяпти. Аслида хотининг бозорга ошиқаяпти. Бозор ҳам аслида нақдига ишлайдиган ишхона-да! Худди корхонадай гавжум.

Нонушта ҳам шошилиш ноталари остида ўтади. Оғзингдаги овқатни шошиб чайнаганингдан нима еганингни ҳам билмайсан. Сўнг шошиб кийиниб, шошиб кўчага отиласан. Ва кўчани, йўлақларни тўлдириб ошиқаетганлар сафига қўшилиб, сувдаги балиқдай «сузиб» кетасан. Шошаётганлар тўдаси яна бир шошқалоқ билан бойийди, холос.

Кўчалар, йўллар шошганлар билан лиқ тўла. Гўё тиним билмай дарёдай оқадилар...

Уйдан ишга, ишдан бозорга, бозордан боғчага, боғчадан дўконга, дўкондан шифохонага, шифохонадан дорихонага, дорихонадан ошхонага, ошхонадан бошқа ...хоналарга шошасан. Аслида бозорга ҳам жонсарақ бориб, шошқалоқ ўрдак каби бошингни тўкин расталарга уриб, арзонрок

махсулот излайсан. Бозор қизик; биттаси шошиб сотади, биттаси шошилиб олади. Лекин машхур шеърда айтилганидек, «Молим ёмон деган кимсани кўрмайсан». Сен фақат бозорда эмас, балки йўлда, кўчада, бекатда, ҳатто тор йўлакда ҳам шошиб кетаётганингни англамайсан. Турфа автоларда, метрода шошасан. Худо асрасин, гавжум чорраҳада, катта-кичик машиналар сувдай оқаётган тигиз кўчаларда шошасан. Ўтиш йўлаклари қоидаларига асло риоя қилмайсан. Ҳатто шошаётган автомашиналардан чўчимайсан. Айт, яна қаёққа шошасан? Шошқалоқлигинг боиси не? Шошиб, шошилиб фалокатга йўлиқишдан қўрқмайсанми, биродар? Ўқдай шиддат билан учаётган машиналарнинг шафқатсиз ғилдиракларидан Оллоҳнинг ўзи асрасин...

Қаён кетмоқдасан, эй, Оллоҳнинг шошқалоқ бандаси? Нега сабр қилмайсан, қаноатни билмайсан, шукрона айтмайсан?.. Бирим икки, икким ўн, ўним юз, юзим минг, минг эса миллион бўлсин, деб ҳал-лослаб чопасан, қоплаб йиғасан, йиғиб

асло тўймайсан. Очкўз юҳога ўхшайсан.  
«Еб тўймаган, ялаб тўймас», дейдилар-ку!

Кунлар, ойлар, дақиқа ва сониялар шошиб ўтмоқда. Йиллар ҳам пойгачилар мисол шошаётир. Худди тоб солинган соат милларидай тез ўтаётир. Гўё буларнинг барчасини вақт кушандаси ютиб юбораётгандай.

Ҳой чопиб кетаётган одам, бир лаҳза тўхта, нафас ростла, атрофингга бок. Акс ҳолда ҳовлиқиб кетаётиб ўзингни беҳосдан бирор-бир деворгами, дарахтгами ёки темир панжарагами уриб оласан. Энг ёмони ўзинг каби шошиб, шошилиб кетаётган яна бир шошқалокқа уриласан. Бундан ё бошинг ёрилади, ё пешонанг ғурра бўлади, ё бурнинг қонайди...

Эсингдами, бешикдан чопқиллаб тушганинг. Шундан буён тиним, ором нелигини билмайсан. Аслида овчининг итидай югуравериш нимага эришдинг? Шиддат билан ўтаётган умринг давомида, елиб-югуриб, чопиб, ошиқиб, шошиқиб қўлга киритганинг шу биргина асо бўлдимми?

Бутун умринг давомида елдай шошиб эришганинг шу бир кулоч ёғоч бўлдимми? Ҳиссиз, забонсиз ёғоч!

Ҳой, ожиз банда, ота-боболаринг шошиб, шошилиб нима топди, нима кўрди, нимага эришди? Афсус, надоматлар бўлсинки, улар ҳам ота-боболари каби ҳаётга шошиб келиб, шошиб кетдилар. Шу қадар шошдиларки, уларнинг кўпчилигидан ҳайратли, ибратли ва кароматли излар қолмади ҳисоб. Нега келиб, нега кетганлари моҳиятини ўзлари тушуниб, чуқур англаб улгурмадилар. Нима, ҳаётнинг мазмуни фақат шошилишдан, шошқалоқликдан иборатми? Мундоқ бир пас ўтириб, килаётган ишларинг, ўтаётган умринг ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрдингми, жиддий бош котирдингми? Жонсарақлигинг боисини тушуниб етдингми? Чопа-чопдан, хансираб югуришдан мақсад нелигини билдингми? Биров ота-онам дейди, биров бола-чақам дейди, яна биров набирамнинг холи не кечади, деб қайғуга ботади? Уларни дунёга келтирган Оллоҳ ризқини ҳам

берар... Шошиб уй қурасан, шошиб тўй қиласан. Мисқоллаб топганларингни шошиб, шошилиб сарфлайсан. Сохта шон-шуҳрат йўлида умрингни қурбон қиласан, шошиб уни елга совурасан. Эссиз умр!..

Тезкор замон ўзгаришлари шиддат билан кечаётир. Ўтиш даврининг залворли ғилдираклари асло тинмай, омонлик билмай айланаётир. Ободлик авжига чиққан палла. Юрт билан бирга ўзимиз ҳам, қалбимиз ва турмуш тарзимиз ҳам кескин ўзгариб бораётир. Афсуски, «шоли курмаксиз бўлмагандек», бу жараёнда шошма-шошарлик туфайли баъзан кўзбўямачилик, баъзан буйруқбозлик, баъзан қўшиб ёзиш ва ёлғончиликни ниқоб қилиб, ўз шахсий манфаатлари учун ишлатаётган айрим ғаламис ва чўнтакпараст кимсаларнинг ножўя, нопок ишларини кўриб ранжийсан. Эй, баднафс ва очкўз банда шошилиб, шошиб ариқ қазийсан, иморат қиласан, ниҳол экасан. Сен қазиган ариқнинг торлигидан сув тикилиб ё тошиб кетаётир. Қурган иморатинг тез орада таъмирталаб бўлиб

колаётир. Эккан ниҳолинг илдиз отмасдан қуриб, сўлиётир. Сабаби – шошқалоқлик! Шошилишч ёки шошқалоқлик билан бажарилган ишда унум ва барака бўлмайди. «Шошган қиз...» деган халқ мақолини эшитмаганмисан?..

Шошиб уйланганинг ёдингдами, биродар? Кейин тирикчилик, деган олис ва етиб бўлмас машаққатли манзил сари елкангга «ола хуржун»ни илиб, ховлиқиб чопиб кетдинг. Ҳамон тўхташни билмайсан. Сен интилаётган манзилнинг аслида манзили борми? Оқибатда бола-чақаларингни ҳам ховлиқиб чала тарбия қилдинг. Ҳаловат нелигини билмаган саргардон умринг ҳамиша елиб-югуриш лаҳзаларидан иборат бўлди. Шошганингдан сочларингга эрта ок тушди. Пешонангга ажиннинг машаққат чизиклари аёвсиз муҳр босди. Кўзларингдан нур, белингдан қувват кетди. Юрагингдан чўғ, умрингдан кўр кетди, лекин сен шошилишдан асло тўхтамадинг. Тўхташ нималигини билмадинг. Яна бир гап: изингдан болаларинг шамолдай шо-

шиб келмокда. Уларни бир лаҳза тўх-  
татиш, тин олдириш ўрнига, аксинча,  
уларни ҳам шошқалоқликка ўргатяпмиз.  
Масалан, биттаси болам шеър ёзади деб,  
бир даста алмойи-жалмойи ёзилган, ҳавас-  
корлик даражасидан ҳам паст машқларни  
тахририятдан-тахририятга олиб югурга-  
ни-югурган. Булар шеър эмаслиги, шеър-  
нинг ёзилиш қоидалари ҳақида шўрлик  
муҳаррир жон куйдириб тушунтиришлар  
беҳуда кетди. Чунки бўлажак «шеър-  
ият юлдузи»нинг китоби аллақачон чоп  
этилибди. Китобга таникли шоирлардан  
бири жимжимадор «ок йўл» ёзиб, ёш  
«талант»нинг «пилигини» роса кўтарибди.

– Болани шошириб нима қиласизлар, –  
деган саволга ота-оналари:

– Кўрик-танловда катнашади. Керак  
бўлса, голиб бўлади, – дейишади ишонч  
билан.

Шошилиб «шеърлар» ёзган, шошилиб  
«китоби» чоп этилган «талант» атрофида  
нималар бўлаётганини билолмай ҳайрон  
эди, лол эди, гаранг эди...

– Бола астагина муҳаррирга шивирлаб: «Бу шеърларни бировга ёздирганмиз. Уларни мен ёзмаганман, ака» – дейди.

– Бундай сохта шошқалоқлик кимга керак, нимага керак?.. Ахир шундоқ ҳам ёш талантларга, ёш истеъдодларга кенг йўллар очияпти-ку! Болани чалғитгандан кўра унга ҳунар ўргатсангиз бўлмайдими?

Умринг гўё телба шамолдай, тезоқар сойдаи ўтди-ю, кетди. Нега бу дунёга келдинг-у, қандай умргузаронлик қилдинг? Қандай эзгу амалларга бош-қош бўлдинг, қандай хайрли, ибратли, савобли ишларни амалга оширдинг? Шошилишч кетаётиб беозор чумолини босиб олмадингми? Эндигина қад ростлаётган ниҳолни тўсатдан синдириб кетмадингми? Ёнингдан ўтаётган гўдакни беҳосдан туртиб юбормадингми? Ям-яшил майсаларга озор бермадингми?..

Кимга меҳр кўрсатиб, кимга яхшилик қилдинг? Ким билан дўст бўлиб, кимга садоқат, вафо кўрсатдинг? Кимнинг оғирини енгил қилиб, дардига малҳам

бўлдинг? Кимнинг қандай мушкулини осон қилиб, қандай оғир юмушига мададкор бўлдинг? Қайси дилозорнинг дилига малҳам бўлдинг. Ақалли, бирорта хурилиқони севдингми, ўзинг ҳам севилдингми? Севгининг ширин-ширин дардларига мубтало бўлдингми?..

Шошқалоқлик билан ўтган ўз умрингдан қандай маъно-мазмун топдинг? Ким ва нима учун шошилдинг? Ўзи беш кунлик дунё шунга арзийдими?.. Асло!..

Шошилаётиб бошингни саждага қўйдингми, билиб-билмай қилган гуноҳларинг олдида тавба-тазарру қилдингми? Охиратингни ўйладингми? Қабр азоблари ҳақида бош қотирдингми?.. Азиз авлиёлар ва ота-боболаринг қабрларини зиёрат этдингми, руҳларига дуо-фотиҳа қилдингми?.. Шоир Абдулла Орипов дейдики:

*Авлод-аждодинг ким? Шошмай фикр қил,  
Шошмай сўз дегил-у, шошмай зикр қил.  
Шошқин дарёман деб вақт-бевақт тошма,  
Уммон бўлмоқликка айниқса шошма...*

Сенинг шошилиб юрганингга кўп бора гувоҳ бўлдим. Сен негадир сўнгги пайтларда маънавият гавҳари бўлган – китоб дўконлари ёнидан лоқайд ўтиб кетадиган ёмон одат чикардинг. Дўкон олдидаги рас-таларда ёйиб қўйилган турфа китобларга ақалли бир караб ҳам қўймасдинг. Ҳатто китобнинг номи-ю муаллифига мундоқ кўз югуртирмасдинг. Чунки, сен шошаётган эдинг. Фақат китоблар оламидан эмас, балки илмдан, маънавият ва маърифат дунёсидан ўзинг билмаган тарзда узоқлашиб боряпсан.

Сен бозорларга, дўконларга, савдо рас-талари оралаб чопаяпсан. Нафс илинжида ўзингни тўрт томонга ураяпсан.

Сен ҳатто ибратхона бўлган – театрлар ёнидан ҳам бепарво ўтиб кетаётганигни билмайсан. Азбаройи тез юрганингдан театр афишасига ҳам ёлчителиб қарамайсан. Шошқалок биродарим, кутубхоналарни аллақачон унутиб юборганигни айтмай қўяқолай. Биламан, бир марта берилган умрингни кўпроқ тўйларга, зиёфатларга,

чойхоналарга бағишлайсан. Тўйдан-тўйга шошасан, ошдан-ошга чопасан. Зиёфат, деса елиб-югурасан. Бир гал дўстингни тўйига шошиб кириб, чиқиб кетганингни кўрдим. Чунки бошқа бир тўйга шошаётган эдинг-да! Сени яна бир азада кўргандим. Шошиб келиб, шоша-пиша фотиҳа қилдинг-у, дарҳол жўнадинг. Аздорлардан тузукрок кўнгил сўрашга фурсатинг етмади. Шундоқ ён кўшнинг қазо қилганида тобутни ҳам бирров ушладинг-у, яна қаёққадир дарҳол ошиқдинг. Билсанг, у ҳам сенга ўхшаб шошган эди. Мана энди «тўрт оёқли чўбин от»да мутлақо шошилмай кетаётир. Энди у асло шошмаслар, шошилмаслар оламига бораётир. Аҳмад Яссавий ёзганидек:

*Гуноҳингга тавба қилиб, йиғлаб юргил,  
Кетарман деб, йўл бошига бориб тургил,  
Кетганларни кўриб сан ҳам ибрат олгил,  
Ибрат олсанг, ётмиш еринг бўлар гулзор...*

Охир-оқибат шошқалоклик билан ўтган умринг сўнгида сени ҳам шошилиб кузатдилар, фарзандларинг, яқинларинг ҳам

шошилиб кўз ёш тўкдилар. Сўнг қабринг  
устига шошилиб тупроқ тортдилар.

Шоирнинг ўтли мисралари ёдга тушади:

*Уюм тупроқ бўлди қувончи-гами,  
Кимдир боқиб деди: «Шунга шунчами...»*

Қабрларда қулф бўлмайди, лекин улар-  
дан чиқиб кетишнинг асло иложи йўқ.  
Шошилишнинг ҳам заррача фойдаси йўқ.

Қабр – умрнинг сўнгги бекати, шоши-  
лаётган одамнинг охирги манзили. Чунки  
шошаётган, шошилаётган одамни то ўзи  
тўхтамагунча уни ҳеч ким тўхтатолмайди.  
Елиб-югуриб, ҳориб-толиб, охири қадами  
ердан узилгач ўзи тўхтайди. Тўхтаганида  
эса кеч бўлади...

Охиратинг обод бўлсин, шошилган одам.  
Токи сенинг шошқалоқлик билан ўтган ум-  
ринг бошқа шошаётганларга ҳам сабоқ  
бўлсин.

Алвидо, ҳаётдан шошиб ўтиб кетган  
шўрлик одам!...

Сен билан видолашдим-у, афсуски бу  
дунёни қандай тарк этганингни мутлақо

билмай кетганингга жуда-жуда ачиндим. Бу кутилмаган даҳшатли ҳодиса бир лаҳзада рўй берди. Машҳур Махтумкули айтганидек: «Чапингдан ўнгингга бокқанча бўлмас» экан. Агар вақти соати етиб ажал қувиб келса, тамом, ҳеч қандай илож топилмас, на бойлик, на мансаб, на кучқудрат уни тўхтатиб қола олмас экан...

Ҳақиқатан сен ҳам кўплар қатори оддий бир арзимас тасодиф туфайли қазо қилганингни билмай, билолмай кетдинг, жон дўстим.

Ўша куни хархаша қилавериб ҳолижонингга қўймаган ўғилчангга ўйинчоқ олиб келиш учун «Болалар дунёси» дўконига ошиқаётган эдинг. Йўл-йўлакай хотининг айтган қандайдир юмушни бажариш учун одатдагидек елиб-югуриб «супер маркет» томон чопқиллаб шошиб кетаётганингни билмай қолдинг. Ҳа, ҳар сафаргидай шошиб... Текис кўчадан тизгинсиз хаёллар гирдобида шошиб бораётиб, кутилмаганда ўнг оёгинг билан сирпаниб кетдинг. Кетдинг-у, икки оёгинг ҳавода ўйнаб, бо-

шинг билан бетон йўлакка йиқилиб туш-  
динг. Кўз олдинг қоронғулашиб, қандай  
дахшатли воқеа содир бўлганини англаб-  
англамай хушингни йўқотдинг. Касалхо-  
нада ҳам ўзингга келмадинг. Тилинг кали-  
мага айланмай, бирор оғиз сўз айтолмай  
бу ёруғ оламни тарк этдинг. Аслида сен  
меваси ейилиб, йўлакка туфлаб кетилган  
оддий ўрик данагига сирпаниб кетганинг-  
ни билмадинг. Ҳа, шошиб кетаётиб ар-  
зимаган кичик бир данакни босиб олган  
эдинг. Пошнанг билан қаттиқроқ босга-  
нингдан данак чақилиб кетган эди. Данак  
пуч экан...



## ДУППИСИ ЙЎҚ ДУНЁ

(Чимдим ҳикоялар)

### Яхши хотин

– Мухторжон, нима гап? Уйда жанжал бўлдими дейман?

– Хотин билан яна озгина жанжаллашдик-да, оқсоқол.

– Жанжал қилдингми ё келинни урдингми?

– Шу тили чаён, денг. Дарров чақади. Гап қайтарганида оғзи ёпилмайди. Шунга урдим.

– Урганингда хотининг кўчага қочдими ё уйга кирдими?

– Ўзини дарров уйга урди, оқсоқол. Нимайди?!.

– Гап қайтариш хотинларга теккан бедаво касал. Момонг менга ҳозиргача гап қайтаради. Энди хотинни урма, бола. Қайтиб қўлингни теккизма, келин яхши хотин бўлади.

## Нон ва дори

У ҳар куни елиб-югуриб ишга боради ва ишдан ҳориб-толиб қайтади. Аввал, дўконга кириб, узоқ саралаб, нон харид қилади. Сўнг кўчанинг нариги томонидаги дорихонага кириб, нархига талашиб-тортишиб дори сотиб олади.

Аввал, маза қилиб нон ейди, сўнг ҳузур қилиб дори ичади.

## Уч дона банан

У ишдан қайтишда уч нафар фарзандига гоҳ уч дона банан, гоҳ уч дона шоколад харид қилади. Кўпроқ банан албатта. Бундан болалар бениҳоя хурсанд бўлиб, бананни олишлари билан уйни бошларига кўтаришади.

– Дадам банан олиб келдилар, – деб қийқиришади. Сўнг қўлларидаги бананларни пўстидан айириб, бир-бирларига болаларча мақтаниб, ея бошлайдилар.

Бобо билан буви бир-бирларига сездирмасдан қараб, астагина тамшаниб қўядилар. Иккаласи ҳам беихтиёр «мен боламга, болам боласига», – деган мақолни эслайди...

### Капалак

Шаҳар ҳар кунгидек улкан гала-ғовур оғушида. Асаббузар автоларнинг бетартиб овози кўчаларни баттар шовқинсуронга тўлдириб юборган. Одамлар на гала-ғовурларга, на шовқинларга асло парво қилмай, шошгани-шошган. Шовқин аллақачон уларнинг кундалик ҳаётига сингиб кетган.

Кўчалар лик тўла шовқин. Метролар тирбанд. Милиционернинг ҳуштаги, автоларнинг чинқириғи бир зум тинмайди. Бақир-чақирдан одамларнинг кулоқлари коматга келган. Асабий, телба-тескари суҳбатлар авж пардаларга кўтарилади:

– Йўл берсангиз-чи, анграймай!

– Мунча ҳовлиқасиз?..

- Ҳе, огзингизни юминг.
- Сиз ҳам огзингизга қаранг.
- Оғиздан олдин кўзга қараш керак, галварс!
- Кўриб-кўрмасликка олади-я.
- Ҳозир ҳамма шунака...
- Кулогиям карга ўхшайди.
- Фақат меники эмас.

Яна автолар фарёди. Бақир-чақир авжида. Шаҳар батамом шовқинга ғарқ бўлган. Қайсидир кўчада водопровод қувури ёрилган шекилли, бульдозер ҳайқириб ер қовлаяпти. Яна бир кўчада ола-тасир асфальт ётқизиляпти... Тирбанд кўчадан тобут кўтариб боришяпти. «Бир текис кўтаринглар», – деган шовқин эшитилади.

Мусиқани вадаванг қўйиб, қий-чув қилиб кетаётган тўй машиналари тобут кўтарганларни қувиб ўтмоқчи. Қаёққа шошасан, эй, ожиз банда? Тобутдаги шўрлик ҳам сенга ўхшаб шошган бўлса ажаб эмас? У шошиб-шошиб, энди мангу манзилда қўним топяпти...

Йўлак четидаги турфа гуллар қийгос очилиб ётган кичик гулзорда бир беозор капалак оҳиста учиб юрибди. У шовқинга ҳам, бакир-чакирга ҳам парво қилмай майин қанот қоқади. Гўё ҳаракатлари билан шовқинни ҳайдаётганга ўхшайди. Завқланиб учади. Ана капалак бир гулга қўниб, унинг ҳидидан маст бўлиб, бошқа гулдан завқ олиш учун яна қанот силкитди. У гулдан-гулга қўниб, улардан бўса олаётганга, гуллар билан сирлашаётганга ўхшайди... Унинг шовқинзор билан асло иши йўқ...

### Она

Она бедаво дардга йўликди. Докторлар даволаш учун фалон сўм, дори-дармон учун фалон сўм, операция учун фалон сўм, дейишди. Давонинг нархи баланд эди...

Онанинг беш фарзанди бор эди. Икки ўғил ва уч қиз. Улар уйли, жойли бўлиб, – бир-бирига суяниб яшашарди. Чунки уларнинг ҳам фарзандлари бўлиб, рўзгорларини амаллаб тебратишарди. Оталари икки йил бурун казо қилган эди...

Фарзандлар ўзаро маслаҳатлашиб қўларидан келганича оналарига мадад бўлиш, бирор-бир ёрдам бериш учун йиғилдилар. Она уларнинг ҳол-аҳволини кўриб, дардини дoston қилмади. «Дўхтирлар ташхис қўйишда янглишибди, – деди. Сўнг секин шивирлади: – Мен соппа-соғман, жоним болаларим ҳеч нарсани ўйламанглар, ташвиш чекманглар».

Болалар аста бошларини кўтариб, бир-бирларига «хайрият» дегандай енгил нафас олдилар. Она улуг, болалар эса ҳали бола эди.

Она, шўрлик ва меҳрибон она бир ҳафтадан сўнг вафот этди. Доно ва оқила она дардини ўзи билан олиб кетди. Эҳ, ўзбек онаси, ўзбек онаси... сўнгги дамда ҳам боласини ўйласа-я?!

## Қошиқ

Улар қирқ йиллик кадрдон, ошна ва бир-бирлари билан иноқ дўст эдилар. Тақдир тақозоси билан куда бўлдилар. Бири қиз берди, иккинчиси келин қилди.

Маълум бир вақт ўтиб, аён бўлдики, келиннинг тузалмас дарди бор экан. Дард аён бўлгач, келиннинг ота-онаси қуданикига кам келадиган, келса ҳам тез кетадиган одат чиқарди. Ва орадаги дўстлик аста-секин барҳам топди.

Фарзанд кўрганидан сўнг, келиннинг касали янада кучайди.

«Фарзандим учун яшайман», деган ўғил, кутилмаганда ажралишга қарор қилди. Келинни ота-онасиникига барча нарсалар билан элтиб қўйишди.

Эртаси куни келин томонидан хабар келди:

– Қошиғи қолиб кетибди...

### Ҳазил учун ариза

«Билмасдан ҳазил қилганим учун ўз хоҳишимга биноан ишдан бўшатишингизни сўрайман».

## Ота касби

Гўрков қутлуғ ёшга етди. Қариндош-уруғлари, ошна-оғайниларига дастурхон ёзди. Унга ҳам сўз беришди.

– Кўпчилик фарзандингизга нима бердингиз, деб мендан сўрашади. Мен азиз фарзандимга ўз касбимни бердим, – деди у ғурур билан.

## Бегона

У корхонада қирқ икки йил чумолидай меҳнат қилди. Машаққатлар ва изланишлар эвазига оддий ишчидан раҳбар ўринбосари лавозимига кўтарилди. Жамоанинг ҳурматига сазовор бўлди.

Кеча уни жамоадошлари дил изҳорларини баён этиб қутладилар, самимий табрикладилар. У кишининг шаънига энг яхши ниятлар билдирилди, мўл-кўл қутловлар айтилди. Хуллас, тўй тўйдай бўлди...

У бугун ишга келди-ю, ўз-ўзидан бегонага айланди. Чунки у кеча пенсия ёшига етган эди...

### **Ғойиботалик тошбақа**

*Маҳмуд акага!*

У туғилиб, ўсган ҳовлининг этагида Ғойибота деган авлиёнинг қабри бор. Бу зиёратгоҳ шўро даврида яратганнинг марҳамати билан қаттол коммунистлар эътиборидан четда қолди.

Зиёратгоҳ атрофида сермева дарахтларга бой – боғ бунёд бўлди. Лекин бу боғдан нарса олиб ҳам, сотиб ҳам бўлмайди. Авлиё атрофидаги барча нарсалардан ҳам эҳтиёт бўлиш керак, деган гапни зиёратга келганлар тез-тез такрорлайдилар...

Туробжон ҳам ҳар гал уйига борганида ота-онаси билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, дарҳол Ғойиботага тушиб тиловат қилади.

Бир гал қишлоқдан қайтишда ҳеч кутилмаганда машинасининг ғилдираклари бирин-кетин ёрилди. Моторда ҳам ишқал

чикди. Хуллас, тўрт соатлик йўлни ўн соатда босиб, ярим тунда минг азоб билан пойтахтга етиб келишди.

Ўша кунлари шофёрнинг ҳам омади юришмай қолди. Машина ҳар қадамда панд бераверди. Охири у бошлиғи – Туробжонга ёрилди:

– Сизга сездирмасдан, болалар ўйнайди, деб Ғойибота авлиёдан бир тошбақа олиб келувдим. Тошбақа хомуш, бир ҳафтадан буён ҳеч нарса емайди ҳам, жойидан қимирламайди ҳам. Шу жониворни жойига олиб бориб қўйсакмикин? Нима дейсиз?..

Туробжон рози бўлди.

Эртаси куни шофёр тонг азондан йўлга чиқиб, Ғойиботага етиб бориб, тошбақани қўйиб юборибди. Тошбақани уч-тўрт тошбақа кутиб олибди. Одамларнинг айтишларича, бу тошбақалар дуо олганмиш.

### Соддалик

Рамазон Ботир бир жинойт устида қўлга тушди. Терговчи сўроқ жараёнида унга озгина дўқ қилиб, қулоғига салгина

чертган эди, кўркиб кетган Рамазон Ботир ўзини оклашга тушди:

– Нега мени урасиз, акажон? Ман қилиб юрган бу ишларни кўшниларимиз Зафар аканинг ўғиллари, яна бир кўшнимиз Муҳиддин ҳам қилади-ку. Нега уларга индамай, мани урасиз?

Рамазон Ботир ўзини оклаш баҳонасида кўшниларини сотиб қўйганини билмай қолди. Эҳ, ўзбекча соддалик курсин!

### **Дўпписи йўқ дунё**

Набираси Анваржонга ўзининг гоҳ ёруғ, гоҳ машаққатлар билан ўтган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилган Сулаймон бобо оппоқ соқолини бармоқлари билан тараб, хўрсиниб шундай деди:

– Ҳаёт шунақа шафқатсиз болам. Унинг зарбалари-ю, ташвишларига чидаб, қувончли лаҳзаларида ўзингни йўқотмай чидасанг бўлди. Биласанми, ҳамма гап нимада, бобом раҳматли айтганларидек: дунёнинг дўпписи йўқлигида.

— Бобо, дунёнинг ҳам дўпписи бўладими?

— Биласанми, Анваржон болам. «Дўпписи йўқ дунё», деган иборани раҳматли бобом кўп айтардилар. У киши, «агар дунёнинг дўпписи бўлганида, одамларнинг бошларига шунчалар ғам-ташвишларни ёғдирмасди. Ҳаётнинг паст-баландини, одамларнинг огир турмушини сал-пал бўлсаям яхши томонга ўзгартириш учун дўпписини мундоқ олиб, бир ўйлаб кўрарди-да!» — дердилар. Баъзан бирор нарсадан обдон зерикканларида, андак диққат бўлганларида кўл силтаб қолардилар: «Э, дўпписи йўқ дунё», — деб...

## Юракдаги Ватан

Ўшанда тўртинчи синфда ўқирдим. Биз, ёзнинг бошларида қаттол шўролар замонида бунёд этилган қатағон қурбонлари оила аъзолари яшайдиган «Лагерь» қишлоғидан, ота-боболарим туғилиб ўсган Жалойир қишлоғига кўчадиган бўлдик.

Кўчишимиздан бир кун олдин акам билан отам молларни ҳайдаб, янги уйимизга кетишди. Уларга ҳамиша молларга «дум» бўлиб юрадиган итимиз ҳам эргашди.

Кўчамиз деган кундан буён бобомда қандайдир безовталиқ бошланди. Гўё ноёб нарсасини йўқотиб қўйгандай у кишининг ранглари ўзгариб, бироз ғамгин ва хаёлпараст бўлиб қолдилар. Кечга томон биз билан хайрлашгани тўрт-бешта қўни-қўшнилар уйимизга чиқишди. Бобомнинг бироз чиройи очилди. Қўшнилар орасида крим-татарлар ҳам бор эди. Бобомнинг айтишича, улар иккинчи жаҳон уруши даврида олис Қримдан бир кечада биз томонларга сургун қилинган экан. Ўшанда биз, болалар сургун дегани нималигини билмасдик, бунга ақлимиз ҳам етмасди.

Бир маҳал биздан икки ҳовли нарида яшайдиган Али Кавказ деган крим-татар қўшнимиз шошиб кириб келди.

– Кечирасиз, Жўра бобо, Карманага бориб, бироз кечга қолдим. Охирги автобус ҳам кетиб қолибди. Йўловчи машинада

келдим. Кечга қолдим, узр – деди у мен офтобадан қуяётган сувда кавариб кетган кўлларини юваётиб.

– Алижон (бобом у кишини шундай дерди) ўз вақтида келдингиз. Ошни энди сузмоқчийдик, – деди бобом.

Қўшнилар бир-бирларининг меҳрига тўёлмай, алламаҳалгача гурунглашдилар. Ўтган-кетгандан узун-қисқа хангомалар қилишди. Қизик ва кулгили воқеаларни эслашди. Биз кўчиб кетаётган қишлоқ бу ердан унчалик олис эмаслигини айтиб, тўй-маъракаларда кўришиб туришларини таъкидлаб, бир-бирларига тасалли беришди...

Эртага кўчамиз деган куни бобомда умуман ҳаловат йўқолди. Бувимнинг айтишларича, тунни билан безовта бўлиб, ухламай чиқибди бир неча бор уйғониб кетиб, ҳовлимизни айланиб келибди.

Эрталаб турганимизда, бобомни ҳовлидаги эски тут дарахтига суяниб ўтирган ҳолда кўрдик. Гўё тут қулаб кетаяпти-ю, бобом уни суяб тургандек эди. Сўнг бо-

бом богимиздаги катта-кичик дарахтлар ёнига бориб, айримларини қўллари билан силаб, айримларини меҳр билан ушлаб, улар билан аста-секин пичирлаб хайрлашди. Эрталаб нонушта тайёрлаган бувим ҳаммамизни дастурхонга таклиф қилдилар.

– Мазангиз бўлмаяптими, бобоси, – чой узата туриб сўради бувим.

– Ҳаммаси яхши, хавотир олманглар, – деди бобом секингина хўрсиниб. – Худога шукур яхшиман.

Бобом фотиҳадан сўнг маҳзун овозда тиловат қилдилар. Бобомдаги беҳаловатлик фотиҳадан кейин ҳаммамизни чўлғандек бўлди.

Кейин уйдаги қолган-қутган майда-чуйда нарсаларни йиғиштириб, тугунларга боғладик, кичик қутиларга жойладик. Кейин бобом ярим тунда туриб, чирок ёруғида ўқийдиган диний китобларини белидаги белбоғига тугиб боғлаб, бувимга берди. «Оёқлар тагида қолмасин!» деб алоҳида тайинлади. Бобом бу китобларни

ўқиб, овоз чиқармай йиғларди. Бу ҳолнинг сабабини билмасдим...

Бироздан сўнг бизни кўчириш учун бобом тайинлаган Шойим тоға машинасида етиб келди. Бобом мендан бошқа ҳаммани машинага чиқишга кўрсатма берди. Юкларни ортиб бўлганимиздан сўнг бовим билан энг кичик укам кабинага жойлашди. Қолганлар машинанинг кузовига чиқишди.

– Яратган эгам ҳамроҳларинг бўлсин. Соғ-омон етиб олинглар, – деб бобом «ок йўл» тилаб, уларга фотиҳа бердилар. Сўнг менга юзланиб, – мен билан кетасан, – дедилар. Бобомнинг менга меҳри бўлакча эди...

Бобом билан хувиллаган ҳовлида яна бирпас серрайиб қолдик. Бобом боғимиздаги дарахтларга, ишкомга, ҳовли этагидаги шийпончага, молхона ва бостирма томонларга бир-бир қараб оғир хўрсинди. Бобомнинг вужуди ёнарди. Бунининг пир-пир учаётган ажинли юзларидан, намланиб турган ўксик киприкларидан

билса бўларди. Бобом бутун қалби билан ҳовлига маҳкам боғланиб қолган эди. Шу лаҳзаларда унинг кўзларига ана шу ҳовлидан бошқа ҳеч нарса муқаддас ва азиз бўлиб кўринмаётган эди. Бутун умри ҳам, босиб ўтган гоҳ нурли, гоҳ изтиробли ҳаёти ҳам шу ҳовли билан боғлиқ эди. Бу кўримсиз уй, ҳайҳотдек ҳовли унинг Оллоҳ берган муқаддас гўшаси эди. Бобом, бобожоним шу лаҳзаларда омонатини иккиланмай топширишга ва шу кўйи турган жойида ерга қўйилишига ҳам рози эди...

Бу орада уйимизни сотиб олган Эрдон тоға оиласи билан кўчиб келди. Саломаликдан сўнг, бобом қўлидаги калитларни унга топшириб, дуо қилди:

– Илоё, бу уйда тўйлар қилинг, хонадонингизда яхши ва бахтли кунлар кўп бўлсин. Оллоҳнинг меҳр нурлари ёғилиб турсин!

– Кейинги ҳафта худойи қиламиз. Хабар берамиз, келасизда Жўра бобо, – деди Эрдон ака фотиҳа ўқиб бўлгач.

– Албатта келаман, Эрдонбой, – деди бобом кўзлари пирпираб.

Сўнг бобом чуқур-чуқур нафас олиб, ҳовлини ўзгача меҳр-муҳаббат билан яна кузата бошлади.

Бир маҳал ҳовлимизга Али Кавказ битта-битта қадам ташлаб, ҳорғин қиёфада кириб келди. У салом-алик қилиб бўлгач, бобомни бағрига босиб, хўнграб йиглаб юборди. Унинг елкалари титрар, кифтлари учарди. Ўксиб-ўксиб, энтикиб-энтикиб, зорикиб-зорикиб йиғларди Али Кавказ.

Бобом унинг нима учун йиғлаётганини тушунди.

– Қачон она – Ватанимга, ўз туғилган тупроғимга қайтаман, Жўра бобо, қачон?! – у йиғи аралаш болалардай уввос соларди. Сўнг калбидаги алам дафтари очилди. – Кеча сизникидан кетганимдан сўнг мижжа қоқмадим. Қримжоннинг ҳавосидан нафас олиб, ўлсам розиман. Хувиллаб қолган ҳовлимиз, ҳовлимиздаги ўрик, олма, ёнғоқ дарахтларини доим тушларимда кўриб, гаплашиб чиқаман, Жўра

бобожон. Ватанимнинг муборак ҳавосидан нафас олиш насиб этармикин?.. Қримнинг бир сиқим тупроғини кўзларимга суртиб ўлсам майлиди.

У бир зум жим қолди. Сўнг супа четидаги курсига оғир чўкди. Қўлларини мушт қилиб, ҳавода ўйнатиб, тиззаларига ғазаб билан муштлади:

– Илоё, гўрингда тўнғиз қопсин, Сталин!..

Бобом ҳам, Али Кавказ ҳам гаранг одамдай анчагача жим қолишди. Улар оғизларига гўё тош солиб олган эди. Бу жимликда дард, изтироб ва Ватан соғинчи бор эди.

Али Кавказ қандай оғир қадамлар билан келган бўлса, шундай вазминлик билан чиқиб кетаётиб, бобом билан хайрлашди.

– Худойим ҳамроҳингиз бўлсин!

– Худойим Сизларнинг ҳам ғамингизни есин, илоё, Алижон! – Бобом шундай деб у кишини дуо қилди.

Уйнинг янги эгалари кўчларини тушириш ва киритиш билан машғул эдилар.

Бу манзарани кузатиб турган бобомнинг кўзлари яна ёшланганини кўриб, менинг ҳам кўнглим бузилди. Буни сезган Эрдон тоға бобомни бир пиёла чойга таклиф қилиб, агар хоҳласа, қолиб, меҳмон бўлиб кетишини ҳам алоҳида таъкидлади.

– Майли, бир пиёла чой ичайлик, – деди бобом ҳамон кетгиси келмай, ҳовлидан меҳрини узолмай.

Энди бизнинг собиқ, эски чорпоямизга янги дастурхон ёзилди. Нон, чой, қанд-курс қўйишди. Бу чорпояни бобом атай уларга қолдирди.

– Бу ҳовли-жойни отам раҳматлик ўз қўли билан қурган эди, – деб ёрилди бобом ҳазин овозда, – болалигим мана шу ҳовлида ўтди. Шу ҳовлида вояга етиб, уйландим, бола-чақалик бўлдим. Бахтимни топдим. Шу ҳовлида соч-соқолим оқарди. Ҳаётимнинг яхши ва огир кунлари, муборақ ва нурли хотиралари ҳам шу ҳовли

билан боғлиқ. Раҳматли ота-онамни ва бир фарзандимни шу ҳовлидан чиқардим. Тугилиб ўсган уйинг ҳам аслида кичик Ватан экан, Эрдонбой. Энди бу Ватанни сизга қолдирыпман. Бирор дарахтни бе-сабаб ўрнидан қўзгатманг. Улар менинг юрагимга экилган. Уларни мендай яхши кўринг, мендай қадрланг. Одамнинг қисматида бор экан, мен янги уйга кўчиб кетаётган бўлсам ҳам қалбим шу уйда қоляпти. Бу азиз уйга – Ватанга Сиз ҳам меҳр қўйинг, юрагингиздан жой беринг Эрдонбой иним.

– Бобожон, юракда ҳам Ватан бўлади-ми, – беихтиёр сўрадим.

– Бўлади, болам, бўлади. Одамнинг яшайдиган уйи, ҳовли жойи, бу юракдаги Ватани. Ана шу юраклардаги ватанлар юксалиб-юксалиб, Ўзбекистон деган улуг Ватанга айланади...

Мен бобом билан катта йўлга чиққаннимизда, ҳамон қишлоғимиз – юракдаги Ватан ҳақида, кўримсиз бўлсаям қасрдай уйимиз, дўстларим, Али Кавказ ва уй би-

лан боғлиқ ширин хотиралар оғушида эдим. Қалбимда эса улуғ Ватаннинг ёрқин манзаралари намоён бўла бошлаган эди.

### Узр азоби

Мансаб пиллапояларидан лочин ми-соли парвоз қилаётган Эркин Сарварович одатдагидай салом-аликсиз мажлислар залига шиддат билан кириб келди. Юқорида у учун қўйилган махсус креслога виқор билан чўкди. Чўкди-ю, ҳар галгидай вазоҳат билан залдагиларга юзланиб, совуқ оҳангда сўради:

– Ҳамма келдиму?

Биринчи қаторда ўтирган ташкилий бўлимнинг бақалоқ мудир шартта ўрнидан туриб:

– Таклиф қилинганларнинг ҳаммаси келди, Эркин Сарварович! – деди.

У бир неча сония столдаги қоғозларни тез-тез титкилаб, уларга жиддий кўз югуртириб, ўзига кераклигини топди шекилли, аста ўрнидан турди.

– Ўртоқлар, кўриб турибсизлар об-ҳаво кундан-кунга ёмонлашиб, осмоннинг авзойи ўзгариб боряпти. Энди қирқига чидаб, қирқ бирига қолганда оксаяпмиз, – деди у овозини бир парда кўтариб, – тўғрироғи, чидолмаяпмиз! – у яна тўхтаб олиб, давом этди, – йил бўйи меҳнат қилдик, саратоннинг жазирамасида биргалашиб дала кездик, сув, ўғит учун елиб-югурдик. Энди ҳосилни йиғиб-териб олишга келганда дангасалик қилаётганимизни мутлақо оклаб бўлмайди. Бу ишёқмаслик, баҳонабозликдан бошқа нарса эмас. Давлат режасини бажаришга бор-йўғи беш фоиз қолди. Тушуняпсизларми, беш фоиз! Режани бажармаган фермерлар қандай бажаради, нима қилади, қаердан олади, мен билмайман, билишни ҳам истамайман! Бундай фермерлар билан шахсан прокурор шуғулланади...

Туман прокурори ўрнидан турди.

– Сиз режани бажармаётган фермерларни зудлик билан рўйхатга олиб, дарҳол шартнома натижаларини суриштириб, са-

бабларини аниқланг. Улар билан алоҳида гаплашамиз! Керак бўлса жазолаймиз! — деди у янада овозини кўтариб. Сўнг прокурорга ўтиринг, ишорасини қилиб, залдагиларни бир-бир ўрнидан турғазиб, савол-жавоб қила бошлади. У ташкилотлар, корхоналар ва хусусий идоралар раҳбарларидан далага қанча одам чиққан-чиқмаганлигини алоҳида сўради.

Ҳар кимнинг жавоби ҳар хил бўлди; бировлар саволларга шартта жавоб берса, бировлар оғзига латта солгандай чайналди. Бировлар эса умуман индамади. Ўзини туманнинг мутлақ эгаси, деб ҳисоблаган Эркин Сарварович одатдагидай қизишиб кетиб, оғзига эрк бериб, ҳатто ёши улуғларни ҳам сенсираб, сўнг ҳақоратга ўтди. Унинг шунақа одати бор эди. У қизишиб кетганида оғзининг таноби қочганини билмай қоларди. Бундай пайтда ҳўлу курук баробар ёнарди. Тобора аланга олаётган оловга унинг ўзи сув сепмаса, бунга ҳеч кимнинг юраги бетламас, журъати етмасди. Бундай бўрон кўзғалган пайтда айрим одамлар-

нинг гурури, шаъни асоссиз топталарди, ор-номуси оёқ ости қилинарди. Сўкиш ва ҳақоратлар рўйхатига ўзларининг номлари тушгани етмагандек, оналари ҳам «хутба»га қўшилиб кетарди...

Бугун ҳам шундай бўлди. Бўлганда ҳам жуда ёмон бўлди. Ёш раҳбар қайнаб кетиб, кутилмаганда залда ўтирган устози Рисолат Раҳимовани ҳам қаттиқ танқид қилиб, ранжитиб, сўнг ҳақорат қилиб юборганини билмай қолди. Аслида фуқаролар йиғини раиси жиддий бетоб бўлганлиги сабабли унинг ўрнига маслаҳатчи Рисолат Раҳимова келган эди. Узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик, кейин раҳбарлик қилган Рисолат опа Эркин Сарваровични биринчи синфда ўқитган устози эди. У эса бутун зални бошига кўтариб, ҳарф ўргатган устозини сенсирагани етмагандек беҳосдан «текинхўр» деб юборди. Бу қилиғи билан мен ҳаммага бир хилман, ким давлат топшириқларини бажармаса, кимлигидан қатъий назар сийлаб ўтирмайман, дегани эди. Бу, ҳатто устозимни ҳам ая-

майман, деб кўпчиликни олдида ўзини, каттикқўллигини кўз-кўз қилиш эди. У одамийлик қиёфасини йўқотиб, қутурган шер мисоли ўкирарди.

– Сизларнинг фуқаролар йиғинидан бир юз йигирма ўрнига эллик киши далага чиққан, бу уят! Сизга ўхшаган текинхўрлар ишламайсизлар... ҳе, сенларни...

Ўқ отилган, аллақачон нишонга бориб теккан энди уни ўрнига қайтаришнинг ҳеч бир иложи йўқ эди.

Эркин Сарварович мажлисда айтилган гаплар, берилган долзарб топшириқлар бўйича яна бир кундан сўнг шу залда гаплашамиз, деб йигилишни юксак дабдаба билан бошлаган бўлса, шундай дагдага билан тугатиб, залдан яна шашт билан чиқиб кетди. Зал гўё зилзиладан сўнг содир бўладиган оғир жимлик ва сукунат оғушида қолгандай эди...

Ҳамма «уф» тортиб эркин нафас олди.

Мажлисдан сўнг Эркин Сарварович улфатлари кутаётган саунага шошилди. Устози Рисолат Раҳимова эса мажлисга

келгани учун ўзини ўзи койиб, юрак бағри эзилиб, йўловчи машинада уйига зўрға етиб олди. Дарвозадан кириши билан бутун вужуди титраб: «Ўз ўқувчим мени текинхўр, деб ҳақорат қилди-я! Шунча йил ҳалол ишлаб, ҳалол яшаганим нима бўлди, художон?...» – деб ичида фарёд қилди ва ўксиб-ўксиб йиғлади...

Тонгга яқин уни «тез ёрдам»да туман касалхонасига олиб кетишди.

\* \* \*

Яхши гап овоза бўлгунча, ёмон гап қанот чиқараркан. Қаттиққўллик ва даб-дабабозликда тобора номдор ва донгдор бўлиб бораётган Эркин Сарваровичнинг устози ҳақидаги «самимий» гаплари ўша кунни бутун туманга овоза бўлди. «Ҳоким ҳатто устозини ҳам аяб ўтирмай, сўкибди», – дейишди. Унинг феълени билганлар бу гапларга унчалик парво қилмадилар. Уни амал билан пул кутуртиряпти, деб қўл силтаб қўйдилар. Лекин бу гапни эшитган раҳбарнинг отаси – кекса ҳосилот Сарвар бобо ўғлидан жиддий хафа бўлди.

Ахир ҳали бола бўлган Эркинни ўзи мактабга олиб борганида ёш муаллима Рисолат уни жажжи кўлларида ушлаб, меҳр билан синфга олиб кириб кетганини отаси ҳали-ҳануз унутгани йўқ. Қишда шамоллаб мактабга бора олмаганида, ҳар кун дарсдан кейин келиб, фарзандини ўқитиб кетган ҳам шу жонкуяр Рисолат эмасмиди? Эҳ-ҳе, Эркинни «аълочи»лар сафига олиб чиққунча Рисолат муаллима қанчалар қийналганини ёлғиз ўзи билади... Сўнг Сарвар бобонинг набираларини ҳам ўқитди. Нафақага чиққан Рисолат муаллиман самимийлиги, ҳалоллиги ва тажрибасини инobatга олиб, фуқаролар йиғинига маслаҳатчи вазифасига тайинлашганига икки йилча бўлди.

Устоз ҳамиша шогирди билан фахрланарди. Баъзан йиғилишларда, тўй-ҳашамларда кўришиб қолганларида, бири устоз, бири шогирд сифатида ҳамиша бир-бирларининг ҳурматини жойига қўйишар, меҳр билан ҳол-аҳвол сўрашарди.

Лекин сўнгги пайтларда шогирдига нима бўлаётганини устоз билолмай ҳайрон эди, лол эди. Наҳотки, одамни мансаб шунчалар ўзгартириб, шунчалар гўдайтириб юборса... Эркин Сарварович аллақачон туманда обрўйини йўқотиб, одамлар эътиборидан қолган эди...

\* \* \*

Сарвар бобо эрта тонгдаёқ ўғлиникига бориб, уйига кирмасдан уни дарвозаси олдида кутиб турди. Кузнинг салқин ҳавоси юзларни гўё сўнгги бор иситаётгандек илиқ шамол билан силаётганга ўхшайди.

– Тинчликми, ота? – дарвозадан шитоб билан чиққан ўғли ҳайрон бўлиб сўради.

Ота-бола енгилгина салом-алик қилишгач, у шофёрига юзланиб:

– Нега у кишини уйга олиб кирмадинг, – деди уни қойиб.

– Айтдим, ўзлари йўқ, дедилар, – шофёр ўзини оқлашга уринди.

– Уйингга кўп келганмиз, яна келамиз, ўғлим. Қани машинага, – деди ота гўё унга ҳам, шофёрига ҳам буйруқ бергандай.

– Қаёқка борамиз? – яна ҳайрон бўлди ўғли.

– Шофёрингга айт, касалхонага ҳайда-син.

– Ким касал бўлди, ота?

– Борганда биласан, қани ўтир. Тинч-ликми, ишқилиб? Сенга нима бўляпти, ўзи ўғлим? – машинанинг олдинги ўриндиғига ўтирган ота орқада ўтирган ўғлига юзланди. – Сенга доим айтаман, доноларимиз-нинг раҳбарнинг оёғи ердан узилмаслиги, элнинг назаридан қолмаслиги керак, деган сўзларини ҳамиша ёдингда тут, – деб. Бу тўрт кунлик давру давронинг ўтар, кейин одамларнинг юзига қандай қарайсан? Мен сенга шунақа тарбия берганмидим, амалпараст бўлгин, деганмидим?.. – Ота нафасини ростлаб, жаҳлини босди. Шофёрнинг олдида ўғлини ўсал қилгиси келмади. Бироз ҳовуридан тушиб: ўғлим, яна

бир гап: халқимизда «тез оққан ирмоқ, тез тинади», деган ҳикматни ҳам унутма...

Эрта тонгдан касалхонанинг кардиология бўлимига кириб келган ота-болани кўриб, врачлар, ҳамширалар шошиб қолди.

– Рисолат Раҳимова қайси палатада ётибди, – деб сўради Сарвар бобо навбатчи врачдан.

Шундагина Эркин Сарварович гап ни-мадалигини тушунди. Тушунди-ю, оғир-оғир қадамлар билан отасига эргашди. Эргашмасликнинг иложи йўқ эди. Кеча йиғилишда ўзининг ҳам бироз ҳаддидан ошгани рост, оғзига эрк берганини ҳам инкор қилмайди. Уям нима қилсин? Ундан ҳам сўрайдиганлар, уни ҳам тергайдиганлар ва керак бўлса сўкадиганлар бор. Ҳа, шундай талаб қилишади, шундай сўрашадики, шўрликнинг суяклари зирқираб кетади. Баъзан одам боласи бўлганига пушаймонлар ейди... Лекин буларнинг ҳаммасини отасига айтолмайди...

Устоз бироз ўзига келиб, кеча бўлган воқеани шогирдининг ёшлик қилиб қўйганига йўйиб, унутишга ҳаракат қилаётган эди. У қалин қошлари диккайиб турган юзлари ташвишли, хижолатдан кичик кўзларини олиб қочаётган Сарвар бобони кўриб, ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди.

– Қимирламанг, қимирламанг, Рисолатхон, – деди Сарвар бобо илдам қадамлар билан унинг каравотига яқинлашиб, гуноҳкор одамдай ўғлига юзланди:

– Биз, ота-бола Сиздан кечирим сўрагани келдик, – деди.

– Кечиринг, устоз, – деди Эркин Сарварович томоғига қаттиқ бир нарса тикилгандай қимтиниб. Одамни кўпчиликнинг ўртасида ўсал қилишдан кўра, ундан узр сўраш жуда оғир ва ниҳоятда азоб экан. Агар узр сўраётган кишинг устозинг бўлса...

У на устозига, на отасига қарай олмай, кўзларини олиб қочди. У узр азобини юрак-юракдан ҳис қилди, танаси зиркираб

кетди, вужуди титради. Лекин ҳокимлиги эсига тушиб, палатадан виқор билан чиқиб кетди.

### **Майиз қандай бўлган?**

Меҳмондорчилик авжига чиққанида, даврага яна бир-икки киши қўшилди. Лагандаги ошнинг ҳам таги кўриниб қолган эди. Ошнинг чўғи пасайганини кўриб, Саид оқсоқол астагина қўлини артди. Бунни сезиб қолган Алижон ошпаз даврадагиларни ҳам хижолатдан қутқарган бўлди.

– Олинглар, олинглар. Оқсоқол қўлингизни артманг. Бир ошатиб юборинг. Қадимдан: «бир майизни қирқ киши бўлиб еган», деган ҳикмат бор-ку!

– Тўғри айтасиз, Алижон. Шундай ҳикмат бор. Лекин қадимги майизлар ҳам қўйдай-қўйдай бўлганда, – деди Саид оқсоқол донолик билан.

## Футбол тўпи

Хуштак чалинди. Тўп зарб билан тепилди. Кейин оёқларга эрк берилди: тўпни шафқатсизларча нишонга ола бошладилар. Улар орасида икки одамгина раҳмдил экан, бот-бот тўп шўрликни қўлларида кўтариб ушлаб қўядилар. Сўнг улар ҳам шундай зарб билан тепадиларки, шўрлик тўп оғриқдан ёрилиб кетай дейди.

Тўпнинг гоҳ у, гоҳ бу дарвоза тўрига тушганини ҳисобга олмаганда, асосан майдон узра зарблар оғушида чарх уради.

Стадион бақир-чақирдан бир зум тўхтамайди. Яна хуштак янграйди. Лекин тўп нафасини ростламай, яна майдонда пайдо бўлади. Оёқлар одатдагидай икки томонга ажраладилар. Бир томонга чопаётганлари кўпқарида улокни олган отдай шахдам ва ўктам. Иккинчи томондаги оёқлар жароҳатланган илондай судралади. Лекин югуришдан тўхтамайди.

Тўп эса стадионда ёлғиз қолади. У бу гал ҳам нималар содир бўлганини билма-

ди. Ўйлай деса, боши, кўрай деса, кўзи  
йўқ шўрлик тўпнинг...

Афсуски, ҳаётда футбол тўпига ўх-  
шаган кимсалар борлигини кўриб, ачиниб  
кетасан киши.

### **Кетмон – табиб**

Профессор Воҳид Саидов бир пайтлар  
катта амалдор бўлган. Унинг қабулига  
кириш ёки тўй-маъракада қўлини олиш  
кўпчиликка насиб этмаган. Савлатидан от  
хуркадиган амалдорлардан бўлган.

У олтмиш ёшга тўлган куни дўстлари,  
биродарлари ва оила-аъзолари билан чоғ-  
рок анжуман қилди. Унинг шаънига барча  
эзгу тилаклар айтилди, совға саломлар бе-  
рилди.

Эртаси куни ишдан бўшаганлигини  
маълум қилиб, ариза ёзиб, шофёридан бе-  
риб юборди.

Уни ишхонага қайта-қайта чақиришди,  
сўрашади, бир бор келиб-кетишини илти-  
мос қилишди. Лекин Воҳид Саидов ишхо-  
нага қайтиб қадам босмади.

У ўша кундан бошлаб, бир вақтлар харид қилган кетмонни қўлига олиб ҳовлидаги бир парча ер билан ошно тутинди.

Онда-сонда соглигидан шикоят қилиб қоладиган профессор кетмон билан астойдил дўстлашиб ерга чинакам меҳр-мухаббат қўйди.

Воҳид Саидов худо умр бериб, тўқсон ёшга тўлди. Журналист ундан сўради:

– Узоқ умр кўришингиз сири нимада?

У киши олма дарахти шоҳига илдириб қўйилган кетмонни қўлларига олиб, унинг дастасини силаб шундай жавоб қилди:

– Менинг табибим – кетмон, шифоҳонам – ер!

## Ватан ҳақида шеър

*Ватан ҳақда шеър ёзмабман унинг гамин еб,  
Аскар одам асрагандай жангда кўзини,  
Негадир мен ҳайқирмадим Ватан, Ватан деб,  
Тил учида айтолмайман Ватан сўзини.*

Жалолиддин ҲИКМАТ

Бир шоир тезроқ тилга тушиш ва ном қозониш учун Ватан ҳақида шеър ёзди. Шеър унинг ўзидан бошқаларга ёқмади; Давраларда бир-икки ўқиди-ю, шу билан шеър барҳам еди.

Яна бир шоир ҳам мукофот илинжида Ватан ҳақида курук эҳтирослар ва ҳайқириқлардан иборат шеър ёзди. Шеър нуфузли нашрларда босилди. Бир-икки дўстлари ва яқинлари шоирни юз-хотир учун қутлаган бўлди. Шоир шеърини мақтаган дўстларини чойхонага таклиф этди. Мақтовлар ҳаддан ошди. Лекин бу шеър ҳам сувга отилган тошдай унутилди.

Кутилмаганда Ватан ҳақида яна бир шеър эълон қилинди. Қилинди-ю, шеърият мухлислари қалбини забт этди. Шоир

бу шеърни бирор тама илинжида ёзмаган эди. Чунки бу шеър ҳақиқий истеъдод ва юрак қони билан ёзилгани учун қалбларга кўчди. Гуё шеърда илоҳийлик бор эди.

### Набира ҳиди

Набира туғилган куни бобо билан бувининг қалблари бир олам тенгсиз қувончга тўлиб тошди. Улар ҳаяжон ва ҳайратдан гапиролмас, фақат бир-бирларига меҳр ва қувонч билан боқардилар.

Набирани туғуруқхонадан олиб чиққунларига қадар, улар уни тезроқ кўриш иштиёқида ҳаяжонланиб юрдилар.

Набирага яхши ният билан Дилором деб исм қўйдилар.

Уйни набиранинг покиза ва беғубор ҳиди тутиб кетди. Бу муборак ҳид гоҳ бобо, гоҳ бувини маст этар, набиранинг ҳар бир жажжи ҳаракати уларга чинакам мўъжиза бўлиб кўринарди. Улар гуё қайта туғилиб, беғубор болаликка қайтган эдилар.

Инсон умри эса, гўдак ҳиди билан давом этади...

### Аёл макри

«Аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади», деган қадимий гап ҳамон ўз кучини йўқотмаган. Мен билган бу аёлнинг ҳийла-найранги ва макрини қирқ вагонли поезд ҳам зўриқиб, зорланиб зўрға тортса ажаб эмас.

Макр булоғига обдан чўмилган бу аёлни кўриб, олдин тулки пайдо бўлганми ёки аёлми, деб ўйлаб қоламан. Кўпроқ тулкилар ҳийлаю макрни аёллардан ўрганган бўлса керак, деган хулосага келаман.

Тулки айёрликни уясида ётиб режалаштирса, аёл бу ишни ёнингда туриб, кўзларингга қараб, жилмайган ҳолда меҳр ва табассум билан амалга оширади. Аёлнинг макр ва ҳийла тузоғига тушганингни ё биласан ё билмай қоласан. Билганингда кеч бўлади...

Аёл макри энг кучли оғу, уни ичиб адо қилиш қийин. Лекин бевақт адо бўл-

ганларнинг саноғига етиб бўмайди. Ҳамиша бу оғудан Аллоҳнинг ўзи асрасин!..

### Қабрнинг эшиги йўқ

Унинг бошини нам тупроққа оҳиста қўйишди. У ҳамон кимир этмай, тошдай қотиб ётарди. Ҳайрият аввал жагини, сўнг қўлларини бўшатишди. Ишқилиб, нафас олаётганини биров сезиб қолмасайди. Сезса барчаси барбод бўлади...

Унинг тириклигини фақат хотини эшитмасин, эшитса тамом, ҳаммаси қайтадан бошланади. У эса жанжаллардан шу қадар тўйиб кетган эдики, эҳ-ҳе бу жанжал-тўполонларни, ади-бадиларни, аччиқ-нордон гап-сўзларни, захарли кесатикларни, ур-йиқитларни ипидан игнасигача қоғозга туширишга каламнинг бардоши етмайди. Уларни бирма-бир баён этиш учун шўрлик қоғознинг юзи чидамайди...

Энди у умр бўйи елиб-югуриб, орзу қилиб топган шоҳона жойидан ҳеч қачон турмайди, туролмайди, туришни ҳам ис-

тамайди. Ҳатто қимирламайди ҳам. Чунки чиқиб кетиши учун қабрнинг эшиги йўқ.

### Ҳам куласиз, ҳам куясиз

Йирик корхонанинг йирик бўлимларидан бирининг шинам ва ёруғ хонасида тўрт киши савлат тўкиб ўтиради. Улар бир хонада ишлайдилар. Ҳатто уларнинг лавозимлари ҳам бир хил. Ҳар уч ойда ва байрамлар муносабати билан бериладиган мукофотларни ҳам бир хил миқдорда оладилар. Меҳнат таътили кунларини ҳисобга олмаганда улар ҳар кун ишга бир вақтда келиб, белгиланган вақтда кетишади. Улар ўзаро муомалаларидан гўё бир-бирлари билан иноқ ва меҳрибон одамларга ўхшайдилар. Аслида эса...

Кечирасизлар, андак фаромушлик қилиб, хонадаги бешинчи кишини унутиб қўйишимизга озгина қолибди. Бешинчи одам замонавий тилда айтганимизда, ушбу хонада ўтирган тўрт ходимнинг референти тўғриси, ёрдамчиси. Лекин унинг вазифа-

си анча оғир ва мураккаб. Олдин улар ҳам икки киши эди. Лекин корхона раҳбарига учта референт зарур бўлиб қолганлиги сабабли биттаси юқорига кўтарилиб кетди. Референтнинг вазифалари аниқ белгиланмаган бўлса-да, у қуйидаги юмушларни бажаради.

Айтайлик, хонанинг ўнг томонида ўтирган ходимга бир варақ қоғоз керак бўлиб қолса, у дарҳол референтга кўнғирок қилиб, «фалончи акангиздан менга бир варақ қоғоз олиб келиб беринг», – дейди буйруқ оҳангида. Референт ҳам қоғозни олиши лозим бўлган ходимга дарҳол кўнғирок қилиб, унинг қоғози бор-йўқлигини сўрайди. Агар у розилик берса, ходимнинг илтимосини айтади. Бўлмаса кутади. Референт қоғозни олиб, кирим-чиқим дафтарига қайд этиб, сўраган ходимга олиб бориб беради. Боришдан олдин эса, кўнғирок қилиб, ходимдан рухсат сўрайди.

Худди шундай ҳолат хонанинг чап томонида ёки кун чиқар томонида ўтирган ходимлар билан ҳам рўй бериши муқаррар.

Улар ҳам ўйлаб ўтирмасдан дарҳол референтга кўнғироқ қиладилар. Референт уларнинг сўровларини (илтимосларини эмас!) елиб-югуриб бажаради. Масалан, ходим бирор юмуш ёки топшириқ билан кетса, ёнидаги ходимни эмас, албатта референтни огоҳлантиради. «Буларга айтиб қўйинг, фалон жойга, фалон иш билан кетаётирман», дейди. Ва хонадан виқор билан чиқиб кетади.

Ходимларга кун бўйи гоҳ ручка, гоҳ коғоз зарур бўлиб туради. Улардан бири чой ичса, бири кофе хоҳлайди. Яна бирининг кўнгли музқаймоқ тусаб қолади.

Хуллас, референт уларга беминнат хизмат қилишдан асло чарчамайди. Тўрт нафар ходим эса бўлар-бўлмас ишларни референт зиммасига юклашдан мутлақо эринмайдилар. Улар референт учун ҳар куни янги-янги хизмат турларини ўйлаб топишни ўзлари учун шараф, деб биладилар. Ва бу ишларидан бениҳоя ҳузурланадилар.

Афсус-надоматлар бўлсинки, улар хонанинг кўзга яққол ташланадиган жойига йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган «Йўқолсин, бюрократизм!» деган шиорга ақалли қайрилиб қарамайдилар.

### Умр ўтар... бахт ўтар...

*Келса, ақлимни олар,  
Кетса, қарорим йўқ мани.*

МАХТУМҚУЛИ

*Укам Азимбойга!*

У куёш беминнат меҳр нурлари билан юзларига эринмай расм солган бу қорамайиз қизни тасодифан бозорда кўрди. Кўрди-ю, оҳудай жовдираб турган меҳрибон нигоҳига кўзи тушди. Қизнинг кўзлари узукка ўрнатилган олмос янглиғ чарақлаб турарди.

Йигит қизга парво қилмай:

– Ёнингиздаги жой... – дейиши билан қиз беихтиёр «бўш», деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Йигит анжир тўла тоғорани даст кўтариб, қиз кўрсатган растага қўйди. Сўнг растанни айланиб келиб, тоғорага ўралган гуллик матони ечди. Бир текис шодадай терилган, қуёшдай товланиб турган тилла ранг анжирларни сўровчи харидорлар кўпайди.

– Анжир қанча? – сўради харидорлардан бири. Йигит бозордаги нархдан бироз пастроғини айтган эди савдоси юришди.

– Уч кило ўлчанг!..

– Менга икки кило ўлчанг...

– Менга тўрт кило...

Қиз ўзига тегишли тарозининг палласини тутиб, дарҳол қўлма-қўл сотилаётган анжирлардан ўлчашиб юборди.

Йигит бир зумда анжирларини сотиб бўлди-ю тоғорасини қўлтиқлаб, тезгина жўнаб кетди. Қиз қошлари қалин, мўйловлари сабза урган, бир қарашда машҳур кино қаҳрамони Отабекни ёдга солувчи бу йигитни гўё тушида кўргандай бўлди. Фақат унинг дўпписи йўқ эди. Беғубор юрагининг бир жойи жи-

зиллаб кетди. Қиз юрагига бир безов-  
та куш кириб олгандай эди. Қизнинг  
хаёллари тўзиб, беихтиёр йигит кетган  
томонга тез-тез қарай бошлади. Ва бу  
ҳолатидан ўзи уялиб, негадир йигитни  
эсламасликка ҳаракат қилди. Лекин бу-  
нинг иложини топа олмади. Йигит унинг  
оромини ўгирлаган эди. Қиз кетиши ол-  
дидан йигитга астагина шивирлади:

– Эртага яна келасизми, ака?

– Келаман, – деди у ишонч билан.

Талаба йигит аслида ёзги таътилнинг  
охирги кунларини ота-онасидан хабар  
олай, қишлоқда соғинган дўстлар би-  
лан бир отамлашай, деб уйига – Ҳалланг  
қишлоғига келган эди. Қараса, анжир ғарқ  
пишиб, бодринглар палаклар остида соя-  
лаб, помидорлар бир-биридан ранг олиб  
роса қизарган...

– Мунча тез қайтдинг, ўғлим?

– Озгина арзон қилгандим, бирпасда  
сотилиб кетди, – деди у отасининг саволи-  
га жавоб бериб.

– Тўғри қилибсан, ўғлим. Қолган анжирларни ҳам териб, эртага бозорга олиб боргин. Ана бодринг, ана помидор ҳам бирер бўлиб пишиб ётибди. Қанчага сотсанг, ўзингга олавер, ўқишингга керак бўлади...

Йигит эрталаб бозорга борса, қиз аллақачон келиб, унга ҳам ёнидан кечаги жойни ҳозирлаб қўйган экан. Лекин йигит бозорнинг чеккасида савдо қилаётган отаси томондан узоқроқ қариндоши бўлган аёлни кўрмади. Қариндош ҳам бозорда савдо қилаётганини унга сездирмади. Йигитнинг эса бозорни айланишга вақти йўқ эди...

– Ассалом – биринчи бўлиб қиз бошини кўтармай салом берди.

– Салом, – деди йигит ва анжир тўла тоғорани яна даст кўтариб растага қўйиб, тоғорага ўралган матони ечди.

Бугун ҳам йигитнинг бозори чопди. Ана-мана дегунча анжир тўла тоғорани тинчитиб, «хайр», деганча жўнаб кетди. У гўё бозорга шамолдай келиб, яна шамолдай гойиб бўлди. Қиз бу гал ҳам у билан юрак

ютиб суҳбатлаша олмади. Ақалли исмини сўраб, каерда, нима билан машғуллигини билмоқчи эди. Бўлмади. Унинг сокин юрагига ғулғула солган, бир меъёрда тинчгина оқаётган сувни тўлқинлантирган бу йигит ким экан?

Ким экан, ким экан, бу ким экан?..

Қиз у билан тузукрок гаплашолмаганига кўнгли ғаш бўлди. Хайрият, «Эртага яна келасизми», деб сўрашга улгурди. Йигит «ха» деган маънода бош чайқади. Эртаси куни йигит бозорга икки қоп бодринг олиб келди. Яна қизнинг ёнидаги растада туриб савдо қилди. Қиз тушлик пайтида унга бир бўлак пишган товук узатди.

– Жуда мазали экан. Ўзингиз пиширдингизми?

Қизнинг йигитга мақтангиси келмай, бошини билинар-билинемас қимирлатди. Лекин таомнинг йигитга ёққанидан ичида хурсанд бўлди. Қиз товукни меҳр билан пиширган эди.

Йигит эртаси куни яна икки қоп бодринг ва қўлтиғида бир китоб билан келди.

Қиз одатдагидай унга ёнидан жой олиб қўйган эди ва қопдаги бодрингларни олиб, латта билан бирма-бир артиб, растага чиройли қилиб териб чикди.

Йигит омадли экан, яна бозори чаққон бўлди. Бу орада у ҳалиги китобни берилиб ўкиди. Китобдаги бир гўзал шеърни қизга ҳам илинди:

*Умр ўтар, вақт ўтар,  
Хонлар ўтар, тахт ўтар,  
Омад ўтар, бахт ўтар.  
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,  
Сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг...*

Шеър қиз қалбидаги чўғни гулханга айлантириб юборди. Йигитнинг ички бир дард ва ёқимли овозда ўқиган шеъри қизнинг юрагига ҳам гўё битилиб қолгандек эди.

Шеър олов эди, шеър ўт эди. Қизнинг юрагини ловуллаптиб юборди. Энди қиз йигитнинг асирасига айланган эди...

Қиз шеърни ёдлаб олмаган бўлса-да, унинг мисралари юрагининг аллақаерларини тирнаб ўтгани аниқ. У йигитдан ки-

тобни бир кунга сўраб олмоқчи бўлди-ю,  
ботинолмади, андак уялди. Эртага олиб  
келса сўрайман, деб ўйлади.

– Эртага яна келасизми?

– Албатта!

Қиз керакли нарсасини йўқотганига  
бир ҳафта бўлди. Бир ҳафтадан буён йи-  
гит унинг ҳаловатини ўғирлаган, ўй-хаёл-  
ларини банди этган.

Унинг кўзлари, қалби безовта, ҳатто  
томирларида оқаётган қон безовта. Ўша  
безовталик уни батамом чулғаб олган эди.

Қиз эс-ҳушини йўқотиб, аллақачон Лай-  
лига айланган эди... Хаёлида фақат йигит-  
дан эшитган мисралар чархпалакдек айла-  
нардди:

*Баҳорда бог на гўзал,  
Қор тушса тоғ на гўзал,  
Бу ёшлик чоғ на гўзал,  
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,  
Сўзсиз қарашларинг, ҳолим сўрашларинг...*

Йигит эртаси кунни бозорга келмади.  
Уни кеча оқшом отаси ёнига чақирди. Ота-

боланинг ўртасида шундай қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

– Кимнинг қизи?

– Билмайман.

– Иси ким?

– Сўрамадим.

– Қайси қишлоқдан экан?

– Билмайман ота. Бу ҳақда гаплашмадик.

– Бўлмаса нега ҳар куни бозорга қатнаёпсан?

– Ўзингиз айтган нарсаларни сотиб келяпман, холос.

– Нарсаларни фақат ўша қиз билан бир растада сотгин, деб айтганмидим?

– Қиз менга ҳар куни ёнидан жой олиб кўяди. Сотаман-у қайтаман. Орамизда ҳеч қандай гап йўқ.

– Йиғиштир. Энди бозорга бормайсан. Тамом.

– Хўп ота, бормаيمان энди ўша бозорга...

Бу – йигит бозорда кўрмаган қариндошининг иши эди...

Қиз уни эртаси куни, кейинги куни ва ундан кейинги кунлар ҳам кўзлари ни-

горон, қалби гирён бўлиб кутди. Уз-зоқ кутди, юраги орзиқиб, ўртаниб, йиғлаб, қон бўлиб кутди. Лекин йигитдан дарак бўлмади. Сувга ташланган тошдай йўқолди.

Унинг қалб дардларига йигит ўқиб берган шеър яна малҳам бўлди:

*Ой чиқар гоҳ заҳоли,  
Дўстлар кўндир вафоли,  
Ҳаёт шундан сафоли,  
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,  
Секин сўзлашларинг, тинҳон излашларинг...*

Қиз унинг исмини, манзилини сўраб-суриштирмаганига афсус қилди. Кимдан сўрашни, нима деб сўрашни билмай гаранг бўлди. Йигитдан унга фақат шоир Омон Матжоннинг «Умр ўтар» шеъри бир умрга ёдгор бўлиб қолди...

Пешонаси шўр экан, қизни ўзи севмаган бир йигитга узатишди. Қиз тақдирга тан бериб, тўйга рози бўлди. Гўё ёнидаги куёвбола бозорда учратган йигитга айланиб қолишини жуда-жуда истарди у...

Тўйга келган машҳур ҳофиз, машҳур  
кўшиғини дардли ва ўтли овозда куйлар эди:

*Умр-йўл, қайрилиш кўп,*

*Учрашиш, айрилиш кўп,*

*Унутиш айтилиш кўп.*

*Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,*

*Ўша кулишларинг, ўша келишларинг...*

### Кўшни ҳақи

Унинг отаси савдо тизимида ишлаган.  
Ҳар йили кузда уйининг дарвозаси олдига  
арзон нархда бар машина картошкани олиб  
келиб тўкарди. Катта кўчада яшайдиган  
кўни-кўшнилар копларда кўтарганларича  
картошкадан териб олишарди.

Эртаси куни кўшнилар бирин-кетин  
чиқиб «менинг қопимдаги картошка фа-  
лон кило экан», – деб инсоф билан пулини  
бериб кетишарди.

– Ота, нега бундай қиласиз, – деб сўра-  
ганида, отаси:

– Ўғлим, кўшнининг ҳам ҳаққи бор. Уни  
адо этиб туриш ҳам савобга киради, – дер-  
ди.

## Телеоила

Оила аъзоларим билан телеоиламиз, десам асло муболаға бўлмайди.

Гапни ўзимдан бошлайман: мен телевизорни яхши кўраман. Бўш қолдим, дегунча телепультни олиб телеканалларга бир-бир саёҳат қиламан.

Хотинимнинг кўлидан телефон тушмайди. Овқат қилаётганда, кир юваётганда, тикиш тикаётганда албатта унинг кулоғида телефонни эшитадиган телеаппарат бўлади. Бўлмай иложи йўқ. Қайнонасига ўчакишгандай келинимизнинг ҳам ётган-тургандаги яқин ҳамроҳи ва эрмаги телефон. Дастурхон атрофида ўтирганда, овқатланаётганда ҳам унинг кўлидан телефон тушмайди. Ҳатто икки ёшга тўлаётган набирамиз ҳам телефонни бергин, деб тўполон қилади. Телефонни олади-ю, тинчийди. Сўнг мусиқа кўйиб бергин, деб дадасини холи-жонига кўймайди. Бу вақтда дадаси ҳам берилиб телефон ўйнаётган бўлади. Бутун бир оила фақат телефон ўйнаса ғалати бўларкан...

Ўғлимнинг ҳам, қизимнинг ҳам қўлариди телефон. Биз ҳар сафар дастурхон атрофида ўтирганимизда, кўзларимиз телевизорда, қулоғимиз телефонда бўлгани бонс маъза қилиб гап еймиз.

Эрталаб ҳаммамиз телефон билан уйғонамиз. Ишга, ўқишга кетаётганда қулоқларимиз телефонда бўлгани боис хайрлашмаймиз. Мен ҳам зўрға телевидорни ўчириб, ноилож ишга жўнайман.

Айтмоқчи, менинг ҳам иккита чўнтак телефоним борлигини айтиш хаёлимдан кўтарилибди. Набираларим аллақачон сўнги русумдаги «Айпон» телефонларига ўтганлиги ва мунтазам «Планшет» ўйнаётганлигини айтсам ҳайрон бўлманг.

Биз янги замон анъанаси – телеоиламизга содиқмиз. Марҳамат, меҳмонимиз бўлинг, теледўстлар. Бир телелашиб кетасиз. Телетажриба орттирасиз. Теледастурхонда телезиёфат қиламиз...

## Почта қутисидаги оғу

У уйининг почта қутисидан ўз номига келган хатни шошилмай олди. Конверт чиройли эди. Хат кимдан ва қаердан келганлиги номаълум эди. Узоқ йиллар масъул лавозимларда ишлаган, нафақага чиққач, тадбиркорлик билан шуғулланаётган Сайфулло Сано хатни хонада бафуржа ўқийман, деб ичкарига кириб, ечиниб, креслога чўкди. Чўкди-ю, хатни очди. Хат қисқа бўлиб, унда шундай деб ёзилган эди:

«Сизга ва оила аъзоларингизга бевақт казо қилганлигингиз муносабати билан чуқур таъзия изхор этаман. Қачонлардир шундай оғир жудолик бўлишини билардим. Эл-юрт орасида ҳурматингиз бор экан, жанозада жамоа кўп бўлди. Жанозангизни машҳур қори ўқиди. Тобутингиз қўлма-қўл бўлиб кетди. Афсуски, бу жудолик манзарасини ўзингиз кўрмадингиз...

Охиратингиз обод бўлсин! Худойимдан Сизга сабр тилаб, дўстингиз И.И.Б.»

Сайфулло Санонинг дўстлари кўп эди. Уни яхши кўрадиган, самимий, бегараз

Ўғлимнинг ҳам, қизимнинг ҳам қўл-ларида телефон. Биз ҳар сафар дастурхон атрофида ўтирганимизда, кўзларимиз телевизорда, қулоғимиз телефонда бўлгани боис мазза қилиб гап еймиз.

Эрталаб ҳаммамиз телефон билан уйғонамиз. Ишга, ўқишга кетаётганда кулоқларимиз телефонда бўлгани боис хайрлашмаймиз. Мен ҳам зўрға телеви-зорни ўчириб, ноилож ишга жўнайман.

Айтмоқчи, менинг ҳам иккита чўнтак телефоним борлигини айтиш хаёлимдан кўтарилибди. Набираларим аллақачон сўнг-ги русумдаги «Айпон» телефонларига ўтганлиги ва мунтазам «Планшет» ўйна-ётганлигини айтсам хайрон бўлманг.

Биз янги замон анъанаси – телеоила-мизга содиқмиз. Марҳамат, меҳмонимиз бўлинг, теледўстлар. Бир телелашиб кета-сиз. Телетажриба орттирасиз. Теледастур-хонда телезиёфат қиламиз...

## Почта қутисидаги оғу

У уйининг почта қутисидан ўз номига келган хатни шошилмай олди. Конверт чиройли эди. Хат кимдан ва қаердан келганлиги номаълум эди. Узоқ йиллар масъул лавозимларда ишлаган, нафақага чиққач, тадбиркорлик билан шуғулланаётган Сайфулло Сано хатни хонада бафуржа ўқийман, деб ичкарига кириб, ечиниб, креслога чўкди. Чўкди-ю, хатни очди. Хат қисқа бўлиб, унда шундай деб ёзилган эди:

«Сизга ва оила аъзоларингизга бевақт қазо қилганлигингиз муносабати билан чуқур таъзия изҳор этаман. Қачонлардир шундай оғир жудолик бўлишини билардим. Эл-юрт орасида хурматингиз бор экан, жанозада жамоа кўп бўлди. Жанозангизни машҳур қори ўқиди. Тобутингиз қўлма-қўл бўлиб кетди. Афсуски, бу жудолик манзарасини ўзингиз кўрмадингиз...

Охиратингиз обод бўлсин! Худойимдан Сизга сабр тилаб, дўстингиз И.И.Б.»

Сайфулло Санонинг дўстлари кўп эди. Уни яхши кўрадиган, самимий, беғараз

дўстлари билан бирга, унга ҳасад қиладиган, кўролмайдиган қитмир «дўст»лари ҳам етарлича топиларди. Унинг шоншухрати, бойлиги, одамлар орасидаги обрўйи айрим «дўст»ларига тинчлик бермасди. Айрим дўстлари унинг ютуқларидан куйиб-ёниб кетарди...

У хатда бош ҳарфлари кўрсатилган дўсти борлигини эслай олмади. Хатни ўқиб бўлиши билан юраги сиқилди. Нафас олиши оғирлашди. Сўнг юрагини чангаллади-ю, ўзини креслонинг суянчиғига ташлади...

## Тўн

Маҳаллага янги бир қўшни кўчиб келибди. Уни бир ёмон қилиғи бор экан. Қўшнилар тўй қилса, албатта тўйда жанжал чиқариб, тўполон қиларкан. Маҳалладошлари олдин бунга хайрон қолишибди. Сўнгра танбеҳ беришибди, ўртага олиб кўп гапиришибди. Натижа бўлмабди. Сўнг улар унинг беъмани қилиғига кўникиб кетишибди. Шу маҳал-

лада бир ақлли одам яшаркан. У тўй қилмокчи бўлибди. Тўйдан бир кун олдин ўша уришқок қўшнини уйига меҳмонга чақирибди. Уни яхшилаб зиёфат қилибди. Кетишидан олдин елкасига янги тўн ёпибди. Ва уни эртага бўладиган тўйга яна бир бор таклиф қилибди.

Тўй бошланибди. Ҳамма қўни-қўшнилари қаторида ҳалиги уришқок ҳам тўйга келибди. Ҳамма қатори еб-ичибди. Лекин ўша куни тўйда жанжал қилмабди. Қўшнилари ҳайрон бўлиб, тўйдан қайтишда нега унинг жанжал қилмаганлиги сабабини сўрашибди.

– Э, қўшнижонлар, кеча тўн кийганиман, тўн! – дебди у.

### Кечикиб ўқилган китоб

Ёзувчи янги китобини бир таниш Амалдор оғайнисига дастхат ёзиб берди. Кейин улар кўп бора кўришдилар, маърака ва тўйларда учрашдилар. Лекин Амалдор китобдан сўз очмади. Ёзувчи ҳам бун-

дан ўқсимади. «Иши кўп, китоб ўқишга вақти йўқдир-да», – деб ўйлади.

Ҳаёт бир маромда силлиқ кечмас экан. Амалдор мансаб курсисида ўтирганида жиғилдон касали туфайли кўлга тушиб, жазони ўташга маҳкум этилди...

Орадан маълум вақт ўтиб, Амалдор амаллаб озодликка чиқди. Қимтиниб-қистаниб кўни-қўшниларникида бўладиган маъракаларга чиқа бошлади.

Бир куни улар тасодифан учрашдилар.  
– Илоё, ёмон кунлар ортда қолиб кетган бўлсин, оғайни, – деди Ёзувчи.

– Зонада ҳам бекор ўтирмадим. Кутубхонасида сизнинг китобингиз бор экан... Шунинг тўлиқ ўқиб чиқиб маза қилдим. Жуда қизиқарли экан – деди собиқ Амалдор, унинг бир вақтлар ёзиб берган китобининг номини айтиб.

– Яхши қилибсиз, оғайни. Лекин китобни ўқиш учун у ёққа бориш шарт эмасди-ку? – деди Ёзувчи афсус билан.

## Жалойир

Болалигимда Жалойир кўзларимга жуда катта бўлиб кўринарди. Хаёлимда унинг поёни, чек-у чегараси йўқдай эди. Раҳматли устозимиз – жуғрофия муаллими Баҳрон ака Мардонов кўрсатган глобусдан ҳам улкан эди гўё.

Йигитлик пайтимда Жалойир янада гўзал, янада тароватли, чўғлари ўчмайдиган олов бўлиб кўринди. Унинг янтоқлари энг чиройли гулга ўхшарди, оёқларимга кирса хузур қилардим. Қасоба каналида жўраларим билан чўмилгандаги роҳатни қайтиб ҳеч бир жойда кўрмадим. Жалойирлик бир сулувнинг юрагига юрагимни умрбод бойладим...

Энди Жалойир менга бобомдай донишманд, бувимдай меҳрибон бўлиб кўринади. Ота-онамдай йўлларимга зор-зор термилади. Бу ўтиб кетган азизларнинг рухларига мудом дуо қиламан.

Жалойир ҳамиша яхшилик ва меҳрдан сабоқ бериб келади...

Жалойир – мени майда туйғуларга ўралашиб юришимни истамайди. У ҳамон кенг ва улуғ бўлишга чорлайди. Ўйлаб кўрсам, Жалойир онажоним, жонажоним Ўзбекистон экан!..

## Қор

Бобо билан набира оппоқ марварид мисол ёғаётган қордан ўзларича завқландилар.

Кўзларида олов порлаб турган набира тизза бўйи ёкқан қордан «шар» ясаб атрофга отади. Қийқириб қорга юмалайди, кулади, яйрайди...

Набиранинг завқ-шавқини кўриб, бобонинг болалиги эсга тушади. Қор гўё бобонинг умрини элаётганга ўхшайди. У қанчалар жозиба, тароват ва латофат билан ёғмасин, бобонинг ўтган шиддатли умрини ортга қайтара олмайди. Бу – ҳаёт қонуни. Энди бобонинг набирага ўхшаб қорбўрон ўйнашига кўлидаги оғир асо йўл бермайди. Чунки, асо уни гўё қорга михлаб туради.

Қор эса набиранинг ҳайрат билан пир-  
пираётган киприкларига қўнади...

## Ёқуб қани?

### *Ўтмиш ҳангомаси*

Ҳашаматли бинонинг ҳашаматли зали  
лик тўла одам. Залда ўтирганларнинг ни-  
гоҳлари сахнадаги улкан минбарга қа-  
далган. Минбарни маҳкам қучоқлаб олган  
вилоят фирка қўмитасининг биринчи коти-  
би йил якуни ҳақида кўтаринки руҳда маъ-  
руза қиляпти. Залда мудраб ўтирганларни  
тез-тез янграётган гулдурос қарсақлар  
овози сергак торттириб турибди.

— Бу йил пахта, галла режасини 150  
фоизга, гўшт, тухум, сариеғ етиштириш-  
ни 130 фоизга ошириб адо этдик. Хуллас,  
партиямиз белгилаб берган вазифаларни  
шараф билан бажардик, — деб маърузаси-  
ни тантана билан тугатди. Яна гулдурос  
қарсақлар янгради. Сўнг котиб залдаги-  
ларга юзланиб: — Кимда савол бор, — деди.

Залнинг бир четида маърузани марок билан тинглаб ўтирган Ёқуб секин қўлини кўтариб савол берди:

– Мана сиз гўшт, ёғ, тухум режаларини ошириб бажардик, дедингиз. Айтган гапларингизни қўллаб-қувватлаган ҳолда сўрамоқчиманки, нега бу маҳсулотлар дўконларимизда кўринмайди?!

– Ўтиринг! Бу саволингизга ёзма равишда жавоб берамиз! – деди биринчи котиб минбарни муштлаб. Яна қарсақлар овози гумбурлади.

... Орадан бир йил ўтди. Яна ўша ҳашаматли зал, яна ўша «ура-ура» руҳидаги йил якунига бағишланган йигилиш. Яна ўша улкан минбарда баландпарвоз рақамлар тилга олинди. Маъруза сўнгида биринчи котиб одатдагидай яна залга юзланди:

– Кимда савол бор, марҳамат! – деди.

Залнинг бир четида ўтирган Ёқубнинг дўсти Исоқ аста қўлини кўтарди.

– Режаларнинг қанча фоизга ошириб бажарилганлигига ҳеч қандай эътирозим

ҳам, шубҳам ҳам йўқ. Битта саволим бор  
холос!

– Айтинг.

– Ёқуб кани?!.

### **Сабр қилган келин**

Болалигимда бобом билан Поткорон  
қишлоғига меҳмонга борган эдик. Уй эга-  
си бобомнинг ашаддий муриди эди.

Уйда бир сулув келинчак елиб-югу-  
риб хизмат қиларди. Лекин бу гўзал  
аёл мендан негадир кўзларини узмасди.  
Менга қандайдир илтижоли боқарди. Гўё  
кўзларида бир олам меҳр мужассам эди.

Мен қўшни болалар билан бироз ўйнаб,  
яна ўша хонадонга қайтдим. Бироз бобом-  
нинг ёнида ўтирдим. Чой олиб кирган ке-  
лин мени имлаб чақирди.

– Бу ёққа кел болакай. Исминг нима?

– Мардон.

– Нечанчи синфда ўқийсан?

– Биринчини битирдим.

— Мунча кўзларинг чиройли, Мардон-  
жон?..

Келин чўнтагидан қоғозли конфет чи-  
кариб, менга узатди. Ширинликка ўчлигим  
туфайли, дарҳол конфетга кўл чўздим.

Ҳовлида ҳеч ким йўқлигини кўриб, ке-  
лин мени ошхона томон имлади. Ўзи ош-  
хонага кириб, сўнг мени чақирди.

— Кел Мардонжон, бу ёққа кир — деди  
астагина.

Унинг меҳр билан чақираётганидан  
ийиб ошхонага кирдим. Шунда кутилма-  
ган бир ғалати воқеа рўй берди.

Келин шартта менга ўгирилиб, маҳкам  
бағрига босиб, юз-кўзларимдан ўпа бош-  
лади. Сўнг унинг чиройли кўзлари ёшга  
тўлди. Бу қайноқ ёшлар юзларимга тег-  
ди. Жуда ғалати бўлиб, негадир юрагим  
тўлиб-тошиб менинг ҳам йиғлагим келди.  
Келиннинг нега бундай қилаётгани сабаб-  
ларини тушунмадим.

Мени ҳали на онам, на бувим, на амма-  
холаларим бундай ҳаяжонли меҳр билан  
ўпишмаган эди.

Келин ўпишдан тўхтаб, мени бир лахза бағрига қаттиқ босиб турди. Ундан даланинг хушбўй ҳиди келарди. Шунда унинг юраги тез-тез ураётганлигини ҳис қилдим.

Келин мени астагина бағридан бўша-тиб, кўзларида ёш билан қўлларини очиб «Оллоҳим, художоним...» деб пичирлай бошлади.

Мен нима бўлганини англаб етмай югуриб бориб, бобомнинг ёнига кирдим. Бобом муриди билан берилиб суҳбатлашиб ўтирарди...

Кечки овқатни емай ухлаб қолдим.

Эрталаб хайрлашаётганимизда, келин-чак: «Яна меҳмон бўлиб келгин, Мардон-жон, яхши бор», деди ўша меҳр билан бизни кузатар экан.

Меҳмондан қайтишимиз билан бу воқеа ҳам эсимдан чиқиб кетди. Лекин келиннинг қайноқ ва меҳрли ўпичларини анчагача унутолмадим.

Орадан бир йилми, ундан кўпроқ ўтибми, бобомнинг муриди бизникига меҳмон

бўлиб келди. Мен меҳмонга кўрпача тўшаб, дастурхон ёздим. Бобом фотиҳа қилди.

— Мулла бобо, Худойимдан ўргилай набира берди. Ўғлим ҳам ниҳоят фарзандли бўлди. Келинга раҳмат, беш йил чидади. Оллоҳ сабр қилган қулини ноумид қолдирмайди, — деди меҳмон ва бобомга юзланиб, — мулла бобо, худо берган набирани бир дуо қилинг, — деди.

Бобом сабр қилган келиннинг дунёга келган фарзандини узоқ дуо қилдилар...

Мен кейинчалик, ёшим анча улғайгач у аёл мени нега багрига босиб, юз-кўзларимдан ўпганини, юраги тўлиб-тошиб йиғлаганини ва бутун вужуди билан Оллоҳга илтижо қилгани сабабларини тушуниб етгандай эдим. Билдимки, Оллоҳнинг даргоҳи кенг.

### Шўрлик қуён

Қуён узоқ йиллар изланиб, минг машаққатлар билан ижод қилиб китоб ёзди. Завқи ичига сиғмай китоб қўлёзмасини ўқитиш

учун дастлаб Тулкига олиб борди. Тулки китобни обдан ўқиб чиқиб, жўяли хато тополмагач, бир жойида вергул қолиб кетганини рўкач қилиб, уни тузатган бўлди. Ва китобга ўзини муаллиф сифатида қўшиб қўйди. Куён эътироз билдирмади.

Куён яна кўнгли тўлмай китобни Бўрига кўрсатди. Бўри ҳам эски кўзойнагини тақиб, креслода узок ўтириб, қўлёзмани ҳижжалаб кўздан кечирди. Бир ўринда нукта қўйиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, у ҳам муаллифлар қаторига ўзини тиркаб қўйди.

Куён ноилож бунга ҳам кўнди ва яна боши қотди; китобни ўрмон сардори – Шерга кўрсатмаса бўлмайди. У китобни бағрига босганча Шернинг ҳузурига югурди. Шер эринмай китобни қайта-қайта варақлади. Лекин хато тополмади. Ва охири, «Куён бу ерда нима қилиб юрибди», деб уни муаллифлар рўйхатидан ўчирди.

Шўрлик куённинг боши қотиб, ҳайратдан қулоқларини ушлади...

## Минбар

### *Шўродан қолган манзара*

Бу минбар темир-бетондан ишланган бўлиб, ниҳоятда мустаҳкам эди. У қандай қурилган бўлса, шундай, яъни етмиш йилдан ортиқ кўкқайиб турди. Фақат минбар мезанасида салобатидан от ҳуркадиган амалдорлар сафи – баъзан аҳён-аҳёнда, баъзан тез-тез ўзгарарди холос. Маърузалар бир хил, чапаклар бир хил, шиорлар бир хил, ваъдалар ҳам бир хил эди. Минбарларда фақат ёлғон садолар янграрди. Бу ёлғонлар нутқлардан нутқларга кўчарди. Ва зудлик билан бутун мамлакатга тарқаларди. Одамлар ана шу ширин ёлғонларга етмиш йил ишониб яшадилар. Минбарда турган ҳайкалсимон кимсалардан туну кун нажот кутдилар. Кутганлари эса охир-оқибат сароб бўлиб чиқди. Ваъда қилинган бахтли ҳаёт, нурли келажак – қатагон билан сийланди. Асосий калтак истеъдодлар бошида синди.

Ўлимдан кутулганлари сургун азобини тортдилар. Ҳақиқат оёқ ости килинди, инсон кадр-қиммати аёвсиз топталди. Тўғри сўз ўрнини батамом ёлғонга бўшатиб берди. Ҳақ сўз қаҳат бўлди.

Ёлғонларга доя бўлган бу минбар энди ҳувиллаб қолди. Одамлар ундан ҳазар қиладилар.

### Бир пой этик

Музейдаги кўргазмага бир пой кирза этик қўйилган. Этикнинг йиртилган жойлари чиройли қилиб ямалган. Обдан мой суртиб, ялтираган этикнинг ёнидаги тахтачада шундай ёзув бор: «Этикнинг иккинчи пойи Берлинда қолиб кетган».

### Кечга қолган одам

У доим кечга қолиб юрарди. Мактабга борган куни ҳам кечга қолгани эсида.

– Кечга қолиш ёмон, бу ярамас одатни ташлагин, – деганди ўшанда ўқитувчиси.

Лекин у қанчалар ҳаракат қилмасин бу «ярамас одат»ни ташлай олмади. Айтишларича, онаси уни ой кунидан анча вақт ўтказиб туққан экан. Онасини «Келин, нима бало туя гўшти еганмисиз?» – деб бувиси койиган. Сўнг бувиси бобосига айтиб, сўраб-суриштириб, чўлдаги бир қозоқ ошнасидан туянинг жунини олдирибди. Уни исирикқа кўшиб тутатиб, онаси шўрликни тутуннинг устидан ўтказган экан. Шунда ҳам онасининг ўн ой деганда кўзи ёрибди. Чакқон, ғайратли ва уддабурон бўлсин, деб унинг исмини Ғайрат кўйишди...

Кечга қолиб-қолиб Ғайрат мактабни тугатди. Гоҳ дарсларга, гоҳ имтиҳонларга кеч қолиб, институтни ҳам амаллади. Кечикиб бўлса ҳам диплом олди.

Ва ниҳоят кечга қолиб уйланди. Тўйи куни келинникига ҳам кечикиб боргани рост. Оқибатда келиндан таъна-дашномга қолган.

Унинг кечга қолиш одатига оила аъзолари, қариндош-уруглари, дўст-у биродар-

лари аллақачон кўникиб кетишганди. Ул-  
фатлари кечга қолишини билиб, чойхонада  
унинг насибасини қозонда қолдиришарди.

Кечга қолиш Ғайрат учун айб ёки кам-  
чилик саналмасди. Одатий бир ҳол эди.  
Унинг кеч қолиши ҳаётий ҳодисага айлан-  
гани учун хотини мактабга – ота-оналар  
мажлисига, раҳбари эса бирор-бир маж-  
лисга юбормасди.

Кечикиб-кечикиб, кечга қолиб-қолиб,  
умри қандай ўтганини билмади, билолма-  
ди.

...У бир куни ишга, ҳа, айнан ишга та-  
содифан эрта келди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам  
қирқ йил ишлаган ишхонасига биринчи  
марта эрта келди. Бу унинг ҳаётида улкан  
ва унутилмас воқеа эди. Ишонинг!... кел-  
са, ишхонада ҳеч ким йўқ. Ҳаммаёқ жим-  
жит. Йўл-йўлакай харид қилган газетаси-  
ни варақлаб, ўзининг бевақт қазо қилгани  
ҳақидаги совуқ хабарни ўқиб, кўнгли бузи-  
либ дарҳол уйига чопди. Афсус, надомат-  
лар бўлсинки, у қанчалар елиб-югурмасин,  
қанчалар ҳансираб, қанчалар хориб-толиб

чопмасин яна кечга қолган эди. Тобутни аллақачон кўтариб кетишибди.

### Ландавурнинг бахти

— Ҳой, лапашанг, қачон одам бўласан, қачонгача лаллайиб юрасан? Қўлингдан бир иш келмайдиган ландавур бўлиб ўсаяпсан? Катта бўлсанг, кунингни кўролмайдиган шалпайган дардисар бўласан?..

Отаси ҳар сафар Нормуродни юқоридаги сўзлар билан қойишдан асло эринмасди. Бундай танбеҳларни онаси, бобоси, бувиси ва баъзан қариндош-уруғларидан эшитавериб, унинг кулоқлари қотиб қолган эди. Лекин нимадир бир мўъжиза кўрсатиб, уни камситганларни ҳайратга солишни кўпдан кўнглига тугиб юарди.

Ўша мўъжиза рўй берадиган шовшувли кун келди. Танбеҳлардан тўлиб ва тўйиб кетган зада кўнглида қандайдир ғайрат пайдо бўлди. Қўшнисининг меҳмонга кетганлигидан фойдаланиб атрофида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, унинг ховлисида донлаб юрган

товуқлардан бирини аста нишонга олиб, томоғидан шартта бўғди.

Товуқнинг овозини чиқармай бағрига босиб ҳовлисига олиб кириб, молхонага қамади. Оёқларидан боглаб қўйди. Товуши чиқмасин деб, олдига бир сиқим дон ҳам сепди...

Бу ҳайратли воқеани эшитган заҳоти отаси бениҳоя хурсанд бўлиб, ўғлини бағрига маҳкам босди. Белидан кўтариб, бир-икки айлантирди.

– Яша, ота ўғил! Бопладинг! Бор экансан-ку!.. Зўр иш қилдинг, ўғлим!..

Меҳмондан эрта қайтган қўшни йўқолган товуғини сўраб-суриштириб чиқди.

Нормуроднинг отаси қўшнини хилват жойга бошлаб, ялинишга тушди:

– Қўшнижон, биласиз-ку, болам роса лапашанг. Қўлидан бир иш келмайдиган ландавур. Ўн бешга кириб биринчи марта шундай жасорат кўрсатган экан, бола-нинг шаштини қайтармайлик, ғайратини сўндирмайлик қўшнижон. Мен товуғингизни пулини тўлайман. Айтинг, қанча

бўлади? Икки баробар тўлайман. Лекин бу ҳақда унга бир оғиз ҳам гапирманг. У билмагани маъкул. Келинг, қўшнижон, ҳўп десаңгиз, боланинг шаштини сўндирмайлик. Шу-шу у ландавурлик дардидан қутулиб кетса, бахти очилса, нима дейсиз?.. Жон қўшнижон, шу боланинг гуноҳидан кечинг!..

Отанинг астойдил ялинганини кўрган қўшни индамади. «Розиман» ишорасини қилиб нари кетди. Отанинг ўғлидан хурсандлигини таърифлаш қийин... Ўғил эса бу пайтда бошқа бир қўшнининг товукларини пойлаб юрган эди.

### Жон ширин

«Тиббий тез ёрдам» машинаси етиб келганда, хонадондагилар грипп азобидан лат еган илондай қимирламай ётарди. Барча хоналардан исириқ хиди келарди. Ўтқир шамоллаш уларни анчагина ҳолдан тойдирган эди. Рўпарадаги хонада ота-болалар ётишарди. Отанинг иссиғи

юқори бўлишига қарамай, аҳволи нисбатан яхшироқ, болаларнинг эса иссиғи бироз баланд эди. Кичик хонада онаси билан ётган гўдак оғир-оғир ҳансираб, йўталиб кўярди. Залнинг бурчагидаги диванда инқиллаб кампир ётарди.

Врач тиббиёт сумкасини титкилаб, бир дона укол топди. Шамоллаш мавсуми бўлганлиги боис, врач бир чақирув жараёнида бирин-кетин саккизта хонадонга кирган, бу тўққизинчиси эди.

Хонадондаги вазият анча мураккаб, лекин врачда бор йўғи бир дона укол қолган эди. Врачнинг боши қотди; уколни кимга қилиш керак?..

Хонадон эгасини дорихонага юборай деса, унинг ҳам аҳволи дуруст эмас, шамоллаши янада баттар бўлади.

— Болам, ўша уколни менга қила қолинг, вой жоним, — деди кампир хаста овоз билан инқиллаб.

— Бувижон, ўзи бир дона қолибди, — деди врач.

Кампир оғир хўрсинди ва инқиллашда давом этди.

Уколнинг бир дона қолганини эшитган она, гарчи ундан умидвор бўлиб ётса-да, лекин уни гўдагига қилиш лозимлигини айтмоқчи бўлди. Лекин ҳароратнинг зўрлигидан овози чиқмади.

Бу оғир вазиятдан ота ҳам хабардор бўлиб ётарди. У уколни ёнида ётган ўғилларининг кичкинасига уришларини истарди...

Врач узоқ ўйлаб ўтирмасдан, ўша бир дона иссиқ туширадиган уколни чўғдай қизиб ётган гўдакка қилди. У чийиллаб йиғлади.

Кампирнинг ҳамон инқиллаб: «менга қилинг, болам» деган илтижосини врач эшитмади.

Шарти кетиб парти қолган кампир саксон ёшдан ошган бўлиб, ҳаётга ташна эди. Жон ширин, деб шунга айтсалар керак-да!

## Дуо

Машхур шоиримиз Абдулла Ориповнинг сўнгги йиларда ёзган шеърларини алоҳида китоб ҳолида чоп этдик. Устоз «Янги шеърлар» деб номланган китобини кўриб, бениҳоя хурсанд бўлдилар.

– Мени бир вақтлар устоз Абдулла Қахҳор эъзозлаб, шундай марҳамат кўрсатиб, хурсанд қилиб сийлаган эдилар, – деди устоз қўлларидаги янги китобга завқ билан термилиб. Сўнг давом этдилар: – Ҳар қанча раҳмат айтсам, арзийдиган иш бўлибди, ука!..

– Дуо қилинг, Абдулла ака, дуо. Сизнинг дуоларингиз ижобат бўлади – дедим.

– Ука, етмиш йил дуо қилдим, лекин дуоларим эгасини тополмади. Энди Сизларни дуо қиламан. Илоҳим, доимо ишларингиз ривож топиб, китобхонлар сафи кўпайсин!..



## ЭСАР ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ

### Эссе

Бола баҳайбат Амударёни кўриб, ҳайратга тушди. Тушди-ю, кичик кўзлари беихтиёр катта-катта бўлиб кетди. Жажжи юрагида ажиб бир ҳаяжон ва меҳр уйғонди. Ва бу меҳр туфайли унинг тақдири, ҳаёти ана шу азим дарё билан умрбод боғланганини у ҳали билмасди. Энди бу тақдирлар эгизак бўлди...

Бобоси Худойшукур уни уйларида олис бўлмаган Амударёга олиб борди. Улкан ва баҳайбат дарёни кўриб, ёш Отажоннинг беғубор юрагига оловми, чўғми тушгандай бўлди. Бўғзиға нимадир тикилиб келаверди, келаверди... Йиғлай деса, йиғига ўхшамайди. Куйинай деса, унданда оғирроқ, дардлироқ нарса. Бу қандай дард, қандай оташлигини боланинг мурғак қалби билмасди.

У дарёга хайрат билан боқиб, ички бир чексиз меҳр билан узоқ термилиб, хаёл суриб қолди. Кутилмаганда ажиб бир мўъжиза рўй берди. Дарёнинг улкан хайбатидан, қирғоқларга урилаётган тарам-тарам беозор тўлқинлар зарбидан, гоҳ чапа-роста бўлиб буралиб-буралиб, гоҳ сокин оқаётган дарё салобатидан унинг ёш юраги жўшиб кетиб, қайнаб-тошиб бўғзида бир куйни аста хиргойи қила бошлади. У гўё дарёга жўр бўлиб куйлаётган эди. Қайсидир дostonдан эшитган бу куй дилида дарёдай қалқди. Дилидаги бўғзига кўчди. Сўнг у сеҳрга йўғрилиб кўшиққа айланди. Шунда овозини дарё узра эркин кўйиб куйлай бошлади. Бу мўъжизанинг қандай рўй берганлигини унинг ўзи ҳам сезмай қолди.

Буни эшитган бобоси ҳаяжонланиб: «Балли болам, балли! Жайхун дарё сенга илоҳий мўъжиза кўрсатиб, кўшиқ ҳадя этди. Бу кўшиғинг умрибоқий, дарёдай жўшқин ва теран бўлсин. Сени Ошиқ Ойдин пир қўлласин, илоё!» – деб дуо қилди.

Бу сирли ҳодиса Отажоннинг ўнгида  
рўй бердими ё тушидами — у билолмади.  
Билолмай лол эди. У кўп бор эшитиб, юра-  
гига ўрнашиб қолган ўша кўшиқни ҳамон  
хиргойи қиларди:

*Тушимда бир булбул кўрдим,  
Учиб келмиш гулзориннан...*

Сўнг яна бир кўшиқнинг сатрлари ёди-  
га тушди:

*Нечук зотсан — ақлу ҳушим олибсан?  
Гавҳармисан ё дурмисан, намасан?..*

\* \* \*

1944 йил 4 октябрда Қорақалпоғистон  
Республикасининг Тўрткўл шаҳрида ту-  
ғилган Отажон Худойшукуров болали-  
гидан кўшиқ санъатига меҳр қўйди. Бу  
меҳрнинг уйғонишида дойиси, элга та-  
нилиб қолган созанда ва ҳофиз Йўлдош  
тақирнинг хизматлари катта бўлган. Бу  
инсон Хоразм халқ ашулалари ва мум-  
тоз кўшиқларини маҳорат билан куйлар-

ди. Тўрткўлнинг тўй-маъракалари усиз ўтмасди. Эсини таниган, куй-қўшиқнинг «маза»сини тушуна бошлаган ёш Отажон ҳам дойисига эргашиб тўйларга борадиган бўлди. Баъзан рубоб ёки торни эп-лаб кўтаролмаса-да, жажжи кўлларига олиб тинғирлатишни хуш кўрарди. Ва бу машғулотидан ўзи олам-олам завқ оларди. Аста-секин Йўлдош дойисига қўшилиб, у ҳам қўшиқ хиргойи қиладиган бўлди.

Дойиси Отажондаги қизиқиш ва қо-билиятни сезиб, у билан астойдил шуғул-ланар, боладаги истеъдодни тезроқ рўёбга чиқаришга интиларди. Бу заҳматлар зое кетмади.

Отажон саккиз-тўққиз ёшларида ўзига хос овозда қўшиқ куйлай бошлади. Уйи-дагилар ундаги қўшиқ куйлашга бўлган иштиёқи ўткинчи эмаслигини, келажакда ҳамма ҳавас қиладиган ажойиб истеъдод эгаси бўлиб етишишига катта умид билан қарадилар.

У Нукусда бўлиб ўтган ёш истеъдод-лар кўрик-танловида катнашиб, биринчи

ўринга лойик топилди. Эҳ-ҳе, ўшанда у олам-жаҳонга сиғмай кетди. Жажжи юраги гўё Жайхундай тўлиб-тошди, Жайхундай тўлқин урди. Орадан кўп вақт ўтмай, Ўзбекистон бўйича ўтказилган ушбу кўрикда яна голиб чиқиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Шундай қилиб унга омад эшиклари бир-бир очила бошлади.

Энди шодлигининг, қувончининг чек-чегараси йўқ эди. У кўшиқ олами сари дадил қанот қоқарди. Бундай ҳаяжонли дамларда яна Жайхун томон чопарди. «Оллоҳнинг буюк мўъжизаси бўлган – Жайхуним-онажоним, мен яна келдим. Сени жуда-жуда соғиниб келдим. Менга куй бер, кўшиқ ҳадя эт, азим дарё! Мен сендай жўшиб, сендай сокин куйлашни орзу қиламан, Жайхуним. Лекин ҳеч кимга ўхшамаган овоз билан мухлислар қалбига кириб боришни истайман.

Менга жасорат бағишла, куч-қувват бер, янги-янги наволар ҳадя этгин, улуғ дарё!» – деб хаёлан Жайхунга илтижо

киларди, Оллоҳга қайта-қайта илтижо қилиб, жонажон ва қадрдон дарёсидан мадад сўрарди.

Оллохнинг инояти билан дарё унинг орзу-армонларини рўёбга чиқишида ҳамيشа мададкор бўлиб, руҳий қувват бағишлади...

Қўшиқчи камол топиб, вояга етиб бораркан, Жайхун ҳам унга мададкор, руҳий кўмакчи бўлиб қолаверди. Шу боис у дарё билан умрбод меҳр-муҳаббат ришталарини мустаҳкам боғлади.

У Жайхундан илҳом олди. Илҳом билан бирга дарёдай гоҳ жўшиб, гоҳ сокин, гоҳ маҳзун куйлашни ўрганди. Ўз ижро услубини излади. Излаб-излаб топди.

Хонанда илк кўшиқлари билан тингловчилар қалбига дарёдай оқиб кирди. Уларнинг юракларини дарёдай забт этди.

Отажон Худойшукуров кўшиқларини эшитган устози – улкан санъаткор, машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов унга шундай таъриф бериб, башорат қилган эди:

«Амударёнинг нариги томонида худо берган овози билан тенгдошларидан ажралиб турадиган, истеъдодда тенги йўқ бир ҳофиз йигит бор. Уни Отажон Худойшукуров дейдилар. Хоразм санъатининг эртанги булбули ва фахри шу йигит бўлади. Унинг овозидаги имкониятлари жуда чексиз...»

Яхши кўшиқ қалдирғочлар уйларга яйраб кириб келганидек, мухлислар юрагига тез етиб боради. Отажон ака ижро эта бошлаган лирик, мумтоз ашулалар ва сувораларнинг парвози дадил ва юксак бўлди. Мухлислари сони ортиб бораверди, бораверади...

У устозлари каби сахнани муқаддас деб билди. Айрим ҳавойи хонандаларга ўхшаб, ўзини сахнанинг эгасиман, хоҳлаганимни қиламан, деб ваъзхонлик ва сафсатабозликка берилган эмас. У сахнада ўзини янада хокисор, янада камтарин тутарди. Бир сўз билан айтганда сахна маданиятини пухта ва юксак даражада эгаллаган санъаткорлардан эди.

У устози Комилжон Отаниёзовдан ижро маҳоратини ўрганиш билан сахнанинг бир сеҳрли сирини ҳам ўрганиб олган эди. Яъни, биринчи қўшиқ билан мухлисларни забт этишни, яъни, биринчи нола ва куй билан уларнинг қалбларини нишонга олишни, мухлис ҳофиз ижросига бир берилдими, тамом, концерт охиригача унинг сеҳридан, жозибасидан чиқиб кетолмаслигини теран англаб етди...

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Отажон Худойшукуров қўшиқларини дарё бўлиб, дарёдай жўшиб, мавжланиб эшитиш мухлисларга ҳар сафар хузур-ҳаловат, рухий байрам бағишларди.

Репертуар — санъаткорнинг истеъдодини ва ижро маданиятини белгиловчи кўзгу, дейиш мумкин. Отажон Худойшукуров устози Комилжон Отаниёзовдан репертуар яратиш санъатини ҳам ўрганди. Унинг қўшиқлари ҳамон у яратиб кетган репертуарининг тож асарлари бўлиб келаётир. Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Ҳожихон Болтаев, Ботир Зоки-

ров, Муножот Йўлчиева репертуари каби Отажон Худойшукуров ижро этиб келган жозибали кўшиқларнинг репертуари ҳам авлодлар учун ибрат ва ўрганиш мактаби сифатида яшаб қолади. Афсуски, ҳозир кўпгина таниқли хонандалар ҳам ўз репертуарлари устида мутлақо ишламайдилар. Ҳатто уларда репертуар маданияти ҳақида тасаввурлар ҳам йўқ. Шундай пайтда Отажон Худойшукуров репертуарига бир кур назар солсалар фойдадан холи бўлмасди...

Отажон ҳофиз кўшиқларини тинглаш ҳар бир мухлис учун катта бахт эди. Унинг ўтли ва нолакор овозини эшитиш кўшиққа ташна юраклар учун чинакам байрам эди. Шу боис унинг концертларига чипта топиб бўлмасди. Агар у меҳнаткашлар ҳузурида, ўйингоҳларда концерт берадиган бўлса одамлар сиғмай кетарди. Тингловчилар орасида барча ёшдаги мухлисларни учратиш мумкин эди. Унинг ҳар бир концерти воқеага айланарди. Ва узок вақт кўшиқ мухлислари тилидан тушмасди. Уни ҳамон соғинч билан эслашади.

Телевидение орқали бериладиган концертлар ҳам минглаб телетомошабинларга бениҳоя хузур бағишларди. Тилдан-тилга ўтиб эътироф этиларди. Мутахассисларнинг юксак баҳоларига сазовор бўларди.

**Таниқли мусиқашунос Отаназар Матёкубов** шундай ҳикоя қилади:

– Отажон кўшиқ оламига ёниб кириб, ёниб ўтди. Ҳеч қачон тутамасди. У доим янгилик излади, янгилик қилишга интилди. Унинг муваффақияти шундаки, ўз ижодига танқидий қарарди. Бирор ашулани меъёрига етказиб ижро этганда ҳам ғурурланиб кетмасди. Мақтовларга учмасди. Ўзининг даражасини биларди. Ҳар қандай шеърни куйга солавермасди. Сўзга жиддий эътибор берарди. Унинг сози овозига мос юрарди. Бу камдан-кам санъаткорга насиб этадиган бахт. Ҳатто қардош халқлар кўшиғини ҳам ижро услубига мослаштириб, Отажон бўлиб куйларди. Уни ҳеч ким билан алмаштириб ёки ўрнига қўйиб бўлмайди. У инсон сифати-

да ҳам мард эди. Курашга тушишни яхши кўрарди, раҳматлик. Баъзан тўйларда торини кўйиб, полвонлар билан баб-баравар беллашарди...

Бир суҳбатда таниқли опера хонандаси Муяссар Раззокова Отажон Худойшукуровни «Ўзбек Павароттиси» деб эътироф этади. Жуда ўринли ва пурмаъно ўхшатиш. Отажоннинг Павароттига қиёс қилиниши алоҳида ифтихор, ҳурмат ва эҳтиром рамзи...

Дарҳақиқат, вақт ўтиши билан, бугун Отажон меросига мурожаат қилар эканмиз, унинг ноёб овози, лаззатбахш «до» пардаси чинакам илҳом билан суғорилган санъат намуналари эканлигининг гувоҳи бўламиз. Манзурнафас ҳофиз талқин этган мумтоз мақом йўллари-ю суворалар бизга замондош, қалбимизга ҳамоҳанг. Санъаткорнинг улуглиги ҳам шунда. Устозлардан мерос қолган куй ва ашулаларни обод этиш, умрига умр кўшиш энг катта шараф... Шунинг учун ҳам Отажон Худойшукуров мероси умрбоқийликка юз тутмоқда.

Қўшиқчи ё ҳофизнинг асосий истеъдоди ва маҳорати овозида бўлади. Овоз Оллоҳ томонидан бериладиган илоҳий мўъжиза. Илоҳийлик бўлмаса у юракларга етиб боролмайди. Халқимиз севган машҳур ҳофиз Отажон Худойшукуров ана шундай бебаҳо неъмат насиб этган сеҳрли ва жозибали овоз соҳиби эди. Унинг овози Амудай ўктам, Амудай сеҳрли, Амудай жўшқин эди.

У фақат лирик қўшиқчи эмасди. Балки ўзбек классик ашулалари, Хоразм мақомлари ва сувораларини юксак маҳорат билан куйлаб, ўзининг ижро мактабига яратиб кетган улкан ҳофиз эди. Хоразм ижрочилик санъатида «Сувора», «Катта сувора», «Чапандози сувора»дан ташқари «Сувораи дугоҳ Хусайний» номли қисми ҳам бор. Бу ашулаларни фақат катта ва ноёб овоз соҳибларигина ижро этолган. Отажон ака «Сувора»ни Машраб мухаммаси билан куйлаган:

Не гурбатларни чектим, чархи бебунёд,  
дастингдин,

Тамоми хонумоним ўлди чун барбод  
дастингдин,

Мудом мотамда бўлдум-бўлмадим дилшод  
дастингдин,

Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод  
дастингдин,

Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман,  
дод дастингдин...

У ҳар қандай қўшиқни ҳеч бир қий-  
налмасдан ўзига хос босиқлик, кенглик,  
салобат ва саховатли қалб билан ижро  
этарди. Унинг ижросида тингловчини  
ўзига тортиб турадиган оҳанрабо бор эди.  
У ижро жараёнида юрагингизнинг бир  
нуқтасини ушлаб турарди. Куй-қўшиққа  
ташна юрак ҳофиз овозининг сеҳридан  
асло чиқиб кетолмасди.

Отажон аканинг ўктам ва жозибадор  
овози ҳамиша юракларни беҳато нишонга  
оларди, банди этарди. Юрагингизни унинг  
нола тўла ўтли овозига топширганингизни  
ўзингиз ҳам сезмадингиз. Юрак гоҳ жо-

зибали мусиқа, гоҳ нолакор овоз измида машрабона юрганини билмас эди.

У ҳақиқий кўшиқ сеҳргари эди. Шу боис катта-кичик пардаларни, авжларни ҳеч бир қийналмасдан, зўрикмасдан баралла айта оларди. У кўшиқ куйлаганда ўзини заррача уринтирмасди. Баъзан ўзини, ўзлигини ҳам унутарди.

Отажон оғанинг қалбида кўшиқ вулқони бор эди. Бу вулқон қўзғалса тамом, қайнаб тошарди, яйраб-йайраб жўшарди. Амудай қирғоқларига сиғмас эди.

Унинг бетакрор ижро маҳорати, ўзига хос услуби ва овозидаги илоҳий жозиба тўғрисида машҳур ижодкорлар ва санъаткорлар ҳамда мухлислари шундай баҳо беришган:

**Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов:** – Отажон Худойшукуров ўзи яратган кўшиқларида ҳам ёхуд мумтоз кўшиқларни қайта ижро этганида ҳам ўзига хосликка доимо риоя қилар эди. Яъни, адабиёт сўзи билан айтганда у мутлақо тақлидчи эмас эди. Шу боис ҳам

бу улуг санъаткор кўшиқчилик санъатида бетакрор мактаб яратиб кетди. Бунга асло шубҳа йўқ.

**Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад:** – Тўқсонинчи йилларнинг бошларида Хоразмга ижодий сафарга борганмиз. Учрашувлардан бирида Отажон Худойшукуров қатнашди. Мен санъаткорга бўлган бундай олқишни кўрмаганман. Халқ уни ниҳоятда яхши кўрар ва ҳурмати бениҳоя жойига кўяр экан. Шундай бетакрор овоз соҳибини севмай, у билан фахрланмай бўладими?..

**Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Ибройим Юсупов:** – Отажоннинг ишқ-муҳаббат, севги ва вафо, садоқат ва дўстлик, она юрт ҳақидаги кўшиқларини ҳар гал тинглаганингда дунёга янги келгандек, янгидан оламни кашф этгандек бўласан киши. Гўё юрагингда муҳаббат ҳисси энди ниш ураётгандек, кўнглинг ана шу сеҳрли туйғуларга ҳамоҳанг бир ҳамроз

топгандек хис қиласан ўзингни. Яна бир гап: Ўрта Осиёда унинг булбулдай овози ҳаммага бирдек таниш ва кадрдон эди. Асрлар давомида шундай бўлиб қолади...

**Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев:** – Отажон билан нон тишлашиб дўст бўлганмиз. Овози тўла, ўта мукамал, тонг-азонда ҳам, ярим тунда ҳам – қудрати бир хил бўларди. У ўзини аямади, аммо шамдай порлаб нурли умр кечирди. Ўзини ёндириб яшади. Ва мангулик сари қадам қўйди.

**Тожикистон халқ артисти Жўрабек Муродов:** – Тожикистонда ҳам Отажон Худойшукуров қўшиқлари етиб бормаган хонадон йўқ. Тожиқлар уни ўз санъаткорларидек севадилар ва кадрлайдилар.

Отажон кўтарилган авж пардага ҳар ким ҳам чиқолмайди. Бунчалар қудратли ва забардаст, ўктам ва жозибадор овоз билан куйлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган илоҳий бахт. Мен ундан кўп

қўшиқларни ўрганганман. Отажоннинг зўрлигига ҳамиша тан бераман!

**Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов:** — Тан олиш керак: ижрочиликда Отажон кўтарилган довон жуда юксак! Бу чўққини забт этган санъаткорга хавас қилса арзийди. Лекин бундай юксак чўққига чиқиш ҳаммага насиб этавермайди.

Санъаткор сифатида, тенгдош ва яқин дўст сифатида Отажон Худойшукуровга, унинг санъатига хурматим, ихлосим ҳамон тоғдек баланд.

**Ўзбекистон халқ артисти Олмахон Ҳайитова:** — Отажоннинг қўшиқлари бўғзида эмас — нақ юракдан қайнаб-тошиб, булоқдек отилиб чиққани учун ҳам санъат шайдоларига жуда ёқади. У ашула қилиб айтиш учун шеър ёки ғазал танлашни билди, сўзнинг руҳига монанд куй ҳам бас-талайди. Яратилаётган қўшиққа юрагининг бир парчасини ҳам қўшиб мўъжиза

яратади. Бу мўъжиза мухлислар қалбига кўчади. Унинг зўрлиги ҳам шунда.

**Ўзбекистон халқ артисти Ортик Отажонов:** – Отажон Худойшукуров айникса, Хоразм классик кўшиқларига, суворалар, савти сувораларга ярашадиган юксак авжлар киритди, айникса, «Катта сувора»га ўлмайдиган умр бағишлаб ижро қилди. Отажон Худойшукуров оддий, камтар, юрагида кири, кини ва адовати йўқ, беғараз, худо берган хушнафас ҳақиқий ҳофиз эди.

Кўшиқсевар халқимизнинг хонадонларида Отажон ҳали тирикдай – кўшиқлари ҳамон янграб турибди. Бу унинг кўшиқлари умрибоқийлигининг ёрқин далилидир.

**Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова:** – Бизнинг ўспиринлик даври-миз Отажон ака-мизнинг айна етук камолот чўққисига эришган даврларга тўғри келган. Мўъжиза шундаки, унинг овози бир неча бор тиббий аралашувлардан кейин ҳам мутлақо заҳа кўрмаган, аксин-

ча овозининг пастки ва юқори кўламлари туғма қандай бўлса, шундай сақланиб қолган. Отажон Худойшукуровни катта опера кўшиқчиларига ўхшатаман. Агар у опера кўшиқчиси бўлганида Лучано Паваротти албатта унга тан бериб, чин дилдан қутлашига ишонардим.

**Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов:** — Қадим Хоразм мумтоз кўшиқчилик санъатига бутун умрини бахшида этган бир инсон сифатида тан олишим керакки, Отажон Худойшукуров сахнага ўзининг қудратли ва ширали овози, бетакрор ижро услуби билан кириб келди.

Отажоннинг овозидек овоз ҳеч кимда йўқ эди. Худойим танлаб-танлаб овознинг зўрини унга берган эди. Отажон шуниси билан улуғ, бетакрор ва ягона эди...

**Давлат ва жамоат арбоби, меҳнат қаҳрамони Саъдулла Рўзиматов:** — Қуйи Амударёдан XX асрда икки буюк ҳофиз

дунёга келди. Ва иккиси ҳам кўшиқчилик санъатида ҳақиқий ҳодиса бўлди. Бири – Комилжон Отаниёзов, иккинчиси – Отажон Худойшукуровдир. Минг афсуски, ҳар иккисининг ҳам умри қисқа бўлди. Аммо уларнинг санъатлари боқий, номлари абадий қолди. Шу боис ҳам Комилжон ва Отажон деган бир нурли жумлада сеҳрли олам – улкан кўшиқчилик санъат олами ястаниб ётибди...

**Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов:** – Отажон ака ниҳоятда фидойи, изланувчан, умрини кўшиққа бағишлаган улкан санъаткор эдилар. Айниқса, устознинг «Суво-ра» йўлларидаги ижролари кўшиқ санъатининг юксак чўққиси бўлиб қолди.

Отажон аканинг овозидаги имкони-ятлар шу қадар чексиз, шу қадар кенгки, унга фақат ҳавас қилиш мумкин. Ҳатто булбуллар ҳам бундай овозда куйлаёлмас!

**Ўзбекистон халқ бахшиси Етмишбой Абдуллаев:** – Раҳматли отамиз Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев)ни Отажон ака устоз деб биларди. Эсимни танибманки, Отажон оға, эшикдан баланд овозда «Усто! Бормисиз, Бахши ота!» – деб очик юз билан кириб келарди. Ҳамиша отамнинг дуойи фотиҳасини олиб кетарди. Энди Отажон оғани соғиниб, у қолдирган бебаҳо санъатдан баҳраманд бўлиб юрибмиз. Бу санъат ҳали кўплаб авлодларни ҳайратга солишига ишонаман.

**Ҳофизнинг яқин дўсти Ҳусайн Раҳмонов:** – Отажон Худойшукуров эл-юртга беминнат хизмат қилди. У табиатан тамадан йироқ ҳофиз эди. Шу боис ҳам у умрида бирон марта тўй эгаларига менга фалон сўм берасан, деб айтмади. Ҳа, Отажон пул ва бойликдан, ортиқча ҳою-ҳаваслардан, дабдабалардан устун турадиган иймонли кадрдонимиз эди...

Отажон Худойшукуровнинг вафотидан сўнг кўпчилик дўстлар йиғилиб,

унинг кабрини обод этиш, бирор-бир ёдгорлик ўрнатишни маслаҳат қилдик. Хоразм вилоятининг ўша даврдаги ҳокими, раҳматли Маркс оға Жуманиёзов ёдгорлик лойиҳасини тайёрлашни вилоят Бош меъмори Ренат Аҳмедовга топшириб, эртага соат ўн бирларда олиб келинг, дебди. Ўша кечаси Ренат аканинг тушига Отажон кириб, ёдгорлик лойиҳасини қандай бўлишини имо-ишоралар билан унга кўрсатиб берибди. Бу Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан рўй берган мўъжиза эди. Бунни эшитиб ҳаммамиз ҳайратдан қотдик...

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов:** — Оллоҳ раҳмат қилгур устозимиз Отажон Худойшукуров ниҳоятда камтарин, камсуқум ва оддий инсон эдилар. Устоздан кўп нарсалар ўрганганмиз. У киши билан бирга иштирок этган концертлар энг ноёб хотира сифатида ҳамон қалбимизда яшайди.

Устоз оламдан ўтганларида биз, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон билан Қашқадарёда ижодий сафарда эдик. Бу қайғули хабарни эшитиш билан йўлга тушдик. Поездда мижжа қокмай, дард-алам ва қайғу билан Тўрткўлга етиб келдик.

Йўлда Омон ака «Отажонни эслаб...» деган ушбу марсияни ёзди:

*Оққан дарё тиндимми,  
Олтин торинг синдимми,  
Отга бошқа миндимми,  
Ўртадаги дўст қани?!*

*Қайиқ қумга урилди,  
Аср зумга урилди,  
Юрак симга урилди,  
Ўртадаги дўст қани?!*

*Фано, бақо не ишдир,  
Бир-бировни ейишдир,  
Изиндан воҳ дейишдир,  
Ўртадаги дўст қани?!*

*Икки дарё ораси,  
Уч юз олтмиш қалъаси,*

*Излар ҳофиз ноласин,  
Ўртадаги дўст қани?*

Кейинчалик камина улкан шоиримизнинг бу юрак ноласини қўшиқ қилдим. Бу қўшиқни ҳар сафар айтганимда юрагим қон-қон йиғлайди, вужудим соғинчдан титрайди. Устознинг нуроний сиймоси кўз олдимдан кетмайди. Чунки, Отажон Худойшукуров инсон сифатида ҳам, ҳофиз сифатида ҳам мангуликка юз тутган Оллоҳнинг суюкли бандаларидан бири.

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Камол Матёқубов:** – Отажон Худойшукуров билан учрашувимиз одатдагидан бошқачароқ тарзда кечди. Тошкентдан Симферополга учаётган самолётимиз об-ҳаво ноқулайлиги туфайли Бокуга қўнди. Бу ерда об-ҳаво ноқулайлиги натижасида қўним топган самолётлар кўп эди. Боку аэропорти қанчалик катта бўлмасин, йўловчилар арининг уясидек гувилларди, ўтиришга эмас, тик тургани ҳам жой

етишмасди. Эрта тонгдан хуфтонгача шу бетоқат аҳвол давом этди. Самолётлар учининг кечиктирилиши ҳақидаги кун бўйи берилган маълумотлар йўловчиларнинг асабига тегди. Ҳар хил норозиликлар пайдо бўла бошлади. Ана шундай маълумотномалар бюросидан ғалати хабар янгради. Маълумот берувчи қиз озарбайжонча ғурур ва ифтихор билан Боку аэропортига улуғ шоирлар Расул Ҳамзатов ва Набий Ҳазрий келганини, шеър эшитишни истаган йўловчилар марказий залга боришларини эълон қилди. Кун бўйи бекорчиликдан зериккан йўловчилардан марказий зал яна ҳам тирбанд бўлди. Шеърхонликни мезбон Набий Ҳазрий бошлаб берди. Кейин уни Расул Ҳамзатов давом эттирди. Бу кутилмаган мушоирага қаердандир меҳмон кутгани чиққан Бахтиёр Ваҳобзода ҳам қўшилди. Йўловчилардан икки-учтаси ҳам шеър ўқишди. Навбатдаги шеърини ўқиб тугатган Расул Ҳамзатов аэропортда ўзбекистонлик машхур санъаткор Отажон Худойшукуров ҳам борлигини

айтиб, ундан қўшиқ куйлаб беришни илтимос қилди. Аэропортдаги бу анжуман кимларнингдир саъй-ҳаракати билан ташкил этилдимиди ёки кутилмаган ҳолда амалга оширилдимиди, буниси номаълум, лекин у йўловчиларга хуш кайфият бағишлади. Ўшанда Отажон Худойшқуровнинг даврага чиқиши «Алиқамбар» куйи билан бошланди.

Ўша куни бирор сахнада эмас, аэропортнинг йўловчилар кутиш залида икки соат давомида тик оёқда, микрофонсиз, жонли овозда ижро этилган қўшиқлар хонанда санъатининг янги қирраларини намоён қилди. Бу қирралар унинг жанрангдор, баланд, барча пардаларда равон ва эҳтиросли, инсонни ўзига мафтун этадиган табиий овозда, кўп халқларнинг қўшиқларини аслидагидек мукаммал билиши ҳамда ижро қилишида эди. Бошқача айтганда, ўша куни Отажон Худойшқуровда сахнада ҳамма вақт ҳам кўриш насиб қилавермайдиган ҳақиқий хонандалик қудрати бўй кўрсатди. Йўловчилар – бошқа

халқ, миллат вакиллари қалбида унинг хонандалиги тимсолида ўзбек қўшиқчилилик санъатининг юксаклигига ишонч туйғуси қарор топди. У билан биринчи учрашув ва суҳбатимиз ана шу ерда бўлиб ўтди. Хонанда устозлари, ансамбли, қўшиқчилилик санъати муаммолари, келгуси режалари ҳақида гапириб берди. Расул Ҳамзатов билан қандай танишлиги хусусидаги саволимга: «Биз улуғ шоирнинг таклифи билан Догистонга концерт гастроллари билан бориб турамиз», – дея жавоб берди. Расул Ҳамзатовнинг хонандага эҳтиромининг сабаби шу жавобда аён эди.

Отажон Худойшукуров билан иккинчи юзма-юз суҳбатимиз 1985 йилнинг қишида Тошкентда бўлиб ўтди. Санъаткор «Аму тўлқини» ансамбли билан пойтахтга гастроль сафарига келди. Бир кун концерт берилди-ю, иккинчи кун собиқ шўро раҳбарларидан бирининг вафоти муносабати билан томошалар тўхтатилди. Ўн кундан кейин ансамблга гастроль концертларини пойтахтнинг чеккароқ нуқта-

си – Авиасозлар маданият саройида давом эттиришга рухсат берилди. Икки соатга мўлжалланган концерт тўрт соат давом этди. Томошабинлар талабига мувофиқ Отажон Худойшукуровнинг ўзи икки ярим соат кўшиқ ижро этди. Ёниб-куйиб, қалбини, бутун борлигини кўшиққа бағишлаб, кўшиққа айланиб куйлади. Ўндан ортиқ янги кўшиқларини тингловчилар эътиборига биринчи бор ҳавола этди. У кўшиқдан кўшиққа авжланиб, юқорилаб борди. Ниҳоятда юксак ижроси билан томошабинлар ҳайрати ва олқишига сазовор бўлди.

Концертдан кейин суҳбатимиз ҳам бирдан қовушди. Санъаткорга рағбат бериш учун «Концертингиз яхши ўтди, кўшиқларингизни ҳув ўша, Боку аэропортида бўлгани каби энг юқори, авж нуқтасида куйладингиз. Хонандага ҳаммаша ҳам ана шундай куйлаш насиб этаверадими?», – дея савол бердим. У бироз тин олди. Сўнг жиддий тортди. «Йўқ, хонандага бундай қалбдан ёниб куйлаш

билан боғлиқ бахтли онлар ҳамиша ҳам насиб қилавермайди. Мана, сиз Бокудаги аэропортда айтган кўшиқларимни эслатдингиз. Ўшанда ҳақиқатан ҳам, кўшиққа бутун борлиғимни бағишладим. Бунинг сабаби – ватан соғинчи, юрт, уй ва яқинлар соғинчи эди. Ўша пайтда бир ой Доғистонда гастролда бўлиб юртга қайтаётгандик. Ватанни – Ўзбекистонни соғингандик. Ана шу соғинч кўшиқларга айланиб қалбимдан қайнаб чиққанди. Ҳар бир одамнинг, жумладан, санъаткорнинг ҳам дарди ўзига аён. Бу дард қалбидан қачон ва қандай чиқаётганини, бошқа қалбларни ҳам забт этаётганлигини яхши билади. Ана шундай ҳолатларда санъаткорнинг кўшиқлари ниҳоятда табиий, жозибали ва завқли чиқади. Ўша, аэропортда кўпчиликини ҳайратга солган нарсаси ҳам она юрт соғинчининг бир ифодаси эди. Бугунги кўшиқларим авжига келсак, бунинг сабаби сал бошқачароқ эди...»

**Давлат ва жамоат арбоби Маркс Жуманиёзов:** – 1967 йил бўлса керак, қиш ойлари эди, мен қаттиқ касалланиб қолдим. Шундай қаттиқ оғридимки, хуллас ўладиган бўлиб, кўрпа-ёстик тортиб, қариндош-уруғлар билан рози-ризалик айтишиб ётибман. Мана шу лаҳзаларда нени кўрсанг – кўриб қолганинг, кимнинг сўзини тингласанг – эшитиб қолганинг... Айтяпман-ку, охирги кун, охирги куним... Бир пайт қарасам, биров кулиб турибди тепамда. Отажон!

– Ассалому алайкум, ёшулли! – дейди тиржайиб. – Бир кўриб, зиёратлаб кетайлик деб келган эдик, бу на ётиш?

– Шундай-шундай, – дедим ётган жойимда овозим синиб. – Кетяпмиз, жўра...

– Нера гетасиз-ай, ёшулли, ман галдим, сизни ҳеч қаяққа юбормайман!

– Йўқ, Отажон, бугун охирги куним. Ҳамма билан видолашиб чиқдим. Сенинг келганинг яхши бўлди, жўра, рози бўл...

– Йўқ! Гетмийсиз! Ўрнингиздан турасиз! Сиз ўрнингиздан турмагунча, мен ина бу ерда ўтиравераман...

– Ўтирсанг ўтир! – дедим мен.

Отажон ҳам ўтираверди. Мен ҳам ётавердим... Бир пайт Отажон ўтириб-ўтириб зерикди. Уйда болаларнинг тинғирлатиб юрадиган рубоби бор эди, шуни топиб келди. Ўзи билан ўзи тинғирлатди, ашула айтди. Орасида мендан:

– Турасизми, ёшулли? – деб сўраб кўяди.

– Йўқ, – дейман минғирлаб. – Мен бугун нариги дунёга кетаман...

– Гетмийсиз! Юбормайман!

Яна тинғир-тинғир, яна ашула.

Бир вақт Отажон уйдаги телефонни топиб, аллақайларга телефон қила бошлади, торини олиб келишни илтимос қилдими, кўп ўтмай уйга машина келиб кетгани, аллакимлар энди ансамбль бўлиб кўшиқ бошлаётгани эшитилди.

Отажон кўшиқ айтаверди, мен ана кетди – мана кетди бўлиб ётибман.

– Туринг энди, оға! – дейди кўшиқ орасида.

– Туролмайман, Ота...

– Бўлмаса, кўшиқ айтаверамиз.

Шундай қилиб, келган куни, кечаси, эртасига ҳам Отажон уйда кўшиқ айтди! Кетмади! Мен ҳам кетмадим... нариги дунёга! Яратгандан бир каромат ҳосил бўлдим – эртаси куни мен ўрнимдан турдим! Туриб ўтирдим, меҳмонларнинг олдига чиқдим, қўйингки, мен ажалнинг оғзидан қайтдим! Отажоннинг сеҳрли наволари боис, мен ёруғ оламга қайта келдим! Мўъжиза рўй берди, деяверинг...

Ана шу воқеадан кейин Отажон билан орамиздаги меҳр-оқибат ўчмас-йитмас туйғуларга, борди-келдиларимиз эса жонажон дўстликка айланиб кетди.

\* \* \*

Отажон Худойшукуров миллий кўшиқчилик санъатимиз нуфузини оширганлиги ва уни янги пардаларга кўтарганлиги ҳамда дунё сахналаридаги катта тарғиботи учун Ўзбекистон (1977 й.), Туркменистон (1993 й.), Қорақалпоғистон (1970 й.) ва Татаристон (1981 й.) халқ артисти унвон-

ларига сазовор бўлган. Республика Давлат мукофоти (1994 й.) билан тақдирланди.

Отажон ака мустақил юртимиз учун ёниб-ёниб хизмат қилмоқчи эди. Афсуски, бевақт келган хасталик уни созидан, сўнгра ёру биродарлари, дўсту қариндошлари, минглаб мухлислари юрагидан юлиб олиб кетди. Энди қадим Тўрткўл тупроғи етим бўтадек бўзлайди, булбулу тўргайлар уни эслаб, зор-зор чарх уради. Жайхун нола қилади. Улкан чинорлар, қадим гужумлар унсиз фарёд этади. Энди бу айрилиқ жароҳатларига фақат кўшиқ малҳам бўлади, уни соғинган юракларга фақат кўшиқ таскин беради. Буюк ҳофизнинг умри ҳам ана шу ўлмас ва боқий кўшиқларда давом этаётир.

Президентимиз фармони билан ҳофизга вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени берилди.

Сўзимиз аввалида Отажон Худойшукуров ҳаёт ва ижод йўли улкан Жайхун дарёси билан боғланиб кетганлигини киёслаб

айтган эдик. Жайхун унинг туғишган жигаргўшасидай яқин ва кадрдон эди.

У кўхна ва азим Жайхунни муқаддас Ватан каби севарди. Бутун вужуди, борлиғи, орзу-армонлари, дардли дили билан севарди. Оллоҳ берган ўтли овози, нола тўла сози билан севарди. Тори пардаларини Жайхун тўлқинларининг сасига мослаб созларди. Бирор олис сафарга отланса та-мом, Жайхун унинг ортидан онаси каби мўлтираб қолгандай эди. Соғинч тўла юрагида Жайхун ҳақидаги қўшиқ қайнаб-тошиб келаверарди:

*Қайда юрсам соғинтирар,  
Она юртим томонлари,  
Хаёлимда саҳар-саҳар,  
Эсар Жайхун шамоллари...*

Соғинч шамоллари юрагига тегиши билан ич-ичидан, томир-томиридан яй-раб кетарди. Ҳофиз учун ёруғ оламда бу хушбўй, хушҳаво, шамоллардан бўлак лаззат, хузур-халоват йўқ эди. Шамолларнинг майин эпкини ҳам унга гайрат

ва куч-қудрат бағишларди, жўшқин ил-  
ҳом берарди. «Сувора»ни, «Сегоҳ»ни,  
«Чоргоҳ»ни ва «Қаландарим», «Айрилиқ»,  
«Хабар юбордим», «Йўқдир», «Биринчи  
муҳаббат», «Шайдо денглар», «Кимнинг  
ёрисан», «Ҳилола тушмиш», «Табассум  
қил», «Лазги» сингари кўшиқларни торда  
чертиши билан кўз олдиға оҳиста-оҳиста  
чайқалиб оқаётган Жайхун келаверарди.  
Дардли ва дилбар овозида Жайхун шамол-  
ларининг шиддати, сеҳри ва таровати му-  
жассам эди:

*Умр қисқа, манзил узоқ,  
Йиллар биздан кетар йироқ,  
Мангу қўшиқ каби гувлаб  
Эсар Жайхун шамоллари...*

У Жайхуннинг чин ва фидойи ошиғи  
эди. Ўтган асрнинг машҳур адиби Ми-  
хаил Шолохов жонажон дарёси – Донни  
қанчалар юксак меҳр-муҳаббат билан сев-  
ган, ўз асарларида ёзиб куйлаган бўлса, у  
ҳам жон-томирларига қадар тутшиб кет-  
ган Жайхунни шундай гўзал ва бетакрор  
муҳаббат билан куйлар эди. Узоқ йиллар

бадий раҳбарлик қилган ансамблнинг «Аму тўлкини» деб номланишида ҳам ҳикмат бор. У ана шу тўлкинларга жўр бўлди, тўлкинлар оғушида куйлади. Отажон оға қўшиқ куйлаётганда ўзини аямасди. У даврада битта шинаванда бўлсаям, ўнта ё юзта бўлсаям, зал тўла бўлсаям, бир маромда куйларди. Тингловчини алдамасди. «Мен қўшиққа хиёнат қилолмайман», дерди.

Отажон Худойшукуров санъаткорлар ичра ҳақиқий катта қалбли санъаткор ва йирик шахс эди. У сўнгги нафасигача шундай инсон бўлиб қолди. Собик шўро замонининг алдоқчи, енгил-елпи ва ўткинчи шамолларига юз тутмади. Гоҳ курук мактовлар, гоҳ сохта чапаклар сеҳрига берилмади. Айрим ҳамкасбларига ўхшаб ўзини турфа тўдаларга урмади, ҳамду санолар учун гуруҳ ёлламади, мукофотлар ортидан елиб-югурмади... Санъатининг қадрини туширмади...

У қўшиқни муқаддас деб билди ва қўшиққа сажда қилиб ўтди. Севимли шои-

римиз Омон Матжон топиб таърифлагани-  
дек «Учинчи дарё»лигича қолди у:

*Шу ҳолга тушаман Хоразмда ҳам,  
Буюк Амударё бўйида туриб.  
Гўё Жайхундан ҳам баҳайбат наҳр,  
Яқингина жойда оқар ўкириб.*

Қўшиқ дарёсига айланиш ҳар қандай  
улкан санъаткорга ҳам насиб этавермай-  
ди. Лекин камтарин ҳофиз бир суҳбатда:  
«Асл дарё – Комилжон устоз, бизлар  
ирмоқларимиз», деган эди. Ҳикматинг ва  
ҳимматингга балли, учинчи дарё...

У чин маънода халқ ҳофизи, халқ санъ-  
аткори эди. Халқнинг қалбига, юз-кўз-  
ларига озодлик, мустақиллик шамоллари  
тегишини истарди. У халқимизнинг шу  
ёруғ кунларини, халқнинг бахту саодати-  
ни, озодлигини кўриб, Жайхундай яйраб,  
тўлиб-тошиб, Жайхундай рози бўлиб кет-  
ди у. Илоё, Жайхун ҳам ўзининг машҳур  
фарзандидан рози бўлсин!

Таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев ўзининг Отажон Худойшукуровга бағишланган «Сувора соғинчи» китобида ҳофиз тилидан ёзганидек: «сувора»ни соғиниб қоласизлар ҳали...» Қўшиқпараст юраклар аллақачон сувораларни ҳам, унинг бетакрор ижросини ҳам соғинганлар.

Рози-ризолик онларини қоғозга туширишга қалам ожиз, сўзнинг қудрати етмайди. Шамолларга видо айтиш қўшиқ айтишдан кўра қанчалар оғирлиғини у сўнгги лаҳзаларда тушунди. Тушунди-ю, хасталиғини на Жайхунга, на шамолларга сездирди. Мард инсоннинг умри ҳамиша мардларча якун топади. У 1994 йил 22 декабрда Тўрткўл шаҳрида вафот этди. Норинжон бобо қабристонида дафн этилди.

Ҳофизнинг бирга ўсган дўсти, шоир Муҳаммадсоли Машарипов ёзганидек:

*«Айролиқ»ни куйлаб дилни эздингми?  
Бу ёлгон дунёдан дўстим, бездингми?  
«Айролиқ» олди-ку Комилжонни ҳам,  
Умринг поёнини илғаб сездингми?*

*Бир наво самода кезиб юрибди,  
Согинч юрагимни эзиб юрибди.  
Ўлмас руҳинг қушдай кезиб юрибди,  
Согинган юраклар сезиб турибди...*

У бутун умри давомида Жайхун билан сирлашди, дарду дилини фақат Жайхунга очди. Уни беозор, майин, хокисор шамолларига сўйлади, шамолларга кўшилиб куйлади. Шу боис ҳофизнинг ўктам ва жарангдор овози олис-олисларга кетди, олис-олис ўлкалардаги кўшиқсеварлар қалбларига етди. Уларни титроққа солди. Бу қайтарилмас, шиддаткор овоз ҳамон олисларга олислаб кетаётир:

*Умримнинг боди сабоси  
Салом Жайхун шамоллари.*

Энди шашти бироз пасайган, шиддати жиндай сўнган бу дайди шамоллар Жайхун тўлқинлари куйлаётган видони, изтиробли ўланларни Отажон оғанинг муқаддас қабри томон элтаверади, элта-

веради... Улкан Жайхун бўйлаб кезиб юрган ҳофизнинг муборак руҳини шамоллар аллалайди. Ва Оллоҳ ўз раҳматига олган бу азиз руҳ ҳамиша шамолларга пешвоз чиқиб, севимли қўшиғини такрор-такрор айтаётгандай бўлади:

«Умри қисқа манзил узоқ...» У билиб куйлаган экан. Бу қўшиқни Оллоҳ кўнглига солган. Ҳақиқатан ҳофизнинг умри қисқа, лекин у куйлаб кетган қўшиқларининг манзили узоқ ва олис, худди Жайхун каби боқийдир.



**МУНДАРИЖА**

**КОНВЕРТ-ОДАМ**

*Фельетон қисса*

3

**ДУППИСИ ЙЎҚ ДУНЁ**

*Ҳикоялар*

80

**ЭСАР ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ**

*Эссе*

158

*Адабий-бадний нашр*

**Ашурали Жураев**

## **КОНВЕРТ – ОДАМ**

*Қисса, ҳикоялар ва эссе*

Муҳаррир *А.Бобониёзов*

Рассом-дизайнер *Б.Зуфаров*

Техник муҳаррир *Л.Хижова*

Мусаххатч *М.Ишанханова*

Кичик муҳаррир *Д.Холматова*

Компьютерда тайёрловчи *А.Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.

Босишга 2015 йил 2 июлда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Бичими 70x90 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

«Times New Roman» гарнитурасида офсет  
усулида босилди. Шартли босма табағи 7,31.

Нашр табағи 4,93. Адади 5000 нусха.

Букюртма № 15-514.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

*e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)*

*[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)*

**Жўраев, Ашурали**

Ж 79      Конверт одам. Қисса, ҳикоялар ва эссе/  
А.Жўраев: муҳаррир А.Бобониёзов – Ташкент:  
«O‘zbekiston», 2015. – 200 б.

ISBN 978-9943-28-346-6

**УЎК 821.512.133**

**КБК 84(5Ў)6**